

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Абу Райхон Беруний номидаги  
Шарқшунослик институти

Нажибуддин ас-Самарқандий

# Усул ат-тарокиб ал-адавия

*(Мураккаб дориларни тайёрлаш усуллари)*

Тошкент  
“Мухаррир” нашриёти  
2013

УДК: 615.89(092) ас-Самарқандий

ББК 52.81

С 28

*фармакология*

Нажибуддин ас-Самарқандий

Усул ат-тарокиб ал-адавия (Мураккаб дориларни тайёрлаш усуллари) / Н. ас-Самарқандий; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси; Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти; таржимон С.Каримова, Ш.Саидахмадов; кириш ва изоҳлар муаллифи С.Каримова; масъул муҳаррир М.Ҳасаний. – Тошкент: «Muharrir nashriyoti», 2013, 100 б.

ISBN 978-9943-25-208-0

Ушбу китобда ўрта асрнинг машҳур табибларидан бири – Нажибуддин ас-Самарқандийнинг мураккаб дориларни тайёрлаш ва қўллашга бағишланган “Усул ат-тарокиб” асарининг ўзбек тилига илмий-изоҳли таржимаси берилган. Таржима табибнинг ҳаёти ва ёзган асарлари, мазкур китобнинг доришунослик таҳлилини ўз ичига олган тадқиқот қисми билан таъминланган.

Мутахассислар ва таобат тарихи билан қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

УДК: 615.89(092) ас-Самарқандий

ББК 52.81

*Араб тилидан*

Сурайё Каримова, Шавкат Саидахмадов

*таржимаси*

*Кириш мақола ва изоҳлар муаллифи:*

Сурайё Каримова

*Масъул муҳаррир:*

Маҳмуд Ҳасаний

*Китоб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси*

*Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий*

*кенгашида нашрга тавсия қилинган (13.04.2012)*

*nomidagi*

O'zbekiston MK

© «Muharrir nashriyoti»,

Тошкент, 2013

ISBN 978-9943-25-208-0

2014/1  
А40

## Нажибуддин ас-Самарқандий ва унинг “Усул ат-тарокиб ал-адавия” асари

### 1. Шарқ доришунослик китоблари: содда доридан мураккабгача.

Илк ўрта аср (IX-XII асрлар) табобат фани Ўрта ва Яқин Шарқда ўз тараққиётининг чўққи нуқтасига етди, Шарқ олимлари бу соҳада ўзларидан аввал ўтган юнон ва латин илм аҳлларида шу даражада ўтиб кетдиларки, кейинги давр Шарқ ва Ғарб табиблари бир неча асрлар давомида уларнинг амалий ва назарий тажрибалари асосида тарбияландилар. Ҳаттоки ҳозирги кунда ҳам Яқин Шарқ, Шимолий Африка мамлакатлари, Ҳиндистон ва Покистонда касалларни даволашда ўрта аср тиббий манбаларидаги дорилардан фойдаланилади.

Ўша даврдаги табобатнинг тез тараққий этишига асосий сабаб, аввало, фаннинг бу соҳасига бўлган катта ҳаётий эҳтиёж эди, бу эса ўз навбатида шу соҳага тегишли кўплаб таржима ва турли мустақил асарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу нарса айниқса ўрта аср табобатининг муҳим ва ажралмас қисми бўлган доришуносликда (фармакологияда) яққол акс этди. Доришуносликка тегишли бўлган адабиётларнинг аҳамияти даволаш дастурлариникидан кам бўлмаган, бунга ўша даврда яратилган тиббий асарларнинг ярми доришунослик китобларидан иборатлиги ҳам далилдир. Бундай асарларнинг аксарияти қадимги юнон, рим, ҳинд ва бошқа шарқ халқлари тиббий адабиётида тарбияланган Марказий Осиё олимлари қаламига мансубдир.

Минтақамиз ва умуман, мусулмон доришунослигининг шаклланиши ва ривожига таъсир кўрсатган ислом даври асарларини шартли равишда қуйидаги турларга ажратиш мумкин.

*1.1. Содда дориларнинг алифбо тартибида тузилган рўйхатлари, яъни фармакогнозиялар.* Уларда содда дорининг турли тиллардаги номи, ташки тавсифи берилган. Бу турдаги асарларга Абу Райҳон Бериунийнинг (973-1048) “*Китоб ас-сайдана фи-т-тибб*” (“Табобатда доришунослик”) асари ёрқин мисолдир. Унда мингдан ортиқ маъданий, наботий ва ҳайвоний келиб чиқишга эга бўлган содда дориларнинг араб, форс, юнон, сурён, ҳинд, хоразмий, туркий, сўғд ва бошқа тилу лаҳжалардаги 4500 та

номлари ва тавсифлари келтирилган. Берунийнинг бу асари ўша давр дори атамаларини тартиблаш ишига катта ёрдам берди<sup>1</sup>.

Таниқли испан-иброн олими ва табиби Мусо ибн Майсун ибн ‘Абдуллох ал-Қуртубийнинг (1135-1204) “*Шарҳ асма’ ал-аққор*” (“Дори номлари шарҳи”) номли китоби ҳам илк ўрта асрда яратилган машхур фармакогнозиялардандир<sup>2</sup>.

### 1.2. *Содда дорилар (Materia medica) ҳақидаги китоблар.*

Доришунослик китоблари орасида бу турдаги асарлар жуда машхур бўлиб, кенг тарқалган. Улар шарқ доришунослигини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Бу асарларнинг барчаси номлари бўйича абжад тартибида жойлаштирилган маъданлар ҳамда ўсимлик ва ҳайвон аъзоларининг хоссалари, табиати ва тиббий қўлланиши бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олган мақолалардан ташкил топган. Кўп ҳолларда у ёки бу дорининг бадали (ўрнига ўтувчиси) ҳам кўрсатилган бўлади.

Мусулмон табибларининг бир неча авлоди учун юнон олими ва ҳарбий табиби Педаний Диоскориднинг (I аср) “Дори воситалар ҳақида” номли китобининг арабча таржимаси энг эътиборли манба бўлган. Шу боис, *Materia Medica* ҳақидаги асарларнинг аксарияти мазкур Диоскорид китобига ўхшаш шаклда ёзилган. Фақат уларга киритилган дориларнинг ассортименти асар яратилган жойнинг географик ва иқлим фарқига мувофиқ ҳолда ўзгарган. Бу эса мусулмон Шарқидаги фармакологик билимларнинг бойишига хизмат қилган.

Содда дорилар (*ал-адвийа ал-муфрда*)га бағишланган илк асарларнинг энг машхурлари: Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розийнинг (865-925) “*Китоб ал-ҳовий*” (“Кенг қамровли китоб”) номли тиббий энциклопедиясининг “*Ал-адвийа ал-муфрда*” қисми<sup>3</sup>, Абу Али ибн Сино (980-1037) “Тиб конунлари”нинг II китоби<sup>4</sup>, араб-испан табиби Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ғофиқийнинг (вафоти 1165 й.) “*Ал-жомий фи-т-тибб фи-л-адвийа ал муфрда*” (“Содда дорилар ҳақидаги тўлиқ тиббий китоби”) <sup>5</sup>, араб ботаник ва доришуноси Зиёуддин Абу Муҳаммад ибн ал-Байтарнинг (вафоти 1248 й.) “*Китоб ал-жомий ли-муфрдат ал-адвийа ва-л-ағзийа*”

<sup>1</sup> Беруний, Б. 10. (барча ишораларнинг тулиқ номи “Библиографик қисқартмалар руйхати”да берилган).

<sup>2</sup> Мейерһоф, Р. 41.

<sup>3</sup> Hawi, vol. XX-XXI (part I-II).

<sup>4</sup> Ибн Сино, II.

<sup>5</sup> Brockelmann. В. I, 488; Supplementband. I, 891.

(“Содда дорилар ва озук моддалар ҳақидаги тўлик китоб”) номли асаридир<sup>6</sup>.

### 1.3. Заҳарлар ва тарёқлар (антидотлар) ҳақидаги асарлар.

Мусулмон Шаркида бу мавзудаги дастлабки махсус асар араб кимёгари Ибн Вахшийя (IX аср) каламига мансуб “*Китоб ас-сумум*” (“Заҳарлар ҳақида китоб”)дир. Унда заҳарларнинг тавсифи, улар таъсирида юз берадиган аломатлар, тарёқлар ва уларни тайёрлаш усуллари баён қилинган<sup>7</sup>. Ундан кейинги муаллифларнинг аксарияти заҳарларни ўзларининг катта тиббий асарларига алоҳида боб шаклида кирита бошладилар. Ибн Синонинг устози ва дўсти Абу Саҳл ал-Масихийнинг (вафоти 1010 й.) “Тиб илмининг юз китоби”даги 95-100-боблар<sup>8</sup>, Ибн Сино “Тиб конунлари”нинг IV китобидаги 6 –фан, шунингдек, II ва V китобидаги катор мақолалар, Исмоил Журжонийнинг форс тилидаги “*Заҳира-йи хоразмишоҳи*” (“Хоразмшоҳлар хазинаси”)нинг X китобидаги боблар<sup>9</sup> шулар жумласидандир.

Тарёқларга бағишланган форс тилидаги дастлабки мустақил асар – “Рисола-йи под-и заҳр” XVI асрда эронлик табиб Имодиддин ибн Масъуд Шерозий (вафоти 1592 й.) томонидан ёзилган<sup>10</sup>. Шу ўринда айтиш жоизки, тарёқ ҳам, унинг форсча варианты бўлган *подзаҳр* ҳам заҳар зарарини қайтарувчи антидотни англатса-да, Ибн Сино уларни шундай фарқлайди: “Тарёқ исми – сунъий равишда тайёрланадиганига, *подзаҳр* исми эса табиатда пайдо бўлиб, ёлғиз ҳолда учрайдиган дориларга берилиши керак. Сунъий равишда ўсимликлардан тайёрланадиганларни тарёқлар деб, маъданлардан тайёрланадиганини *подзаҳр* дейиш тўғрироқ бўлса керак; улар орасида унчалик катта фарқ бўлмаса ҳам керак”<sup>11</sup>.

### 1.4. Қисқа рисола ва жадваллар.

Илмий маълумотларни жадвал шаклида бериш табобатда кенг қўлланган, чунки бу усул қисқа ва лўнда ҳолда, кичик жойда катта ҳажмдаги материални камраб олиш имконини берган. Бу эса амалиёт билан машғул табибларга жуда қулай бўлиб, зарур кўрсатмалар доимо қўл остида бўлган. Намуна сифатида испан-

<sup>6</sup> Ибн ал-Байтар, қисқартмалар дунҳатиға қаранг.

<sup>7</sup> Kindi, P.9.

<sup>8</sup> СВП. Медицина, №3.

<sup>9</sup> СВП. Медицина, №50.

<sup>10</sup> Zillutalhalap, P. 17.

<sup>11</sup> Ибн Сино, II, Б. 35.

иброн табибӣ Исуф ибн Исҳоқ ибн Биклариш ал-Исроилийнинг (1106 й.да ҳаёт бўлган) “*Китоб ал-Мустаъин*” асарини келтириш мумкин. Бу жадвал–рисола Сарагоссанинг ҳукмдори Аҳмад ал-Мустаъинга (1085-1109) бағишланган бўлиб, 5 та устун шаклида ёзилган:

1-устунда ҳар бир дорининг номи; 2-сида табиати ва тавсифи, 3-да сурён, форс, юнон, лотин ва испан тилларидаги синонимлар, 4-да бадаллари ва 5-устунда дорининг таъсири, қўлланиши ва олинishi берилган<sup>12</sup>. Булардан ташқари, дорилар ҳақидаги маълумотлар яна “*Жавоҳирнома*”ларда, жуғрофий адабиётларда, саёҳатномаларда, ўсимлик ва ҳайвонларга махсус бағишланган рисоаларда ҳам учрайди.

Ўрта аср табиблари содда дорилар билан бир қаторда ўз муолажаларида мураккаб, яъни таркиб қилинган дорилардан ҳам кенг фойдаланганлар. Шунинг учун содда дорилардан катта қисмини мураккаб дориларни тайёрлаш ва қўллашга бағишланган “*Қарободин*”лар ташкил қилади.

1.5. “*Қарободин*” ёки “*Ақрободин*”лар мазмуни ва тузилишига кўра Фармакопелар бўлиб, содда дорилар ҳақидаги китоблар сингари жуда машҳур бўлган ва IX асрдан то XIXасргача ёзиб келинган. Уларда дорилар алифбо тартибида эмас, дори турига қараб жойлаштирилган. *Қарободин* сўзи юнонча *срафидион* сўзидан ясалган бўлиб, рўйхат маъносини беради. Шарқ табобатида эса мураккаб дорилар тайёрлаш учун кўрсатмалар рўйхатидан иборат. “*Қарободин*”ларнинг биринчиси қадимги рим табиби Жалинус (129-200) каламига мансуб бўлиб, “*De compositione medicamentorum per genera*” (“Дориларни турлари бўйича тайёрлаш”) деб номланади<sup>13</sup>. Бу асарнинг машҳур несториан табиби ва таржимони Ҳунайн ибн Исҳоқ ал-Ибодий (808-873) томонидан араб тилига қилинган таржимаси – “*Таркиб ал-адвийа ала-л-жумал ва-л-ажнас*” – кейинги давр мусулмон табиблари учун намунали Фармакопелар бўлди.

Шарқдаги илк “*Қарободин*” эса насроний табиби Собур ибн Саҳл (вафоти 869 й.) томонидан ёзилган. Бу “*Китоб ал-ақрободин ал-кабир*” (“Катта қарободин”) бўлиб, 22 бобдан иборат. Кейинроқ шу муаллиф кичик касалхона ва хусусий муолажаларда

<sup>12</sup> Sartori, P. 235

<sup>13</sup> Kindi, P.13-14.

фойдаланиш учун “Кичик қарободин” китобини ёзди. Бу икки асарга Абу Бакр ар-Розийнинг “*Китоб ал-ҳовий*”сида ишоралар бор<sup>14</sup>. Яна дастлабки “Қарободин”лардан араб файласуфи ва олим Ибн Исҳоқ ал-Қиндийнинг (800-870) “Ақрободин” китоби ҳам жуда машҳур бўлган. Гарчи “Қарободин”лардаги рецептлар сонини ва таркибин асарнинг ёзилиш вақти ва жойига қараб ўзгартиб борган бўлса-да, уларнинг ҳаммасини, асосан, қуйидагиларни ўзини олади: мураккаб дори-ларнинг зарурлигини асословчи муқаддима; мураккаб дори турлари, яъни қайнатмалар, дамламалар, маъжунлар, ҳаб дори-лар, суртмалар, боғламалар, ҳуқналар, кукун дори-лар, қуюлтирилган ширалар, кулчалар ва б. Айтиш жоизки, ҳозирги табобатда бу руйхатга фақат инъекциялар қўшилган.

Шарқда, жумладан, Марказий Осиёда тахминан XIV асргача яратилган “Қарободин”ларнинг барчаси ана шу тарзда тузилган, лекин улар кўп эмас, шундай бўлса-да, улар орасида Шарқ доришунослиги ҳақида аниқ тасаввур берувчи намуналар мавжуд ва уларнинг қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган:

1. Ибн Сино “Тиб қонунлари”нинг V китоби (XI аср).

2. Исмоил Журжонийнинг “*Қарободин-и захира-и хоразмишохий*”си (XII аср)<sup>15</sup>.

3. Бадруддин ибн Муҳаммад ибн Баҳром ал-Қалонисий ас-Самарқандийнинг “*Ақрободин*” китоби (XII аср)<sup>16</sup>.

4. Нажибуддин ас-Самарқандийнинг “*Усул таркиб ал-адвийа*” асари (XIII аср)<sup>17</sup>.

5. Абул-Ғозийхон ибн Араб Муҳаммадхон Чингизий Хоразмийнинг “*Манофия ал-инсон*” (“Инсонларга фойдалар”) асари (XVIII аср)<sup>18</sup>.

6. Муҳаммад Масъум ибн Саййид ал-Ҳасаний ат-Термизийнинг “*Мужарработ*” китоби<sup>19</sup>.

Булардан ташқари, кўпгина муаллифи номаълум бўлган “Қарободин”лар ҳам мавжуд, лекин уларнинг аксарияти машҳур асарлардан олинган кучирма ёки айрим парчалардан иборат.

<sup>14</sup> Elgood, P.92-93.

<sup>15</sup> СВП. Медицина, № 60.

<sup>16</sup> СВП. Медицина, № 566, 567.

<sup>17</sup> СВП. Медицина, № 568, 569.

<sup>18</sup> СВП. Медицина, №618.

<sup>19</sup> СВП. Медицина, №694.

Х асргача ўтган йирик олимларнинг асарлари асосида ёзилган Ибн Синонинг “Қарободин”и вақт жиҳатдан Марказий Осиёда яратилган дастлабки ҳамда илмий ва амалий жиҳатдан кимматли бўлгани боис, унинг кейинги давр муаллифларининг ижодига таъсири катта бўлди. Хусусан, XII-XIII асрлар чегарасида яшаб, ижод этган машҳур табиб Нажибуддин ас-Самаркандийнинг “*Усул таркиб ал-адвийа*” (“Мураккаб дориларни тайёрлаш усуллари”) номли асари ҳам шулар сирасидандир.

## 2. *Муаллиф ҳақида.*

Абу Ҳамид Муҳаммад ибн ‘Али ибн Умар Нажибуддин ас-Самаркандий – ўрта асрлик машҳур табиблардан бири. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда оз маълумотлар сақланган. Самаркандда туғилган ва яшаган. Асарларидаги маълумотларга кўра, Бағдод ва Ҳиротда ҳам табиблик қилган. 1222 йилда мўғулларнинг Ҳиротга босқини вақтида ҳалок бўлган<sup>20</sup>. Тиб амалиёти баробарида Нажибуддин ас-Самаркандий тибга оид араб тилида бир нечта асарлар ҳам ёзган. Уларнинг орасида энг машҳури “*Китоб ал-асбоб ва-л-атомат*” (“Қасаллик сабаблари ва белгилари”) бўлиб, хусусий патология масалаларига бағишланган. Ибн Синонинг (980-1037) “Тиб кунунлари”, Али ибн Аббос ал-Мажусийнинг (вафоти 994 й.) “*Китоб қомил ас-синоъат ат-тиббийа*” (“Тиб санъати бўйича тўлиқ китоб”)<sup>21</sup> каби тиббий энциклопедиялар асосида ёзилган ва “*Ал-Нажибиёт*” номи билан ҳам танилган. Мовароуннаҳр ҳукмдори Мирзо Улуғбекнинг хос табиби Нафис ибн Иваз ал-Кирмоний (вафоти 1449 й.) 1424 йилда мазкур асарга форс араб тилида шарҳ битиб, унга “*Шарҳ ал-асбоб ва атомат*” деб ном беради. Бу шарҳнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, ал-Кирмоний шарҳлаётган матнни ҳам ўз асарида аслиятда тўлиқ келтирган. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида “Шарҳ”нинг бир нечта қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланган<sup>22</sup>. Кейинчалик ал-Кирмонийнинг ушбу шарҳи асосида 1700-1701 йилларда Ҳиндистонда таниқли табиб Муҳаммад Акбар Арзоний форс тилида “*Тибб-и Акбарий*” номли асар яратди. Унинг ҳам ЎзР ФА ШИда бир нечта қўлёзмалари мавжуд<sup>23</sup>.

<sup>20</sup> Каримов У., С.50

<sup>21</sup> СВР. Медицина. №2.

<sup>22</sup> СВР. Медицина. №№84-87; Литогр. Пин №15174; 15045; 14244; 9956

<sup>23</sup> СВР. Медицина. №№99-107.

Олимнинг яна бир нечта бевосита доришуносликка оид асарлари ҳам бор. Булар: “*Ағзийат ал-марзо*” (“Беморлар овқати”), “*Китоб ал-ақрабодин*” (“Фармакопея”), “*Ал-Адвийа ал-муффада*” (“Содда дорилар”), “*Ал-ағзийа ва-л-ашриба ва мо йаттасил биҳо*” (“Овқатлар, ичимликлар ва уларнинг негизлари”), “*Фи-л-адвийа ал-мустаъмала инда-л-сайюдила*” (“Доришунослар ишлатадиган дорилар ҳақида”) ва бошқалар<sup>24</sup>. Ибн Аби Усайбиъанинг маълумот беришича, ас-Самарқандий 2 та “Фармакопея” ёзган, яъни “*Китоб ал-ақрабодин ал-кабир*” (“Катта фармакопея”) ва “*Китоб ал-ақрабодин ас-сағир*” (“Кичик фармакопея”)<sup>25</sup>. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида олимнинг “*Ал-ағзийа ва-л-ашриба*” ҳамда “*Усул таркиб ал-адвийа*” (“Дориларни тайёрлаш усуллари”) номли асарлари қўлёзмалари сақланади. Шулардан сўнггиси ҳажми ва мазмунига кўра “Кичик фармакопея”га тўғри келади.

### 3. “Усул ат-тарокиб ал-адавийа” ва унинг қўлёзмалари.

Бу асар “*Усул ат-тарокиб*”, “*Тарокиб ал-адвийа-л-мураккаба*”, яъни “Мураккаб дориларни тайёрлаш” деб ҳам аталади ва юқорида айтиб ўтганимиздек, у Ибн Синонинг “Қарободин”и каби тузилган; муқаддима ва 19 бобдан иборат. 1-11-боблар мураккаб дори турларига, 12-19-боблар эса айрим аъзолар касалликларида ишлатиладиган мураккаб дориларга бағишланган.

Бу асарнинг бизгача бир нечта қўлёзмалари етиб келган ва улар жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланади. Жумладан, ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида иккита қўлёзмаси мавжуд бўлиб, улар “*Усул ат-тарокиб*” номи остида қайд этилган<sup>26</sup>.

Иккала нусха ҳам тўлиқ, матнлар орасидаги айрим кичик фарқлар таржимага берилган изоҳларда кўрсатилган. 7225/3 рақамли қўлёзма муқоваланган жилд бир кўчирувчи томонидан 1719 йилда Ҳиндистонда китобат қилинган, ва унга тиббий мазмундаги 9 та асар бир хил хатда киритилган. Кўчирувчининг исми – Виллям табиб Фарангий. Шунга караганда у табиб бўлиб, бу китобни ўзи учун китобат қилган. Матн кўчирилган хатнинг нотекис кўриниши, сатрлар сони ва жойлашувининг ҳар хиллиги ҳамда шу қўл билан ёзилган ҳошияларидаги шарҳ ва қўшимчалар бу фикримизни тасдиқлайди. Ундан ташқари, кўчирувчи “Усул ат-

<sup>24</sup> Levey, P.17

<sup>25</sup> Ибн Аби Усайбиъа, II, Б. 31.

<sup>26</sup> ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси: инв. №2275/3 (66а – 89а арақлар); инв.№ 7225/3 (366 – 88а арақлар).

тарокиб” матни ичида сатрости шаклида асарнинг форсча таржимасини ҳам берган, лекин таржима бутун матн бўйича эмас: айрим бетлар умуман таржимасиз, айримларида фақат бир-икки жумла, сўз таржима қилинган, холос. Матн ҳажми 53 варақ (366-88а); ўлчами 16,5x20.

Иккинчи қўлёзма – инв. №2275/3 сифатли шарқ қоғозига чиройли настаълиқда кўчирилган; боб номлари кизил сиёҳ билан ёзилган. Китобат санаси XVIII аср деб, тахминий аниқланган<sup>27</sup>.

Асарнинг яна Аё София, Лейден, Патна, Бодлеан кутубхоналарида ҳам нусхалари сақланади. Уни инглиз тилига таржимасини 1967 йилда нашр этган Мартин Левей Аё Софиядаги қўлёзмага таянган ҳолда, Лейден нусхасини ҳам жалб этган. Таянч нусха “Усул ат-тарокиб”нинг мавжуд нусхалари орасида энг қадимийси бўлиб, насх хатида 1453 йилда кўчирилган<sup>28</sup>. Инглизча таржима матнига қараганда, ЎзР ФА ШИдаги 2275/3 рақамли нусха матни М.Левей фойдаланган қадимий нусха матни билан деярли бир хил.

“Усул ат-тарокиб”нинг ўзбек тилига таржимаси асарнинг ЎзР ФАШИдаги юқорида зикр этилган 2 та қўлёзмаси асосида, инглиз тилига таржимасидан фойдаланган ҳолда тайёрланди.

**4. “ Усул ат-тарокиб ал-адавийя ” даги доришунослик масалалари.**

Юқорида қайд этилганидек, ушбу асар кенг муқаддима ва 19 бобдан иборат. Муаллиф муқаддимда ушбу китобни ёзишга туртки бўлган сабаблар, дорилар билан даволаш ҳақидаги мулоҳазалари, содда ва мураккаб дориларнинг афзаллик ва камчиликлари ҳамда табибнинг мураккаб дорини қўллашига асос бўладиган ҳолатлар ва уларни таркиб қилиш қоидалари ҳақида ёзади.

Олимнинг дорилар билан даволаш ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир:

“Табиб инсон танасида пайдо бўлган енгил ўзгаришларни дорилар билан даволаши шарт эмас, балки даволашда табдирларни ўзгартириши ва олтита зарурий нарсани тартибга солиши керак. У (табиб) ҳеч нарсани қўзғатмаслиги ва тананинг табиий фаолиятини бузмаслиги керак. Чунки ҳаракатдаги нарсани тинчйтиш сокин

<sup>27</sup> СВП. Медицина, №568.

<sup>28</sup> Levey, P. 17.

турган нарсани ҳаракатлантиришдан қийиндир. Табиб имкон қадар беморни дорилиги кўп озукалар билан даволашга ҳаракат қилмоғи керак, фақат муҳтож бўлгандагина уларни дорилар билан алмаштирмоғи лозим. Шунингдек, имкон борича касални фақат содда дорилар билангина даволаш жоиз, чунки содда дорилар табиатларига кўра енгилроқ ва касалликка тезда таъсир қилувчидир”<sup>29</sup>. Умуман олганда, замонавий терапияда ҳам шу принцип сақланган.

Ас-Самарқандий айрим касалликларда содда дориларнинг кучи етмаганида, мураккаб дориларни қўллаш зарурлигини айтиб, уларнинг кераклигини 14 сабаб билан асослайди. Касалликнинг мизожи, кучи, беморнинг ҳолати, огриқ аъзонинг меъдага нисбатан жойлашуви, аъзоларнинг вазифаси, баъзи дориларнинг зарарли таъсири, уларнинг кучли ёки заиф қуввати, таъсирларини узоқ муддатга чўзиш кабилар шулар жумласидандир. Мураккаб дориларни тайёрлашда муаллиф уларнинг таркибига кирувчи компонентларнинг вазни ва ўзаро нисбатига эътибор бериш зарурлигини алоҳида таъкидлайди: “Дориларнинг вазнларидаги фарқ уларнинг кучли ёки заифлигига боғлиқ. [Содда] дори қувватининг иссиқлик ва совуқликда ҳаддан зиёдлиги уларни мураккаб дорида камайтиришни талаб қилади. Қувват заифлигида эса уларни (иссиқлик ёки совуқликни) қувватнинг керакли ҳолатигача кўпайтириш керак бўлади.

Дори фойдасининг кўплиги ёки камлигининг фарқига келсак, фойданинг кўпайиши учун [ташқил қилувчиларни] кўпайтириш керак. Фойданинг камлиги, яъни битта фойдали таъсирга эга дори компонентларнинг камлигига ишорадир.

[Мураккаб дориларнинг] таъсир даражасидаги тафовутга келсак, кучли таъсир миқдорни кўпайтиришни талаб қилади, заиф эса – аксинча. Уларнинг бошқа дорилар билан ҳамкорликдаги таъсири [миқдорни] камайтиришни, бир ўзи ишлатилганда эса – кўпайтиришни талаб қилади”<sup>30</sup>.

Дори компонентларининг ўзаро миқдорий нисбатига қатъий риоя қилиш замонавий доришуносликда амал қилинадиган зарурий қоидалардандир.

<sup>29</sup> Усул ат-тарокиб, 37а-варақ.

<sup>30</sup> Усул ат-тарокиб, 39б-40а-варақлар.

Айтиш жоизки, юкорида келтирилган кўрсатмалар Ибн Сино “Тиб Қонунлари”нинг “Қарободин” қисмидаги назарий мақолада ҳам акс этган. Бундан ташқари, иккала асарнинг тузилиши ҳам деярли бир хил. Шунга қараганда ас-Самарқандий “Тиб қонунлари” бешинчи китоби билан яхши таниш бўлган, дейиш мумкин. Лекин шу билан бирга, муаллиф китобда ёзганларини тажрибадан ўтказганлигини таъкидлайди: “Мен ушбу айтганларимнинг исботини ўз тажрибамдан ўтказган нарсаларим билан баён қилдим ва [дориларнинг] қувватларидан тортиб, таъсирларигача тушунтирдим”<sup>31</sup>.

“Усул ат-тарокиб”да ҳам аввалги давр “Қарободин”ларида ёзилган мураккаб дори турлари: қайнатма ва дамламалар, шарбатлар ва қуюлтирилган ширалар, жуворишн ва маъжунлар, ҳаблар ва иёражлар, яланадиган ва кукун дорилар, кулчалар ва талқонлар, боғлама, суртма ва компресслар, ёғлар ва кустирувчи дорилар, марҳамлар, ҳукналар ва шиёфлар, қамойиҳ ва фарозижлар келтирилган. Лекин аввалгилари, хусусан, Абу Бакр ар-Розий ва Ибн Сино “Қарободин”ларида антик юнон ва рим табибларига мансуб таркиблар кўп учрайди, бу айниқса, давр жиҳатдан уларга яқинроқ бўлган ар-Розий асарида кўзга ташланади.

XIII асрда яратилган “Усул ат-тарокиб”да эса юноний адабиётларнинг таъсири анча камайгани, уларнинг ҳисобига форсий ва хиндча этимологияга эга дори номларининг кўпайганини кўриш мумкин. Бунга, бир тарафдан, Араб халифалиги ҳудудларидаги табиий шароит билан боғлиқ дорилар палитраси, иккинчи тарафдан, халифаликнинг қуруқлик ва денгиз орқали кенг йўлга қўйилган савдо алоқалари катта таъсир қилган. Айниқса, форсчадан муарраб қилинган дори номлари кўп учрайди, масалан, *жуланжубин*, *жазмозаж*, *ширхишт*, *фанжануш* ва кўпгина маъданий моддалар номлари. Ас-Самарқандий ишлатган мураккаб дорилар келиб чиқиши маъданий, ўсимлик ва органик бўлган содда дорилардан тайёрланган бўлиб, уларнинг сони 600 тага боради, яъни олим уларнинг хоссаларидан яхши хабардор бўлган ва шунга мувофиқ ҳолда уларни ўз ўрнида ишлатган. Масалан, маъданий моддалар (оксидлар, тузлар) ўткирлиги туфайли асосан, тананинг ташқи касалликлари (яралар, тошмалар, шишлар ва б.) учун

<sup>31</sup> Усул ат-тарокиб, 41а-варақ

ишлатилган. Шу билан бирга, ўсимликлардан олинадиган кучли дорилар (масалан, алой, Абу жаҳл тарвузи, анзиратгўштхўр, кундур ва б.) нинг қуввати зарур ўринда бошқа, қарши мизожли дорилар билан муътадиллаштирилган ёки таркибда уларнинг миқдори камайтирилган. Ас-Самарқандий ўсимликлардан тайёрланган дорининг кучи унинг таркибига кирувчи наботий маҳсулот турига боғлиқлигини ҳам яхши билган. Чунончи, уруғлардан тайёрланадиган сиканжубиннинг бир рецептида у шундай дейди: “Уруғларнинг ҳар биридан кучли бўлгани учун уч дирҳамдан, илдишлардан эса [таъсирда] заифроқ бўлгани боис, беш дирҳамдан олинади...”<sup>32</sup>.

Гарчи ўша давр олимларининг кимёвий жараёнлар ҳақидаги тасаввур ва билимлари эмпирик даражада бўлса-да, улар шу билимларини доришуносликда тўғри ишлатганлар, дейиш мумкин. Чунки мураккаб дориларни уларнинг таркибига кирувчи содда компонентларнинг мизожи, таъсир кучи, вазни, таъми, ҳиди ва ҳ.к. хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш, аслида уларнинг унсур (элементар) даражада ўзаро таъсирларини тушуниш демакдир.

Таржима жараёнида содда ва мураккаб дори номларининг ўзбек тилидаги эквивалентини имкон қадар беришга ҳаракат қилдик. Таржима қилинмаган атамалар транслитерацияда берилди ва изоҳлар билан таъминланди. Кириш қисм ва изоҳларда фойдаланилган адабиётлар қисқартма шаклида қўйилди ва уларнинг тўлиқ номи “Библиографик қисқартмалар рўйхати”да берилди.

Китобни нашрга тайёрлашда техник ёрдам кўрсатган Шарқшунослик институти ходими Муборак Акрамовага ноширлар чуқур миннатдорчилик билдирадилар.

---

<sup>32</sup> Усул ат-таркиб, 446-варак.

### Библиографик қисқартмалар рўйхати

1. Баранов – Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. Москва: Изд. Русский язык, 1977. 943 с.
2. Беруний – Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. т. IV Фармакогнозия в медицине (Китаб ас-сайдана-фи-т-тибб). Исследование, перевод, примечания и указатели У.И.Каримова. Ташкент: Фан, 1974. 1120 с.
3. Деххудо – Лугатнома-йи Деххудо. 14 жилдлик, Техрон, 1993-1994. (ф орс тилида).
4. Диоскорид – La Materia Medica de Dioscorides. Transmision medieval y renacentista. Por Cesar E. Dubler y Elias Teres. vol. II. Tetuan y Barcelona, 1952-1957.
5. Ибн Аби Усайбича – Уйун ал-анбо фи-т-табақот алатиббо. Таълиф Ибн Аби Усайбича. Миср, ж.1-2, 1882 (араб тилида).
6. Ибн ал-Байтар – Китаб ал-жомич ли-муфрадот ал-адвийа ва-л-ағзийа. Таълиф Зийо ад-дин Аби Муҳаммад ибн ал-Байтар. 4 ажза, Қоҳира, 1291/1873.
7. Ибн Сино, II – Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. II китоб. Тошкент: Фан, 1982. 774 б.
8. Ибн Сино, V - Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. V китоб. Тошкент: Фан, 1980. 341 б.
9. Каримов – Розий – Каримов У.И. Неизвестное сочинение ар-Рази «Книга тайны тайн» Ташкент: Изд. Академии наук УзССР, 1957. 191с.
10. Каримов У. – Каримов У.И. Очерки истории медицины в Средней Азии (в том числе в Узбекистане) с древнейших времен до середины XIX в. В сб. Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент: Фан, 1993. С.29-68.
11. Розий – Каримова С.У. Алхимическое сочинение Абу Бакра ар-Рази «Книга введения в обучение [алхимии]». В сб. Материалы по истории и истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент: Фан, 1991. С.201-217.
12. С В Р. Медина – Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. Медицина. Ташкент: Изд. Народного наследия им. Абдуллы Кадыри, 2000 302 с.

13. К у м р и й – Каримов У.И. “Словарь медицинских терминов” Абу Мансура ал-Кумри. . В сб. Материалы по истории и истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент: Фан, С.112-155.
14. В р о с к е л м а n – Brockelmann C. Geschichte der Arabischen litteretur. I-II. Weimar – Berlin, 1898-1902. Supplementband. I-III. Leiden, 1937-1942.
15. E l g o o d – Elgood C. A medical history of Persia and the Eastern Caliphate. Cambridge, 1951.
16. Н а w и – Razi, Abu Bakr Muhammad b. Zakariya. Kitab al-Hawi fi'l Tibb. Osmania Oriental Publications Bureau, Hyderabad, vol. XX-XI (part I-II). 1967-68.
17. K i n d i – The Medical formulary or Aqrabadhin of al-Kindi. Trans. with study of its Materia Medica by Martin Levey. The University of Wisconsin Press. Medison. Milwaukke and London, 1966.
18. L e v e y – The Medical Formulary of al-Samarqandi ed.by Martin Levey. Philadelphia. University of Pennsylvania Press, 1967.
19. M e y e r h o f – Šarh asma' al-'uqqar. Un glossaire de matiere medicale compose par Maimonide. Texte public avec traduction, commentaires et index par Max Meyerhof. Memoires de l' Institut d' Egypte XLI, Le Caire, 1940.
20. S a r t o n – Sarton G. Introduction to the History of Science. vol .II. part I. Baltimore, 1931.
21. Z i l l u r r a h m a n – Hakim S. Zillurrahman. Hakim Imaduddin Shirazi. Studies in History of Medicine and Science. vol. IX. № 1-2. 1985.

## МУРАККАБ ДОРИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ

### [Муқаддима]

366 // Мехрибон ва раҳми Аллоҳ номи билан [бошлайман].

[Барча] ишларни яширинча бажарувчи Аллоҳ, [илминни] зиёда қилгин.

Оламларнинг роббиси Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин ва махлуқотларининг орасидан танлаб олган пайгамбари Муҳаммад ва унинг оиласига салоту саломлар бўлсин.

Шайх, [тиб] илмининг моҳири ва Аллоҳга тақво қилувчи, ҳақимларнинг саййиди, ўз асрининг алломаси ва замонасининг етук шахси, дин ва миллатининг етук арбоби бўлмиш Муҳаммад ибн Али ибн Умар ас-Самарқандий, унга Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати бўлсин, айтадики, ҳар бир ақл соҳиби Аллоҳ таолога яқин бўлмоғи ва яқинликни саклаши мумкин бўлган барча нарсани ҳамда ман этилган нарсалардан тийилишни ундан сўрамоғи керак. Бу эса барча инсонларга яхшилик келтиради ва зарарларни бартараф қилади.

Тиб илми беморлар билан муносабат, уларнинг муолажаси ва уларнинг саломатлиги билан боғлиқ бўлган барча нарсаларнинг тадқиқини ўз ичига олади. Бу эса мусулмонларни тўғри йўлдан етаклайди ва оламлар раббисининг савобига етказди. Аллоҳ таолонинг илми, қудрати, фазли ва марҳаматлари билан ҳукми барчага зоҳир бўлади.


Мен тиб санъати билан шуғулланиш жараёнида тиб китобларидан олинган шу илмга оид ўз фикрларимни бир ерга жамладим ва мураккаб дориларнинг йўқолиб кетаётган тайёрлаш усуллари ва вақт ва жараёни қисқартирган ҳолда истифода қилувчилар учун осон фойдаланиш йўллари ишлаб чиқдим.

Мен “Салом” шахридаги<sup>1</sup> касалхона табибларини кўрган эдим, улар санокли кичик рисоалардан топиш мумкин бўлган бир нечта мураккаб дорилар билангина чекланиб қолган, катта маъжунларни эса инкор қилар эдилар. Бунинг сабаби – дориларнинг танқислиги ва айримларига эҳтиёжнинг камлиги. Улар айтадилар: “Биз уларни [дориларни] аҳамиятли деб билмаймиз, чунки мураккаб дорилар бузилади, уларнинг бадалларини эса топиш қийин”.

37a Табиб инсон танасида пайдо бўлган // енгил ўзгаришларни дорилар билан даволашни шарт эмас, балки даволашда табибларни ўзгартириши ва олтита зарурий нарсани тартибга солиши керак. У (табиб) ҳеч нарсани кўзгатмаслиги ва тананинг табиий фаолиятини бузмаслиги керак. Чунки ҳаракатдаги нарсани тинчйтиш сокин турган нарсани ҳаракатлантиришдан қийиндир. Табиб имкон қадар беморни дорилиги кўп озукалар билан даволашга ҳаракат қилмоғи керак, фақат муҳтож бўлгандагина уларни дорилар билан алмаштирмоғи лозим. Шунингдек, имкон борича касални фақат содда дорилар билангина даволаш жоиз, чунки содда дорилар табиатларига кўра енгилроқ ва касалликка тезда таъсир қилувчидир. Жолинус<sup>2</sup> мураккаб дорилар ҳақида шундай деган: “Маълум касалликларга фойдали деб сифатланган кўп [содда] дорилар мураккаб дорилар таркибига жуда оз миқдорда кирганлиги учун фойдаси сезилмайди ва уларнинг миқдори ҳеч қачон даволаниши керак бўлган касалликка таъсир қиладиган даражада бўлмайди”.

Бизнинг замонимизда иш шу даражага етиб келдики, тиббий илмлар [мавқеининг] пасайиши ва бу санъатдаги<sup>3</sup> маҳсулотларга эҳтиёжнинг камайиб кетиши натижасида, шариф дориларнинг аксарияти йўқолиб кетиб, фақат уларнинг номларигина сақланиб қолди. Шу боис уларни қалбакилаштирилган ҳолда ёки узоқ вақт сақлангани учун эскирган ва кучсизланган ҳолатда топиш мумкин. Кўп дориларнинг қуввати икки ёки уч (?)дан<sup>4</sup> кейин қолмайди. Шунинг учун кўп таркибли мураккаб дориларга эътибор йўқолди. Баъзилар жуда зарур бўлганда, кўп фойда қутилган, кам таркибли мураккаб дорилар билан чекландилар. Бу борада одамларнинг айтганлари ҳақиқат эмас. // Ҳаттоки табибларнинг *Қарободинларида*<sup>5</sup> ёзилган нарсалардан ҳам ортиқ даражада ёлғон.

376 Мураккаб дорилар маълум шароит ва вақтда, таркиб қилиш қоидаларига мувофиқ, касалликка қараб ва бемор мизожининг етарли ҳолатида тайёрланади. Бу эса ортиқча, кераксиз, хато маълумотларга бой, айрим қисmlари тушиб қолган, сўзлари нотўғри ўқилган Қарободинлардан нусха олишдан яхшироқ. Айрим кишилар уларни (Қарободинларни) ўзгартириб бўлмайдиган ёки ўхшаш йўқ Аллоҳ китобидек қабул қиладилар, яъни на жин, на инсон унга ўхшаш нарсани ярата олмайди, деб уйлайдилар. Жолинус юқоридаги инсонларни танқид қилди ва уларни



масхаралаб, шундай дейди: "Ясаган нусхалари йўқолиб кетган табибларнинг кўпчилиги ғамли ҳолатда оламдан кўз юмдилар, бошқалари эса умрларининг охиригача тўғри йўлни тополмай, гангиб қолдилар".

Жолинос дориларнинг қувватини биладиган ва мураккаб дориларни тайёрлаш қондаларидан бохабарларни ишонтириб, эҳтиёж бўлган вақтда, мавжуд дорилардан яхшироқ ва таъсирда афзалроқ ҳолдаги мураккаб дорини яшаш мумкинлигини таъкидлаган.

38a // Кўзланган мақсадга етказадиган содда дорилар топилмаганида мураккаб дориларни тайёрлашга ҳалақит берадиган сабаблар мавжуд. Булар қисман касалликнинг табиати, қисман аъзонинг ҳолати, қисман дори билан боғлиқ.

Мураккаб дориларни қўллашни асослайдиган ўн тўрт сабаб бор:

1. Касаллик мизожининг даражаси. Агар унга қарши турадиган кучга эга дори бўлса, мураккаб дори мизожи кучлироқ дори билан мизожи [касалликниқидан] заифроқ бўлган дорини кўшиш билан тайёрланади. Бунда аралашма касаллик мизожига қаршиллик кўрсатади.

2. Касалликнинг кучи ва шиддати. Қачонки, кучли содда дори топилмай қолганда шундай дори таркиб қилинадикки, унинг ташкил қилувчилари касалликни қайтаришда бир-биринга кўмаклашади.

3. Касалликнинг ҳолати ва зарур даво орасидаги ихтилоф. Қарши таъсир қиладиган дорининг йўқлиги, масалан, кўкрак касалликларидаги тозаловчи ва юмшатувчи, шишлардаги эритувчи ва қайтарувчи дорилар каби. Шу билан, уларни таркиб қилиш керак.

38b 4. Бир нечта заҳарларнинг // ҳар хил касалликларга таъсири. Бу дорилар мураккаб дориларнинг ичида энг яхшисидир, чунки уларнинг қуввати жамикки содда дориларнинг қувватидан кучли, фойдаси эса таркибидagi содда дорилардандир.

5. Оғриётган аъзонинг меъдадан узоклиги. Бунда меъдага фойдали ва аъзога тез етиб борувчи дорилар таркиб қилинади. Масалан, заъфаронни кофур билан, долчинни шодана билан.

6. Аъзоларнинг қуввати, шарифлиги<sup>6</sup>, фойда ва вазифаси билан боғлиқ. Мураккаб дори шишларни тарқатиш ва хилтларни юмшатиш ҳамда таркибига кирувчи дориларнинг боғловчи ҳуусеянтини сақлаш учун ясалади.

7. Бадбўй ва ёмон таъмли дориларни мана шу сифатлари кетиб, табиати яхшилангунига қадар таркиб қилинади.

8. Баъзи аъзолардан дориларнинг зарарларини кетказиш. Масалан, сургин дориларни уларнинг ислоҳ қилувчиси билан қўшиш орқали.

9. Дориларнинг қувватини ошириш. [Масалан], занжабилни турбид билан қўшгандаги каби.

39а 10. // Дори қувватини камайтириш. Масалан, зангор шнёфига араб елимини қўшиш билан.

11. Дорининг зарарли таъсирини йўқотиш. [Масалан], қундуз кирини афюнга қўшиш билан.

12. Мураккаб дорининг қувватини узоқ муддатгача сақлаш, афюнни катта маъжунлар билан аралаштиришдаги каби.

13. Бирон бир касаллик учун белгиланган дориларнинг ҳажми ва ишлатилишидаги ихтилоф. Масалан, қирутий<sup>7</sup> суртмасининг марҳамлар билан қўшилишидаги каби<sup>8</sup>.

14. Касалликда қирутий билан зангор аралашмасига ўхшаш битта фойдали дорига эҳтиёж бўлиши. Қачонки, яраларни тўзатувчи дорилар топилмай қолганда, шулардан (мураккаб дорилардан) фойдаланилади.

Булар мураккаб дориларни ясаш заруратининг асосий сабабларидир.

Уларнинг вазнларидаги фарқларнинг сабабларига келсак, улар еттига оддий сабаб бўлиб, бошқалари эса мана шу оддий сабабларнинг қўшилишидан пайдо бўлган.

Еттига оддий сабаблар қуйидагилардир:

1. Мураккаб дориларнинг кайфиятидаги қувват ва заифлик.

2. Улар фойдаларининг қўплиги ёки камлиги.

3. Улардан кўриладиган манфаатнинг муҳимлиги ёки пастлиги.

39б 4. // Ундаги фойданинг ҳамкорликка ёки ёлғиз ўзига боғлиқлиги.

5. Касал аъзонинг меъдага яқин ёки узоқ жойлашганлиги.

6. Мураккаб дорилар таркибда уларнинг кучини заифлаштирувчи дориларнинг бор ёки йўқлиги.

7. Мураккаб дорилар таркибида баъзи аъзоларга зарар қилувчи дориларнинг бор ёки йўқлиги.

Дориларнинг вазнларидаги фарқ уларнинг кучли ёки заифлигига боғлиқ. [Содда] дори қувватининг иссиқлик ва совуқликда хаддан зиёдлиги уларни мураккаб дорида камайтиришни талаб қилади. Қувват заифлигида эса уларни (иссиқлик ёки совуқликни) қувватнинг керакли ҳолатигача кўпайтириш керак бўлади.

Дори фойдасининг кўплиги ёки камлигининг фарқига келсак, фойданинг кўпайиши учун [ташқил қилувчиларни] кўпайтириш керак. Фойданинг камлиги, яъни битта фойдали таъсирга эга дори компонентларнинг камлигига ишорадир.

40a [Мураккаб дориларнинг] // таъсир даражасидаги тафовутга келсак, кучли таъсир миқдорни кўпайтиришни талаб қилади, заиф эса – аксинча. Уларнинг бошқа дорилар билан ҳамкорликдаги таъсири [миқдорни] камайтиришни, бир ўзи ишлатилганда эса – кўпайтиришни талаб қилади.

Касалланган аъзо ошқозондан узоқ бўлса, дорини кўпайтириш керак, чунки масофа узоқлигидан таъсир заиф бўлади, агар [аъзо] унга (меъдага) яқин бўлса, дорини керагича камайтирилади.

Мураккаб дори таркибидаги баъзи [содда] дорилар бошқаларининг қувватини кесса, таркибдаги фойдаси кўп бўлган дорилар кўпайтирилади, агар ундайлар йўқ бўлса, [қувватни кесувчи] дорилар камайтирилади. Аъзоларга зарарли бўлган дориларни камайтириш керак, агар ундайлар // бўлмаса, ҳеч нарса қилинмайди.

40б Юқорида айтилган нарсаларнинг барчаси дорилар [миқдорини] кўпайтириш ва камайтириш қондаларни бўлиб, содда [ёки мураккаб] дориларни ишлатишда амал қилинадиган қондалардир.

Мураккаб дори таркиб қилинаётган шароит ва маълум дориларнинг ўзаро бирикишига боғлиқ. Агар таркиб содда дорининг миқдорини ошириш билан яхшиланса, демак, у кўпайтирилади, агар акси бўлса, камайтирилади. Агар [мураккаб дорининг] мўътадиллиги унинг таркибига кирувчи содда дорилар миқдорининг тенглиги туфайли бўлса, демак, уларни айнан тенг миқдорда олиш керак бўлади.

Буларнинг барчаси дориларни таркиб қилишда амал қилинадиган ишончли дастур ва қоидалардир. Дорилар қаерда бўлмасин, ўз сифатлари билан, фойда ва зарарлари, қувват ва таъсирлари билан машхур бўлади. Энг яхши, янги, олий сифатли мураккаб дори бир қатор содда дорилардан таркиб қилиш қоидаларига ва ҳар бир касалликнинг тури ва ҳолатига мувофиқ ҳолда

41a тайёрланади. // Бу эса касалликни даволашда бошқа, касаллик белгилари ўхшаш бўлган беморга шу дорини беришдан кўра фойдалироқ, муваффақиятга элтувчи йўлдир. Бефойда иш қилувчилар тиб санъати, унинг усуллари ва аҳамиятини тушунмайдилар. Кимдир қиёсий тажрибага суянади. Умрим билан касам ичаманки, бирор нарсага ҳукм чиқариш жуда қийин, лекин тажриба ҳам хатарлидир.

Қиёс усули хавфсиз бўлиб, жамики тиббий тадбирларда унга суянилади. Лекин энг қийин бўлса-да, унга амал қилмасдан бўлмайди. Бизлардан олдин ўтганлар қиёсий усул билан [дориларни] таркиб қилдилар ва ўз тажрибаларида энг улуғ нарсаларга зоришдилар ва ҳаттоки ушбу нарсаларни китоб қилиб, ёзиб кетдилар. Мураккаб дорилардан эҳтиёжларга ҳамда шахсий талабларга қараб фойдаланиш бўйича қадимгиларнинг ишлари бизга намунадир. Биз ҳам мураккаб дориларни ясашда қадимгилар каби иш тутсак, дори тайёрлашда хатолардан холи бўламиз. Мен ушбу айтганларимнинг исботини ўз тажрибамдан ўтказган нарсаларим билан баён қилдим ва [дориларнинг] қувватларидан тортиб, таъсирларигача тушунтирдим. Аллоҳ хоҳиши билан бу тажрибадан [дори] ўз ўрнида ва вақтида ишлатилгандагина фойда бўлиши мумкин.

[Бу китоб] ун тўққиз бобдан иборат<sup>9</sup>.

416 // БИРИНЧИ БОБ. Шарбатлар ва қуюлтирилган ширалар  
ИККИНЧИ БОБ. Жувориш ва маъжунлар  
УЧИНЧИ БОБ. Ҳаб дорилар ва иёражлар  
ТЎРТИНЧИ БОБ. Қайнатма ва дамламалар  
БЕШИНЧИ БОБ. Ҳуқналар, шиёфлар ва фарозижлар  
ОЛТИНЧИ БОБ. Қустирувчи дорилар  
ЕТТИНЧИ БОБ. Яланадиган дорилар  
САККИЗИНЧИ БОБ. Кулчалар

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. Талқон дорилар ва қамойиҳлар  
ЎНИНЧИ БОБ. Боғламалар, суртмалар ва компресслар  
ЎН БИРИНЧИ БОБ. Ёғлар  
ЎН ИККИНЧИ БОБ. Кўз дорилари  
ЎН УЧИНЧИ БОБ. Марҳамлар ва кукун дорилар  
ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ. Тиш дорилари  
ЎН БЕШИНЧИ БОБ. Томок чайиладиган дорилар  
ЎН ОЛТИНЧИ БОБ. Мурабболар  
ЎН ЕТТИНЧИ БОБ. Бурунга юбориладиган, аксиртирадиган,  
тутатиладиган ва хидланадиган дорилар  
ЎН САККИЗИНЧИ БОБ. Қуйиладиган дорилар  
ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. Соч дорилари

## 426 // МЕҲРИБОН ВА РАҲМЛИ АЛЛОҲНОМИ БИЛАН<sup>10</sup>

### БИРИНЧИ БОБ

#### ШАРБАТЛАР ВА ҚУЮЛТИРИЛГАН ШИРАЛАР

Ичиладиган нарсалардан соддалик чегарасида бўлган ичимликлардан бири соф сувдир. У каттиқ иситмада ўзининг кучли латифлаштирувчанлиги, баданга тезда сингувчанлиги ва ўз табиатидаги енгиллиги билан фойда қилади. Шунинг учун набий алайҳи-с-салом: “Иситма жаҳаннам ҳароратларидан бири бўлиб, уни сув билан совутинглар”, деганлар. Чунки сувдан бошқа барча ичимликларда *гизолик*<sup>1</sup> хусусияти бўлиб, у (ғизолик) табиатни ўзига ишлатишга талабгор бўлади, кейин эса унинг касаллик билан курашувчи кучини ва бардошини пасайтиради. Шу боис, уларнинг (бошқа ичимликларнинг) сувдан фойдаси кўп эмас. Баъзи ҳолатларда унга (сுவга) бошқа [нарсалар] қўшишга зарураг бўлади. Масалан, қор [қўшилса], унинг совуқлик қуввати ортади, сирканинг ҳам таъсири шундай. У яна тананинг чекка аъзоларига<sup>2</sup> сингиш ва совуқликнинг сўнгги чегарасига етиш учун ҳам керак бўлиши мумкин. Қанд эса унинг ҳўллигини кучайтириш ва тананинг

43а асосий аъзоларига ширинлиги воситасида // етказиб бериш учун ишлатилиши мумкин. Ёҳуд икковини *сиканжубин*<sup>3</sup> деб аталувчи [таркибга] бирлаштириш мумкин.

Сиканжубин қаттиқ иситмада фойда берадиган ичимликдир, чунки у иссиқликни туширади, чиришнинг олдини олади, [хилтларнинг] оқишини тўхтатади ҳамда тикилмаларни очади. [Сиканжубинлар] таркибий қисмларининг ўзаро нисбати билан бир-бирдан фарқланадилар, яъни сирка ва қанднинг миқдори билан. Бу эса иситманинг даражасига, уни келтириб чиқарган хилтга ҳамда беморнинг табиатига боғлиқ. Хусусан, сирка ва икки баробар миқдордаги оқ қанддан қайнатилган [сиканжубин] жуда нордон бўлиб, қаттиқ иситмада жуда фойдалидир. У [нордонлигига] чидай оладиган ва уни ича оладиганларга яхшидир. Куюк хили ўткир шароб сиркасидан ва уч баробар кўп миқдордаги кизил шакардан тайёрланади ва у сафро ҳамда балғамдан пайдо бўлган иситмаларда фойда қилади. Шунингдек, сирканинг миқдорини беш баробар ёки ундан кўпроққа камайтириш мумкин. Бунда шакар бир оз ювилиб, қозонга солинади, унинг устидан сирка қуйилади, кейин шакар эригунича паст олов устида ушланади.

436 // Сўнгра унга ҳожатга қараб ҳудди шунча ёки ундан кўп, ёхуд кам миқдорда сув қуйиб, қайнатилади ва кўпиги олиб турилади.

Асалдан тайёрланган сиканжубинларга келсак, улар иссиқдан бўлган иситмаларга фойда қилмайди, [лекин] хилтлари совуқ бўлган мураккаб иситмаларда фойдали. Сирканинг асалга нисбати хилтларнинг куюқлигига, ёпишқоқлигига, суюқлигига ва чириганлик даражасига боғлиқ. Сирка совутади ва тинчлантиради, асал эса иситувчи ва латифлаштирувчидир. Денгиз пиёзи қўшиб тайёрланган сиркани кучли совуқликдан бўлган касалликларда ишлатилади, чунки бундай сирка жуда иссиқ, ўткир ва латифликдан ҳолидир.

*Уруғлар қўшилган сиканжубин.* Тикилмаларни очувчи таъсирини кучайтириш учун сиканжубинга уруғлар қўшилади. Иссиқдан бўлган иситмаларни даволашда [мизожи] совуқ бўлган уруғлардан қўшилади. Асл моддаси совуқ бўлган иситмалар ва бошқа касалликларда [мизожи] иссиқ уруғлар ишлатилади. Шунингдек, иссиқлик ва совуқликнинг аралашшиддан

44a пайдо бўлган иситмаларда улар // хилтлар ва аъзоларнинг [иссиқ ва

совуқлигининг] нисбатига боғлиқ бўлади. Масалан, агар қаттиқ иситма, сафровий хилтлар ва томирларда тикилмалар бўлса, сачратқи уруғи, унинг илдизи пўстлоғи, *хиёрайн*<sup>5</sup> ва тарвуз уруғи ишлатилади, чунки у (тарвуз уруғи) совуқ ва сийдикни ҳайдовчилардандир; ва у, айниқса, томирлардаги тикилмаларда ҳамда сафронинг қуйилиши учун фойдалидир. Яна хиёрайн ва тарвуз уруғларидан кўп миқдорда олинади, чунки уларнинг [мизожлари] заиф ва ўтиш йўллари узок, сачратқи илдизининг пўстлоғидан камроқ миқдорда кўшилади, зеро, у меъдада фойдаси камайган уруғи билан бирикади. Кўп ҳолларда сачратқининг уруғи илдизи пўстлоғига қараганда ундан кўриладиган фойдани оширади, чунки одатда, бу [фойда] қаттиқ истималарда томирларнинг тикилмалардан тозаланиши билан боғлиқ. Хиёрайн ва тарвуз уруғидан эса камроқ қувват учун [кўшилади]. Хиёрайн ва тарвуз уруғининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*<sup>6</sup>, сачратқи илдизининг пўстлоғидан икки дирҳам, сачратқи уруғидан уч дирҳам кўшилади.

Аммо асл моддаси совуқ бўлган иситмаларда петрушка ва рум арпабодёни уруғлари ҳамда сачратқи уруғи кўшилади, [сўнгиси] дорининг таркибий қисми сифатида ишлатилади; умумий таъсир кучини ошириш учун

446 // эса арпабодён уруғи ва илдизи, петрушка илдизи *гофит*<sup>7</sup>, зарпечак ва ровоч илдизи [кўшилади].

Уруғларнинг ҳар биридан кучли бўлгани учун уч дирҳамдан, илдизлардан эса [таъсирда] заифроқ бўлганлари боис, беш дирҳамдан олинади, таъсири яхши бўлгани учун зарпечакдан ҳам уч дирҳам, гофитдан эса, ундаги қувватнинг кўплиги ва ўта аччиқлиги учун икки дирҳам кўшилади, ровоч илдизидан эса булардан кўра камроқ олинади, чунки аралашмада [бошқа дорилар] унинг ични қотириш хусусиятини кучайтиради ва у жигарни сақловчи яхши восита бўлади. Юқоридаги икки нусханинг ҳар бирига бир *ратлдан*<sup>8</sup> шакар кўшилади. Мураккаб иситмаларда [касалликка қараб] иссиқ мизожли уруғларни совуқ мизожлилари билан бирининг миқдорини иккинчисиникидан ортиқ қилиб аралаштирилади.

Иситма бўлмаган касалликларда, масалан, қораталок қаттиқлашишида *фақд*<sup>9</sup> уруғи, ковул илдизининг пўстлоғи ва сачратқи уруғларидан уларнинг фойдасидан келиб чиқиб, кўп миқдорда ва тенг вазнда олинади. Сўнгра уларга арпабодён уруғи

ва унинг илдининг пўстлоғидан ҳамда рум арпабодёнидан кўшилади. Сўнггисидан таъсири кучлилиги ва сийдик ҳайдашда фойдалилиги учун озроқ миқдорда олинади. Бу таркибга яна хиёрайн, қовун уруғларидан ва семизўтдан ҳожатга қараб, ўртача вазнда кўшилади.

45а Зарурат бўлганда // уларнинг миқдори ўзгартирилади, чунки улар савдовий хилтга таъсир қилади. Лекин сийдик ҳайдовчи кучи заиф бўлгани боис, уларнинг миқдори кўпроқ олинади.

Жигарнинг қаттиқлашишида эса уларга ровоч илдизи, *лакк*<sup>10</sup>, қора чайирлардан кўшилади, аммо жигар касалликларда ишлатиладиган дориларга кирмаганлиги учун унинг таркибидан фақд уруғини олиб ташланади. Агар ҳайз қонини кучли юргизиш керак бўлса, уларга *мушкитаромашиъ*<sup>11</sup>, *ушна*<sup>12</sup> ва газагўт уруғларидан кўшилади. Савдовий касалликларда эса унга девпечак ва шу каби дорилардан солинади.

[Юқорида келтирилган] таркибларни тайёрлаш учун барча дориларни яхшилаб майдалаб, уларни сув ва сиркада бир кеча ивйтиб қўйилади, сўнгра қозонга солиб, ҳажмининг учдан бири қолгунича қайнатилади. Кейин уни тиндириб, яна қозонга солинади ва устига шакар солиб, пиширилади ҳамда кўпиги олиб турилади. Сирканинг миқдорини шакар ва жамики дориларга нисбатан унинг таъми ва ҳиди кучли чикмайдиган қилиб олинади. Шунингдек, шакар яхши эриши учун уруғлар ивитилган сувдан кўп миқдорда унинг устига қуйилади.

45б // Қуюлтирилган шираларга келсак, уларнинг ҳар бири алоҳида ишлатилса,

жуда кучлидир, лекин уларга шакар кўшилса, латифлашади. Қуюлтирилган шираларни<sup>13</sup> бир-бирига аралаштириб, қабзиятда ва совуқ мизожли [касалликларда] берилса, фойда қилади. Бундай аралашмалар *рубуб* деб аталади. Улар, масалан, олма, беҳи, узум гўраси, анор, хитой ноки, лимон, шовул, зирк, ровоч, *ос* уруғи<sup>14</sup>, татим, хом тут, *норсанжид* деб аталадиган дўлана туридан [тайёрланади]. Уларга яна *табошир*<sup>15</sup> кўшилади. Совутишга ва [ични] боғлашга кучли ҳожат тушганда эса уларга *махтум* лойидан<sup>16</sup> аралаштирилади.

Шинни тайёрлашга эҳтиёж туғилганда таъмининг нордонлигини камайтириш учун юқоридаги меваларнинг сувларини жамлаб, таркибига қалла қанддан кўшилади ва ёпишқок

холга келгунича қайнатилади. Шунингдек, сиканжубин тайёрлашда ҳам сув ўрнига баъзи меваларнинг суви ишлатилади. Бу нарса сирканинг зарарини йўқотиш, унинг [мизожи] совуқлигини ошириш ҳамда баъзи аъзоларнинг қувватларини ошириш учун қилинади. У мевалар олма, беҳи, анор кабилар бўлиб, сиканжубин уларга мувофиқ келади.

[Беҳини меъдага қувват берувчи дориларга қўшса ҳам бўлади. Улар ҳинд уди, долчин, атиргул, мастаки ва шу кабилардир. Шунингдек, юрак дориларига ҳожат тушганда кўпроқ кокила, калампирмуночок, заъфарон ва шу кабилар [олинади]. Агар мизож иссиқлиги монелик қилмаса, у таркиб соғлом одамларга зарар қиладиган сиканжубин ёки шароб бўлмайди.

*Шарбатлар.* Анор шарбати сафродан бўлган қусишда ва хушдан кетишда фойдали. Уни тайёрлаш учун аччиқ анорнинг сувидан олиб, уни оловга қўйиб, устига нордонлиги кетмайдиган миқдорда шакар қўшилади. Яна унга таъмида аччиқлик ҳосил қилмайдиган миқдорда ялпиз суви қўйилади. Сўнг камрок миқдорда *баронийа* пистаси пўчоғидан ҳамда ёкимли ҳид бериш учун лимон япроғи ёки пўстлоғидан зарур миқдорда қўшилади. Ҳаммаси қуйилгунча қайнатилади, сўнг оловдан олинади. Ялпизни аччиқ анор сувида [аралашма] қуйилгунча қайнатиб олиш ҳам мумкин]<sup>17</sup>.

*46а Кўкнор шарбати.* Юмшоқ оқ кўкнордан ўттиз дона олинади, агар хўл бўлса, яна яхши; унинг уруғлари ажратилиб, майин қилиб майдаланади. Сўнг уларни ажратилган пўстлари билан аралаштириб, гул сувида бир кеча ивитиб қўйилади. Эртасига ўша сувни учдан бир қисми қолгунича секин қайнатилади. Кейин сузиб, [чўкмаси] яхшилаб сиқиб олинади. Қайнатма устига оқ шакардан бир рятл солинади, [бу эса] уни ёпишқоқ ҳолатга келтиради. Ичишда аввал унинг ўзидан бир уқия<sup>18</sup>, иккинчи ичишда эса арпа суви билан қўшиб, мизож иссиқлигида ва чиқиндилар ғализлашган ёки суюлганда истеъмол қилинади.

*Атиргул, бинафша, нилуфар, говзабон, лимонўт, эрман ва шу кабилар шарбати.* Тайёрлаш услуби: уларни қуввати, таъми ва рангларини қабул қилиб оладиган миқдордаги сув билан қайнатилади. Кейин қайнатма сузилиб, унинг устига таъминни бироз ширин қилиш учун шакар солинади. Уни қайнатиб юбормайдиган оловда ёпишқоқ ҳолга келтирилади. Агар қайнаб кетса, идишнинг

чети хўл латта билан артилади ва шундан сўнг [идиш] ҳеч нарса куймайдиган ҳолатда [олов устига] қўйилади. Агар аралашма қайнаб кетса, [таркиби] бузилади. [Аралашмани] говзабон, лимонўт шарбатлари, мевалар суви билан аралаштириш мумкин. Бу эса [шарбатнинг] мазасини яхшилаш, нордон ё ширинлигини оширишга эҳтиёж тушганда [қилинади].

466 // *Зуфо шарбати*. У тикка нафас олиш (астма) касаллигида нафас йўлларидаги ғализ балғамларни пишириб [етилтириш] учун ишлатилади. Уни тайёрлаш учун тўрт хил илди<sup>19</sup> пўстлоқларининг ҳар биридан беш дирҳамдан, петрушка ва арпабодён уругидан уч дирҳамдан, зуфодан тўрт дирҳам, анжир қоқи ва тозаланган майизларнинг ҳар биридан ўн дирҳамдан олинади. Илдизларнинг пўсти шилиниб, бир кеча сувга ивитиб қўйилади, кейин уч ратл сувда бир ратл колгунича қайнатилади. [Қайнатмани] тиндириб, сузилади. Унинг беш *историни*<sup>20</sup> ўн беш дирҳам *жуланжубин*<sup>21</sup> билан ичилади. Агар унинг қувватини оширишга ҳожат тушса, уларга *осмонжуний гулсафсари*<sup>22</sup> илдизи, гулсафсар илдизи ва сунбулсочдан қўшилади. Агар мизож иссиқ бўлса, дорининг иссиқлигини камайтириш учун уларнинг ўрнига бинафша, гулхайри уруғи, беҳи уруғи, жийда, *сабистон*<sup>23</sup> ва кўкнорларни кўкракни юмшатиш ва суюқликларнинг оқишини тўхтатиш учун ҳожатга қараб қўшилади. Зардоб эса куйган моддаларни суради. [Уни тайёрлаш учун] икки ратл эчки сутини икки ёки уч маротаба қайнатилиб, унинг устига нордон сиканжубиндан беш истор<sup>24</sup> микдорида қўйилади. Сўнг уни оловдан олиб, юпқа матодан ўтказиб, тиндирилади ва ўн истордан сиканжубин билан ичилади. Уни ҳожатга қараб сафро ва савдони сурувчи дорилар билан ҳам ичилади.

*Сандал шарбати*. Юрак ҳароратида [ишлатилади]. Оқ сандал ёғочларидан ўттиз дирҳамини олиб, кукундек майдаланади ва ярим ратл сиркада бир кеча кундуз ивителиди, эртаси куни уч ратл сув куйиб, бир ратли колгунича қайнатиб, сузилади. Унинг устига ярим ратл аччиқ анорнинг суви, ярим ратл *тамр ҳиндий*<sup>25</sup> суви ва уч ратл калла қанддан солиб, оловга қўйилади. Сўнг совугунича қолдириб, устига майдаланган табошир ва сандалдан икки дирҳам, майдаланган *кофурдан*<sup>26</sup> ярим дирҳам ва заъфарондан уч дирҳам қўйилади.

47a // *Жилонжсийда шарбати*. Қоннинг ўта қизишида ва қондан пайдо бўлган касалликларда ишлатилади.

Тоза Журжон жийдасидан бир ратл, куритилган кашничдан ўн беш дирҳам, ясмик уруғидан юз дирҳам, сачратки илдизидан бир боғ олиб, уларнинг барчаси уч кунгача сиркага солиб қўйилади, сўнгра уларнинг қуввати [сиркага] чиккунича қайнатилади ва [қайнатма] сузилиб, сиканжубин тайёрланади. Ундан ўн дирҳамини ҳар куни бир қадах зирк ивитмаси билан ичилади.

[*Зирк ивитмасининг сифати*]<sup>27</sup>. Данаги олинган журжон жийдасидан бир ратл, уруғидан тозаланган зиркдан бир ратл, зарпечакдан бир ратл, сачратки уруғидан бир ҳовуч, тозаланган ровоч илдизидан бир ҳовуч (хаммаси уч дирҳам бўлиши керак) олиб, бир идишга солинади. Уларнинг устига икки бармоқ баландлигида кўмадиган миқдорда сув қўйилади ва ёзда уч кун, қишда эса тўрт кун қуёшга қўйилади [ва у Аллохнинг изни билан шифо бўлади]<sup>28</sup>.

## **ИККИНЧИ БОБ МАЪЖУНЛАР ВА ЖУВОРИШЛАР**

Асал фойдали хоссаларга ва шариф таъсирга эга. Шунинг учун у ўзига қўшилган нарсаларни ўзгариш ва бузилишдан сақлайди, [касалликни] даволашда ёрдам беради. У ўз хоссасига кўра жуда хуштаъм ва инсон табиатига мувофиқ келиши билан бир каторда, тўйимли ва ёқимлидир. Шунингдек, дориларнинг бадтаъмлиги ва ёқимсизлигини кетказувчанлиги туфайли ғализ нарсалардан тозалайди. Унинг хоссаларига келсак, у ўзига қўшилган нарсаларнинг заррачалари билан аралашиб, уларнинг қувватини чиқаради ва бирларини бошқалари билан бирлаштиради ва шундай ачитадики,

476 // [дорида] иккинчи мизож пайдо бўлади. [Натижада] ҳосил бўлган қувват [бу дорига] фойдали хусусият ва таъсир бахш этадики, булар содда дориларда учрамайди. Шу боис, уни дориларга қўшиш ва маъжунлар [тайёрлаш] ихтиёр қилинади. Тайёрланиш усули яхши маълум ҳамда таркибий қисмлари фойдали ва замондошларимиз томонидан синалган маъжунлар *атрифуллардир*.

Атрифул сўзи ҳинд тилидан арабчалаштирилган бўлиб, Кобул ҳалиласи, балила ва омилаларга нисбатан ишлатилади. Мазкур учта дори асаб аъзоларини қувватлантиради ҳамда озиқлантириш аъзоларига ҳар хил чиқиндилардан халос бўлишга ёрдам беради. Улар фойда қилишда бир бирлари билан шерик бўлганлиги ва бирлари бошқаларига ёрдам берганлиги учун уларни қўшиб таркиб қилинади. Шунингдек, улардаги қувватнинг ва фойданинг бир-бирига яқинлиги учун уларнинг вазни тенг қилиб олинади.

[Мазкур атрифулга] Басра сариқ ҳалиласи ва ҳинд қора ҳалиласидан [аввалгиларига] тенг миқдорда қўшиш мумкин. Зеро, улар мизожи, фойдаси ва қувватига кўра аввалгиларига яқиндир. Яна улар таъсирда кучлироқдир. Уларни майдалаб, талқон қилингандан сўнг мизожларидаги қуруқликни йўқотиш учун сариёғ ёки бодом ёғига солиб қўйилади, чунки [мизождаги]

48a // қуруқлик ҳазм қуввати учун зарарлидир. Агар озиқлантириш аъзоларини кучайтирмоқчи бўлиб, ҳалила атрифули ишлатишни давом эттирилса, у ориқликка олиб келади. Сариёғ кучли ёғларнинг ичида инсон мизожи учун мувофиқ келувчи ёғдир, агар вақтида истеъмол қилинса. Агар [атрифулни] кейинроқ истеъмол қилинадиган бўлса, уни бодом ёғига ивитиш афзалроқ, чунки сариёғ [тезда] айниб, ҳиди ҳам тезда ўзгаради. Шунингдек, омила [мизожининг] қуруқлигини камайтириш учун уни сутга ивитиш ишлатилади ва бунини *ширамлаж* деб аталади ва уни қуритиб, истеъмол қилинади. У бошқа атрифуллардан яхшироқдир. Атрифулларнинг қуввати ва таъсирини кучайтириш учун уларга асални кўпроқ миқдорда қўшилади. Асални дориларга нисбатан уч баробар кўп қўшилади, [мақсад - улар мизожини] иситиш, латифлаштириш ва зарарларини камайтириш. Яна бошқа маъжунларга, уларни ачитиш мақсадида ҳам асал қўшилади. Тоза асал иссиқ, ўткир ва шифобахш нарсаларга яқиндир. Кўпиги олиб қайнатилгани ўткирлигини йўқотади. Аввалги ҳолатига қайтариш учун устига сув солиб қайнатилади //.

48b Агар пишириш истаги бўлса, атрифулни уч хил ҳалиладан тайёрлаш мумкин, бунда унинг тозаловчи [хусусияти] қувватлантиришидан устунроқ бўлади. Қуруқ ахлат чиқиши билан кузатиладиган бавосирда аввалги учликка турбит билан муқлдан тенг миқдорда қўшилади. Турбитнинг [миқдорини], агар унинг табиатида қуруқлик бўлмаса ёки ўзидан камроқ миқдордаги қонни

ивитувчи дорилар, хусусан, кахрабо, гулнор, *жазмозаж*<sup>1</sup>, куйдирилган садаф, жувона ҳамда [сиркада ивителиб, куритилган]<sup>2</sup> маржон билан ишлатиладиган бўлса, ўзгартириш мумкин. Агар бавосир ичнинг юмшоқлиги ва қон оқиши билан бўлса, ҳалила, балила ва омилаларни ич суришини тўхтатиш ва қотириш хусусиятига эга ёғда қовурилади. Ёғ уни узоқ вақтгача сақлайди. Бунинг учун энг яхши ёғ сариеғдир. Унинг (дорининг) таркибидан 49a асални чиқариб ташланади, // чунки унда ўткирлик, ширинлик ва ични суриш қуввати бор. Уни порей пиёзи сувида эритилган муқлга аралаштирилади. [Бу сув] бавосир ва қонни тўхтатишга махсусдир. [Дори] эриши осон ва қуйи аъзоларга ўтиши енгил бўладиган кулчалар шаклида ясалади ва *ҳабб ал-муқд* деб номланади. Атрифулларга меъда мизожининг ҳўл совук хилтларнинг йиғилишидан бузилишини тuzатадиган дорилар ҳам кўшилади. Бундайлардан мастаки, занжабил, мурч, узунмурч ва ҳинд уди кўшилади. Уларнинг сони ва вазни ўша бузилган мизожга қараб олинади ва вазнларини юқорида айтиб *ўтилган* еттита қоидага қараб белгиланади. Уларнинг атрифул дориларига нисбати эса меъда совуклигининг ҳўллигига нисбати кабидир.

Мизожнинг иссиқдан ва сафродан бузилишида [атрифул таркибига] сано ва кизил гулни бодом ёғида ивитиб, эзилади ва уларни ҳинд хурмоси шарбати, *ширхит*<sup>3</sup> ва гул шароби билан аралаштирилади. Қўтир касаллигида эса учта ҳалиланинг ўзи билан чекланиб, уларга сано ва шохтарани ҳўл ва иссиқлиги кам бўлган ўрик билан аралаштириб, кўшилади. Агар бошга буғларнинг йиғилишини қайтаришга ҳожат бўлса, уларнинг такибини куритилган кашнич билан кўпайтирилади. [Баданни] савдодан бўшатиш учун эса [атрифулни] дарахт пўкаги, бистпоя, турбит, девпечак, рум райҳони билан таркиб қилинадичи ва мазкур бешта дорини юқоридаги беш хил дори<sup>4</sup> билан кучайтирилади.

49b // Улар таъсирда бир хил бўлганликлари учун ҳамда қувватлари бир-бирларига яқин бўлганлиги учун тенг вазнда олинади, [лекин] атрифул дориларининг ўткирлиги буларникидан ортик бўлгани сабабли атрифул дориларига нисбатан ярим вазнда кўшилади.

Балғамли савдони суриш, [дорининг] сургилик таъсирини кучайтириш учун [атрифулга] беш ёки олти дирҳам миқдорда турбитдан ҳам кўшиш мумкин. Бу [дори] *маъжун ан-нажсоҳ*<sup>5</sup> деб аталади.

Жолинус атрифул ва жуворишн дориларини меъда ички деворларининг нотекислиги ва [дорининг] унда узоқ муддат туришини ҳисобга олиб, кукун ҳолатигача майдаламайди. Мазкур уч дорининг ични боғловчи таъсирини кучайтириш учун [уларни] юлғун бужури билан тўртта қилинади ва эски сиркада бир неча марта ювилган темир чирки билан бешта қилинади. Юлғун бужурининг ични боғлаш хусусияти юқоридаги дориларникига ўхшаш бўлгани боис, у тенг миқдорда олинади. Темир чирки эса мақсадга етишда фойдаси кўп бўлгани ҳамда меъда бўшашиши, эски ичкетар ва бавосирга таъсири яхши бўлгани учун тўрт дорининг бирига тенг миқдорда<sup>6</sup> кўшилади. Юқоридаги бешта дорига яна ични тўхтатувчи иссиқ мизожли дорилардан ҳам кўшилади, бунда иссиқлик ўша совуқ мизожли дориларни мўътадиллаштиради ҳамда меъдани иситади ва тикилмаларни очади.

Ични боғлашга келсак, унда кундур пўстлоғи, тўпалок, сунбул, қорачайир, сирка билан тайёрланган жувонага эҳтиёж бўлади. [Сўнггисини] бошқаларининг бир-бирига нисбатан тенг олинган вазнига қараганда камроқ кўшилади. Шунингдек, мазкур таркибга унинг боғловчи таъсирини ошириш учун яна шакар ва қизил гул кўшиш мумкин, бу эса [дорини] мўътадиллаштиради ва у *маъжун ал-хубс*<sup>7</sup> ва *фанжануш* деб аталади. Бу сўз форс тилидан арабчалаштирилган бўлиб, юқоридаги бешта дори асослигига ишорадир<sup>8</sup>.

*50a Муфарриҳотларга*<sup>9</sup> келсак, улар кайфиятлари<sup>10</sup> ва табиатлари билан // ғализ руҳни латифлаштиради ва тарқатади, [ундаги] майинликни жамлайди ва [юракни] руҳнинг турли ҳолатларининг кўпайишидан асрайди. Уларни ҳожат бўлгандагина таркиб қилинади. Аммо, агар заифлик мизожнинг бузилишисиз пайдо бўлса, [дорининг] кайфиятини мўътадил қилиш учун иссиқлик дориларни совуқ мизожли дорилар билан аралаштириб тайёрланади. Шунда уларнинг хоссалари бирлашади ва кўпаяди, натижада махсус таъсири кучаяди. Унда *жавҳар*<sup>11</sup> каби муҳим кайфият йўқ. Уни кукундек майдалаб, ювиб, кейин ишлатилади. Савдони сурувчи дориларни муфарриҳотларда ишлатиш яхши эмас, чунки улар савдони кўзғатади, лекин уни чиқаришга ожизлик қилади, бу эса зарар келтиради ва бошқа дориларга ҳам таъсир қилади. Гоҳида юрак дориларини бошқа, юракники бўлмаган

дорилар, масалан, хиёрайн уруғи, семизўт, ковок, сутчўп ва бошқалар билан юрак дориларининг куруклигини кесиш ва совуклигини кучайтиришга эҳтиёж туғилганда таркиб қилинади. Заъфарон ва анбар каби жуда совук дориларни [муфаррихот] мизожини совутиш учун қўшиш мумкин. Сурги дорилардан ҳам олиш мумкин. Улар ҳожат бўлганда касалликни тузатадиган ва вақт бемалол бўлганда тайёрланадиган маъжунларни яхшилайти.

Хиёршанбар маъжунни иссиқдан бўлган *қуланжга*<sup>12</sup> ҳамда ичакларнинг сафро ва балғамдан бўлган касалликларида ишлатилади. [Таркиби]: исфаҳон бинафшаси ва турбитдан қирқ дирҳам, ҳинд тузидан етти ярим дирҳам, арпабодён уруғи, рум арпабодиёни ва мастакиларнинг ҳар биридан беш дирҳам, 506 чучукмия қиёмидан икки истор, сақамуниёдан ўн беш дирҳам, // хиёршанбарнинг эланган пўстлоғидан юз дирҳам олиб, хиёршанбар эти, юз дирҳам калла қанд ва юз дирҳам асал<sup>13</sup> билан аралаштириб, беш дирҳамдан ўн дирҳамгача истеъмол қилинади. Тайёр бўлган дорида [яна] бир дирҳам турбит, бир дирҳам бинафша, икки *донақ*<sup>14</sup> ва бир *тассуж*<sup>15</sup> сақамуниё бўлиши керак. Умуман, бу ичимлик жиддий ҳолатларда тайёрланади. Ични суришга кучли эҳтиёж туғилганда унинг таркибидаги туз миқдори камайтиради. Сўнгги таркибий қисмлар ҳам ўткирлиги ва иссиқлиги туфайли бошқа маъжунлар учун камроқ олинади.

Савринжон маъжунни бўғин касалликлари учундир. Агар улар сафродан ва балғамдан пайдо бўлса, [маъжун] бўғинлар учун хос бўлган ични сурувчи дорилар, сийдикни кучли ҳайдовчи дорилар, ғализ моддаларнинг қуйилишига тўсқинлик қилувчи ва уларнинг йўлларини торайтирувчи дорилар билан таркиб қилинади. Мазкур амаллар шундай касалликларни даволашда қўлланиладиган тadbирларнинг асосийларидир.

Оқ савринжондан олти дирҳам, *бузайдон*<sup>16</sup>, *моҳизаҳра*<sup>17</sup>, ковул илдизи пўстлоғи, зира ва ҳинд бақа жўхорисининг ҳар биридан икки дирҳамдан олинади. Сарик ҳалила пўстидан етти дирҳам, петрушка уруғи, арпабодиён уруғи, оқ мурч, каклигўт, ҳинд тузи, хна барги ва денгиз кўпигининг ҳар биридан бир ярим дирҳамдан, қизил гул ва *жулжулон*ларнинг<sup>18</sup> ҳар биридан уч дирҳамдан, оқ турбитдан ўн беш дирҳам, занжабилдан уч дирҳам, сақамуниёдан уч дирҳам, асалдан бир юз эллик дирҳам, бодом ёғидан бир истор

олинади ва бир истордан истеъмол қилинади. Агар давомий ҳолатда ичмоқчи бўлинса, уч дирҳамдан олинади.

Бу маъжун кучсиз сурги ва ўртача қувватлидир. Чунки ундаги дориларнинг ҳар бир тури бошқасига таъсир жихатдан зиддир. Зеро, ични тўхтатувчи дорилар ични сурувчиларга, улар эса сийдикни ҳайдовчи таркибидан

*51a* дориларга зиддир. Бу ҳолат [дорининг] қувватини камайтиради, // лекин уччала дорининг<sup>19</sup> биргаликдаги таъсири бу касалликларда кучли бўлади, гарчи ўзи заиф бўлса ҳам, чунки ҳар бир дори турининг таъсири [маъжунда] бошқаси билан қўшилган ҳолда бўлади.

*Тўртлик тарёқ.* У заҳарларга қарши [таъсир қилади]. Заҳарлардан эса қақиб ўлдирувчи ҳайвонларнинг, хусусан чаённинг заҳрини қайтаради ва балғамдан бўлган касалликларда фойдалидир. [Таркиби]: Рум *жантиёнаси*<sup>20</sup>, *зор* данаги<sup>21</sup>, макка китрони, узун аристолохияларнинг ҳар биридан бир қисмдан олиб, майдалаб, кўпиги олинган асал билан қорилади ва бир мисқолдан ичилади.

*Жувона маъжуни* сийдик йўлидаги тошларни майдалаш ва сийдик йўлини тозалаш учун ишлатилади. Жувонани яхшилаб майдалаб, асал билан аралаштирилади. Ичиш миқдори – бир мисқол.

*Ўпкани тозалайдиган маъжун:* гулсафсар илдизи, лилия илдизидан тенг миқдорда олиб, кукундек майдаланади. Агар улардан тозалаш ва пишириш кўзланган бўлса, ёки ўша иккита мақсаднинг бири бошқасидан аҳамиятлироқ бўлса, асал билан қориб, бир мисқолдан ёинки ундан кўп, ёки кам миқдорда, улар вазнларидаги ихтилофга қараб, яна беморнинг қуввати ва заифлигига қараб ҳамда хилтларнинг етилиши ё етилмаганлиги ҳисоби билан ичилади.

*Ичакларни балғамдан тозаловчи маъжун.* Маҳсар уруғи мағзи ва анжирни бирга эзиб, ёки уларнинг сувини тенг миқдорда олиб, аралаштирилади ва бир уқиядан ичилади.

*Балғамли йўтални пиширувчи маъжун.* Зиғир уруғини намлиги кетиб, ёпишқоқ ҳолга келгунича ва иссиқлиги ортунига қадар қиздирилади. Сўнг асал билан аралаштириб, учдан беш [мисқолгача] ичилади. Асал [дорини] қоришга етарли миқдорда олинади.

516 Жуворишларга келсак, улар маъжунларга ўхшайди, бироқ, маъжунлар // ширин, аччиқ, юмалок ва ғайри юмалок бўлади. Жуворишлар эса ёқимли бўлмайди. *Жувориш* сўзи форс тилидан арабийлаштирилган бўлиб, “ҳазм килувчи” деган маънони англатади. Жуворишларнинг энг яхшиси уддан тайёрланганидир. У меъдани мустаҳкамлайди ва унинг мизожини латифлаштириб, иситади. [Таркиби]: бир ратл шакарга икки дирҳам майдаланган ҳинд удини аралаштириб, оловга қўйилади ва унинг устига заъфарон, қалампирмунчоқ, *ҳил*<sup>22</sup> ва шу кабилардан кетма-кет солинади ва умумий миқдори эҳтиёжга қараб белгиланади. Унга мазасини яхшилайдиган миқдорда лимон қиёмини ҳам аралаштириш мумкин, бу ўринда лимон сувини ҳам ишлатса бўлади. Жуворишлар учун ишлатиладиган хушбўй дорилар: уд, занжабил, ҳар хил мурчлар, қалампирмунчоқ, кичик қоқила, заъфарон, катта қоқила<sup>23</sup>, *ҳавлинжсон*<sup>24</sup>, долчин, қизил гул, мастаки, *басбоса*<sup>25</sup>, *кабоба*<sup>26</sup>, мушк, анбар, салиха<sup>27</sup>, *созаж*<sup>28</sup>, ушна, *қирфа*<sup>29</sup>, сунбул, қорачайир, мускат ёнғоғи, *нормушк*<sup>30</sup>, тўпалок, *фаланжамушк*<sup>31</sup> кабилардир. Буларнинг барчасини ҳожат бўлганда меъда [мизожини] иситиш ва яхшилаш учун, шунингдек, ундаги елларни кетказиш ҳамда ёмон хилтларни чиқариб ташлаш учун қўшиб, ишлатилади. Уларнинг таркибига яна ични боғловчи дорилардан ҳам қўшилади, булар мирта уруғи, анор гули, табошир ва шу кабилардир. Яна шаробда ёки эски сиркада пишириб юмшатиш ва каллақанд билан ёпишқоқ ҳолга келтирилган беҳидан ҳам қўшилади; ёки беҳи қиёми ва эритилган шакар ҳам қўшиш мумкин. [Аралашмани] ликоб устига ёйиб, уд жуворишни шаклида кесилади. У ични қотирувчи беҳи жуворишини деб номланиб, меъданинг ич суришдан кейинги заифлашишида фойда қилади. Шунингдек, уларнинг таркибидаги ични қотирувчи дориларнинг

52a ўрнига *сақамуниё*<sup>32</sup> ва турбитдан ичиш мумкин бўлган миқдорда, // шарбат ҳолида мураккаб дорига қўшилади. Уларнинг ҳар бири учун шарбат [тайёрланади]. [Сўнг] улар аввалгиси каби аралаштирилади ва *сурувчи беҳи жуворишини* деб аталади. У хушдан кетиш билан бўладиган қуланжда яхши фойда қилади. Қуланждаги қаттиқ оғриқни босади. Юқоридаги хушбўй дориларни асал билан аралаштириб, бошқа маъжунлар сингари қорилади. Бу [зикр қилинган] хушбўй дориларнинг ҳар бирига тааллуқли.

Жуворишлардан яна сийдик ва елларни ҳайдовчилари ҳам бор. [Улардан бири] зира жуворишни бўлиб, [уни тайёрлаш учун] зира, газгаўт, занжабил, мурч ва *бурақдан*<sup>33</sup> ҳолат талаб қилган миқдорда олинади, агар мизож суст бўлса, бурақдан кўпроқ олиб, уларга яна девпечак, оқ ва қора мурч қўшилади. Уларни кўпиги олинмаган асал билан қорилади. Дорилар жуда ҳам майин қилиб майдаланмайди. Агар қабзият кучли бўлиб, мизожда қуланжга мойиллик бўлса, у дори таркибидаги бурақни камайтиради, девпечакни эса олиб ташланади ва унинг ўрнига, агар сийдикни кўпроқ ҳайдашни хоҳланса, жувонадан қўшилади. Дориларни майин қилиб майдалаб, қайнатиб кўпиги олинган асал билан маъжун қилиб, уларнинг таркибига қора мурчдан қўшилади, чунки қора мурч [сийдик] тутолмасликда, аввалги [дори эса] ич кетишида фойдалидир. Мазкур [дориларнинг] қайси бири бўлмасин, уларнинг таркибига сиркада ивитилган ва қовурилган зира аралаштиради, чунки сирка уни тўғирловчи ва латифлигини кучайтирувчидир.

Яна жуворишлар мизожи иссиқ, ични қотирувчи хушбўй дорилардан ҳам тайёрланади, масалан, уларга мирта уругидан кўп миқдорда қўшилади ва *табарзад* асали<sup>34</sup> билан қорилади. Бу дори *ҳузий ал-кабир*<sup>35</sup> деб, илк бор таркиб қилган [кишига] нисбат бериб шундай аталган. У ошқозон мизожининг совиб кетишидан пайдо бўлган ич кетишида фойда қилади.

526 *Ҳузий ас-сағир*<sup>36</sup> эса қовурилган майиз уруги, мирта уруги, // жингакнинг набатий хилидан, анор гули, юлгун бужури, майдаланган кундур, сиркада тайёрланган жувоналарни табарзад асали ёки беҳининг қиёми билан қориб, тайёрланади. Бу дори мизожнинг иссиқлигидан келиб чиққан ошқозоннинг бузилиши туфайли пайдо бўлган ич кетишда фойда қилади.

Мазкур дориларнинг таркибига майиз уруги ва мирта уругидан озиклигининг кўплиги сабабли кўпроқ миқдорда қўшилади. Улар бошқа дориларга нисбатан ғизоли ва фойдалироқдир. Кундур талқони ва жувонадан эса камроқ қўшилади. Баъзан мизожнинг иссиқлигини камайтириш учун уларнинг вазнларини кўпайтиришга эҳтиёж туғилади.

Таъми ва ҳиди ёқимсиз бўлган дорилардан ҳам маъжунлар тайёрланади. Улар қуланж, бўғин касалликлари, жинсий ожизлик каби касалликлар учундир. Улар истеъмоқ қилувчиларнинг қалбларини тинчлантиргани боис, *жуворишлар* деб аталади. Баъзи

инсонларга мазкур таркиблар шундай таъсир қилмаслиги ҳам мумкин. Агар бирорта маъжунни тайёрлашни хоҳланса, унга қўшиладиган дориларни бир идишга қайнаган ва кўпирганда бемалол кўтариладиган миқдорда солинади ва у идишнинг оғзини буг чиқа олиши учун зич қилиб ёпилмайди. [Сўнг] идишни ундаги хароратни сақлаш учун арпа ичига қўйилади ва [аралашма] яхшилаб ачитилади. Ачиш жараёни тугагач, дори ҳажми ўзининг асли ҳолатига қайтади. Шунда идишни арпадан олиб, оғзини маҳкам ёпиб қўйилади. Маъжунлар учун энг яхши идишлар улар билан ўзаро таъсирланмайдиганларидир. Булар хитой идишлари ва тозалиги жиҳатидан

*53а* шуларга яқин ва ўхшаш идишлар бўлиши зарур. // Улар шишалар ва олтин ҳамда кумуш каби металллардан ясалган бўлишлари керак. [Чунки улар бошқа металллар каби зангламайдилар, лекин кувватларини сақлайдилар ва маъжунларнинг юмшоқлиги, майинлиги, мазаларининг ёқимлилиги ва хушбўйлиги қарши таъсирлардан холи бўлади]<sup>37</sup>.

### УЧИНЧИ БОБ СУРГИ ҲАБЛАРИ ВА ИЁРАЖЛАР

Улар ўзларининг ислох қилувчилари (тузатувчилари) билан касалликни тўхтатувчи, аҳволнинг ёмонлашувига монелик қилувчи таъсир кўрсатадилар. Уларнинг таъсирлари моддаларни етилтириш ва латифлаштириш билан белгиланади. *Иёраж* [деган сўзнинг] маъноси шариф бўлиб, унинг таъвили “тузатувчи сурги”, тафсири эса “илоҳий даво” деганидир. Ични сурувчи дорилар илоҳий амр билан тузилган дорилардандир. Модомики, жамики мавжудотлар Аллоҳ таборака ва таоло тарафидан яратилган эканлар, уларнинг хоссалари, кувватлари ҳам олам ва табиат тарафидан эмас, балки оламларнинг бошқарувчиси тарафидан яратилгандир. Шу боис, иёражларнинг истеъмоли ҳаб дорилариникидан аввалроқ ихтиро қилингандир. Қадимгилар у дориларнинг тузатувчилари ва *подзаҳрлар*<sup>1</sup> кўплиги туфайли фақат зарарларни қайтариш хусусиятлари билан чекланганлар. Уларнинг фойдали таъсири яна асалнинг қўшилиши ва ачиш [жараёни] билан белгиланади. Кейинроқ ҳаб дорилари ишлатилган. [Иёражлар] узок муддат сақланишлари мумкин ва вақт ўтиши билан [сифатлари]

яхшиланади. Ҳаб дорилари эса, аксинча, куригунларига қадар яхши ҳолатда бўладилар.

Ҳаб дориларини ишлатиш қонунлари [шуки], уларни сурги дориларига тўла миқдорда кўшиб, ишлатилади. Улар ўзларининг тузатувчилари билан жамланади, сўнг сурги дориларнинг сонига қараб, шунчага тақсимланади: агар иккита бўлса, яримтадан [икки бўлакка], учта бўлса, учга, тўртта бўлса, тўртга, бешта бўлса, беш бўлакка бўлинади ва уларнинг ҳар бир бўлинган қисми ичиш учун тайёр дори ҳисобланади. Аммо ҳаблар таркиб қилинадиган

536 сургиларнинг барчасига ҳамма вақт ҳам эҳтиёж бўлмайди. // Балки уларга ҳожатимиз баъзида кўпроқ, баъзида эса камроқ тушади. Биз ичиш учун мукамал дори таркиб қилишимиз керак. Модомики дори тайёрланиб, кейин қисмларга бўлинса, унинг бир ичиш миқдори таъсири бўлиши керак, акс ҳолда мақсадимизга эришолмаймиз. Яна бизда заиф дорилар ҳам тайёрланади. Улар билан ҳам мақсадга етиб бўлмайди. Таъсир қуруқ, заиф ва кўринмайди. Шунинг учун биз [дори тайёрлашнинг бундай] қонунларини рад қилиб, улардан воз кечдик ва шундай дори нусхаларини тавсия қилдикки, ўйлаган мақсадимизга етишимизда биз амалда уларга суянамиз. Уларнинг истеъмол қилиш вазнларини ҳолат ва қувватга қараб белгиладик. Сўнгра эҳтиёжга қараб, уларнинг вазнларига мувофиқ ҳолда кўпроқ ёки камроқ бошқа сургилар ҳам ишлатилиши мумкин. Улардан энг кам ичиш миқдори уч дирҳам, энг кўпи эса тўрт дирҳамдан оширилмайди, кейин ҳар бирининг тузатувчиларини чоракдан ёки унинг учдан бири деб ёздик. Агар уларнинг қувватларини камайтиришни хоҳласанг, уларнинг барчасини *муқл*<sup>2</sup> ва *катицо*<sup>3</sup> билан жамланади, агар уларнинг таркибига бу икки дори кирган бўлса. Агар у дорилар мия ва меъда учун бўлса, уларни катта ҳаблар шаклида тайёрланади, шунда уларнинг етиб боришлари секинлаштирилади. Агар у дорилар тананинг қуйи қисми ва аъзолари учун бўлса, кичик ҳаблар тайёрланадики, улар меъдада узок турмайди. Шунда биз мақсадимизга етказувчи истаган миқдордаги сурги дорига эга бўламиз. Шунингдек, мен мисол тарикасида баъзи ҳаб дориларининг нусхаларини ёзаманки, улар таркиблар ясашда дастур бўлади.

54а // *Баданни ҳар хил хилтлардан тозалайдиган ҳаблар.*

Турбитдан бир мискол, сарик ҳалиланинг пўстидан ярим дирхам, девпечакдан бир ярим донақ, *гориқундан*<sup>4</sup> ярим дирхам, *антоқийдан*<sup>5</sup> бир ярим донақ, хинд тузидан бир ярим донақ, Абу жаҳл тарвузи этидан бир ярим донақ, занжабилдан бир донақ, мастакидан бир донақ, рум арпабодиёнидан бир донақ, муқлдан икки донақ, катиродан бир тассуж, қизил гулдан бир донақ олинади.

*Бошқа хили:* савдо ва балғамни суради, мияни тозалайди.

Турбитдан бир мискол, *иёраж фикродан*<sup>6</sup> бир дирхам, рум райҳонидан икки донақ, гориқундан ярим дирхам, антоқийдан бир донақ, [занжабилдан бир донақ]<sup>7</sup>, қизил гулдан бир донақ, муқлдан икки донақ.

Сақамуниёнинг туғирловчиси иёраж фикродир, чунки унда хушбўй қилувчилар бўлиб, у иккиси кўшилганда [сақамуниё учун] ислоҳ етарли бўлади.

*Бошқа хили:* сафрони суради ва кўкрак учун яхшидир. Бу бинафша ҳаби: бинафшадан икки дирхам, турбитдан бир мискол, антоқийдан бир ярим донақ, чучукмия киёмидан ярим дирхамдан олинади. Агар турбит оқ, оғир ва ёпишқоқ бўлса, кириб тозаланади, майдаланади ва эланади. Биринчи эланган қисми ишлатилади. Бу ҳабни тайёрлашда унинг тузатувчисига эҳтиёж йўқдир. Чунки бинафшадаги ҳўллик ва ёпишқоқлик хусусияти бодом ёғиники кабидир. Яна сақамуниёни беҳининг сувида эзилса ёки ширин бодом ёғи билан тузатилса, совуқ мизожли ҳаблар сифатида истеъмол қилиш мумкин.

*Бошқа хили:* бўғин касалликларида ишлатилади. Турбитдан бир дирхам, савринжондан бир дирхам, бузайдон ва моҳизаҳраларнинг ҳар биридан икки донақдан, хинд тузидан бир ярим донақ, антоқийдан бир донақ, хайр бавводан бир донақ, қизил гулдан бир донақ, мастакидан бир донақ, муқлдан икки донақдан олинади.

*Ундан ҳам кучлироқ яна бир хили:* турбитдан бир мискол, савринжондан

546. ярим дирхам, Абу жаҳл тарвузи этидан бир донақ, *ҳабб ун-нишдан*<sup>8</sup> бир // ярим донақ, иёраждан бир дирхам, хинд тузидан бир ярим донақ, занжабил ва антоқийлардан худди шунчадан, қизил гул, рум арпабодиёни, мастакиларнинг ҳар биридан бир донақдан, муқлдан икки донақ, катиродан бир тассуж олинади. Яна

ҳабларнинг таркибидан сақамуниёни олиб ташланади, агар [танада] заифлик ёки унинг ёмон таъсиридан кўркиш бўлса. Ҳаблар зарар келтирмасдан ва ташналик чақирмасдан таъсир қилади. Кўпчилик ҳабларга турбитдан мукаммал ичиладиган миқдорда қўшилади, чунки зарарли таъсири кам бўлиб, балғам ва сафрони, гализ ва майин рутубатларни суради. Бунда занжабил ёки шу қабилар унга ёрдамчи сифатида [ишлатилади].

*Астма учун ҳаблар:* кўкракдан рутубатларни чиқаради. [Таркиби]: турбитдан бир дирҳам, ғориқундан бир дирҳам, гулсафсардан ярим дирҳам, иёраждан бир дирҳам, антокийдан бир донак, муқддан икки донак, бинафшадан ярим дирҳам.

*Ғориқун ҳаби:* заифлашишда ишлатилади. Оқ, юмшоқ, эланган ғориқундан бир мисқол олиб, асал билан ҳаб ясалади. Уни уйқудан олдин истеъмол қилинади.

*Оғир истисқо учун ҳаб:* ғориқундан бир мисқол, дарахт пўкагидан икки донақ олиб, асал билан ҳаб қилинади.

*Балғамни латиф сурувчи турбит дориси:* бир мисқол турбит, ярим дирҳам занжабил асал билан ҳаб қилинади.

*Сафро ва балғамни латиф сурувчи ҳаб:* икки дирҳам бинафша, бир мисқол турбит гул шароби билан аралаштирилиб, ҳаб қилинади.

*Оғирлашишни камайтирувчи, нафасни ва ҳазми яхшиловчи, шаҳватни кўзгатувчи ҳаб.* Уни “хушбўй ҳаб” ҳам дейилади. [Таркиби]: мастаки, долчин, занжабил, мурч, қалампирмунчок, узунмурч, нормушк, сақамуниё ва шакарнинг ҳар биридан ўн дирҳамдан олинади ва бир донақдан икки донаққача нўхотдек вазндаги ҳаб қилинади.

*Оғизнинг ҳидини хушбўй қилувчи ҳаб.*

Бу доридан оғизга зрталаб ва кечқурун солиб, шимилади. [Таркиби]: сукк<sup>9</sup>, қалампирмунчок, долчин, мускат ёнғоғи, тўпалок, сунбул, лимон пўстлоқлари, удний<sup>10</sup>. Буларнинг барчасидан баробар миқдорда олиб, ўрик мураббоси билан аралаштирилади ва нўхат катталигида ҳаблар ясалади.

*Подшоҳлар ҳаби.* У сургиларни ёқтирмайдиганлар учун мўлжалланган

55а бўлиб, кустиради. Турбитдан бир ва яна учдан бир дирҳам, // ғориқундан учдан бир дирҳам сариқ ҳалиладан бир ярим донак, қора ҳалиладан ҳам бир ярим донак, девпечакдан ярим дирҳам,

мастакидан чорак дирҳам, говзабондан олтидан бир дирҳам, фаланжамушк, лимонўт, антоқий, табошир, заъфарон ва қизил гуллардан худди шунча олиб, буларни барчасини гул суви билан қорилади.

Катта иёражларга келсак, улар қадимги табиблардан Ҳермес<sup>11</sup>, Руфус<sup>12</sup>, Жолинус ва олдин ўтган бошқа табиблар томонидан тавсифланган бўлиб, кўп кўчирувчиларнинг кўлидан ўтиб келган, шу боис, [тавсифлардаги] чалкашликлар ҳам кўпайиб кетди, шунинг учун уларнинг баъзилари рўйхатлардан чиқариб ташланди. Қолганларининг орасида ҳам хатолари кўп. Аммо шундай олимлар борки, улар мазкур дориларнинг таркибларига берилиб, уларни амалда қўллаш тарафдори бўлганлар. Бу таркиблар кўп вақт илгари мўъжиза каби эди. Ҳозир эса уларнинг аксарияти бутунлай йўқолиб кетган ва фақатгина номларигина сақланиб қолган. Шеър<sup>13</sup>.

Кимки уларнинг (дориларнинг) фойдалисини тайёрламоқчи бўлса ва уларни ишлатмоқчи бўлса, [юқоридагилар] унга аён бўлиши керак.

Шундагина у тўғри нарсани ҳосил қилишга ҳаракат қилади.

Шундан сўнг

556 // Аллоҳ таоло уни тўғри йўлга бошлайди ва ҳақиқатга эришишига ҳамда ўзи ҳадя этган нарсаларни (дориларни) янгилашга ёрдам беради. Зеро, Аллоҳ таоло ҳидоятга аввалию охири бошлагувчидир.

Мен *лугозиё иёражсини*<sup>14</sup> ёзиб кетилган нусхалар ва мавжуд бўлган дорилар ёрдамида таркиб қилдим ва унда ажойиб ични суриш хусусиятини кўрдим: у ҳар сафар ични сурганида, учта хилтнинг бирини бошқасидан ажратган ҳолатда чиқарар эди. Катта иёражларни ичиш қонуни шундайки, унинг бир ичими бир дирҳам хамир тузи билан қорилади ва эритилади.

Таркиби: девпечакдан тўрт дирҳам, уруғидан тозаланган майиздан ўн дирҳам, қора ҳалиладан етти дирҳам, рум райҳонидан уч дирҳам олиб, ҳаммаси бир ярим ратл сувда ярим ратл қолгунича қайнатилади ва сузилади. Сўнг иёражни унда эритиб, ичилади.

Ични суриш давомида асал ёки шакар суви ичилади. Ични суриб бўлгандан сўнг эса, [беморга] гулхайри уруғи, тугмачагул уруғи, гул суви ва бодом ёғи ичирилади.

*Иёраж фикро*. Унинг маъноси “аччык”, ўзи алой ва унинг тузатувчиларидан иборат, чунки сабрнинг ўзи суришни

секинлаштиради. Тузатувчиларнинг кўплиги ҳам суриш хусусиятини сусайтиради. [Таъсир]

56a бир кун // ёки икки кунгача чўзилиб кетиши мумкин, агар алойнинг бир ўзи буюрилиб, бошқа сурги дорилар билан кучайтирилмаса. Алой кўпроқ сафрони суришга хизмат қилса-да, у балғамни ҳам суради. Агар уни хушбўй дорилар ва иссиқ мизожли кучли дорилар билан таркиб қилинса, у кўпроқ балғамни суради, шунинг учун бу таркиб балғамдан бўлган ошқозон касалликлари ва мия касалликлари учун фойдали бўлади.

*Тўққизталиқ дори:* баласон дарахти меваси ва ёғочи, цейлон долчини, сумбул, *асорун*<sup>15</sup>, мастаки, долчин, заъфарон ва ҳаммасининг икки баробарича сабр. Кейинги [муаллифлар] булардан эркин фойдаланганлар, яъни мақсадларига қараб айрим дориларни қўшганлар, баъзиларини эса бошқалари билан алмаштирганлар. Агар дори ёлғиз ҳолда буюрилса ҳамда сурги ҳаблари таркибига қўшилса, бундай қилиш тўғри бўлган. Аммо агар ҳаблар кучсиз бўлса, касалликка ҳамда беморнинг аҳволига қараб, уларнинг таркиби бойитилган. Натижа муддаодек бўлиши ҳамда бош оғриги ва қусишни олдини олиш учун заъфаронни қизил гул билан алмаштиради. Агар сабрнинг тузатувчиларидан бирининг вазнича муқддан қўшилса, қуйи қисмга етадиган зарарнинг олди олинади. Сабрни иссиқ мизожли касалликлар учун [ишлатганда] сачратқининг суви билан ювиб, қуритилади ва ундан қолган қисми тез орада кучини йўқотади. [Дорини] асал билан аралаштирилса, унинг сургилик қуввати ва иссиқлиги ортади. Агар муқл билан *қурс* (кулча) қилинса, ёмон таъсирлардан сақланилади. Унинг бир ичиш вазни уч дирҳамга тенг.

## ТЎРТИНЧИ БОБ.

### ҚАЙНАТМА ВА ДАМЛАМАЛАР

Қайнатмалар моддаларни юмшатувчи [латифлаштирувчи] ёки уларни суриб чиқарувчи дорилардир. Латифлаштирувчи дорилар иссиқ мизожли

56b гиёҳлар асосида қайнатилади. Улар қуйидаги илдизлар: // петрушка илдизи, арпабодиён, гулсафсар, ковул, гулхайри, чучукмия, игир, назла ўти, занжабил, куст, *шитараж*<sup>1</sup>, ровоч, рўян аристолохия, бузайдон кабиларнинг илдизларидан, ёки уруғлардан,

масалан, арпабодиён, петрушка, сачратки, жувона газгаўт, ёввойи сабзи, қора зира, тоғ петрушкеси, ёввойи зира, зарпечак, *анисун*<sup>2</sup>, зиғир, мирра, хулба ва зира уруғларидан тайёрланади. Шунингдек, ўтлардан: каклик ўти, зуфо, тоғжамбил, канавча, қорачайир, луфо, сунбул, ялпиз, лимонўт, говзабон, фаланжамушк ишлатилади.

Мевалардан: анжир, майиз, хурмо, жилонжийда, сабистон ёки уларга яқин бўлганлардан: асал, каллақанд, шакар ҳам ишлатилади. Қайнатмаларни моддаларни етилтириш учун уларнинг хилига, сифатига ва совуқлик даражасига қараб тайёрланади.

Қайнатма сургиларга келсак, уларни таркиб қилиш қонунлари ҳаб ва иёражларни тайёрлаш қонунлари кабидир, фақат уларнинг ва қайнатма дориларнинг ичилиш миқдорлари орасида фарқ бор. [Иёражлар] қайнатма дориларга нисбатан латифрок, юмшоқрок ва ўзларининг табиатларига кўра энгилроқдирлар; улар мизожининг иссиқлиги, зарарли таъсирлари камрок, ични сурувчанлиги эса тезрок ва латиф моддаларга мувофиқроқдир. Чунки сурги дориларнинг кучи уларнинг моддасидан сув таъсирида чиқарилган бўлади. Шундай қилиб, уларнинг зич жисми латифга ўзгаради ва каймус

57a томирларига тушади ҳамда ўз хусусияти билан // ични суришга ёрдамлашади. Бу сурги ични тозалайди. У энгил бўлиб, қисқа муддат ичида таъсир қилади. Ични суриб бўлгандан кейин беморнинг баданида ғам, кўнгил айниши, шаҳватнинг йўқолиши, ташналик кабиларга сабаб бўладиган ҳеч нарса қолмайди. Агар меъданинг дағал қисмида ва ичак ўрамида ҳабдаги дорининг бир қисми ушланиб қолса, сурги [таъсири] такрорланиши мумкин.

Кимки ўша ҳабларни юта олмаса, уларга таркибида *сардоруж*<sup>3</sup> бўлмаган содда қайнатмалардан таклиф қилинади. Булар эса хилтлар [бузилиши] камроқ ва улар майинроқ бўлганда яхшидир. Шунингдек, меъда ва мия елли ҳамда буғли хилтлар билан тўлганда ҳам яхши таъсир қилади. Энгил сургилар жумласида шундай қайнатмалар борки, уларни баъзи сурги дорилар билан кучайтирилади. Бунинг учун уларни майдалаб, қайнатиб, сузилади ва ичишдан олдин [асосий қайнатмага] қўшилади. Улар баъзи гализ хилтларни суриб чиқариш учун ишлатилади. [Ушбу *Қарободинда* маълум ва сақланиб қолган сургилар улардан фойдаланишни хоҳлаганлар учун миқдорлари билан, таъсир даражаси билан, барча хилтларни суриш хоссалари билан, қайнатмаларга солинадиган

микдорлари билан, уларнинг тузатувчилари хақидаги маълумотлар билан бирга берилди)<sup>4</sup>.

576 Қайнатма дориларни уларга // ҳожат тушгандагина таркиб қилинади. Масалан, савдо хилтини бутун танадан (иситма ҳолатидан ташқари) суриб чиқариш учун Кобул ҳалиласи, қора хинд ҳалиласи, девпечак, бистпоя, рум райҳонларидан қайнатма тайёрланади. Уларнинг вазнларини айнан [аввал] маълум қилганимдек олинади, кейин уларга тузатувчилари ва латиф сурги дориларидан қўшилади. Албатта улар юракни хурсанд қилувчи ва руҳни қувватлантирувчи дорилар бўлиши керак, токи савдо ўз ҳаракати ва ҳолатидан кўзғалишида эркин бўлсин. Шундайлардан лимонўт, говзабон, қизил гул, *хайрбавво*<sup>5</sup>, фаланжамушк қўшилади. Яна булар билан бирга тикилмаларни очувчи ва томирларни тозаловчи дорилардан рум арпабодёни, ғофит, зарпечак, петрушка уруғи ва арпабодён қўшилади. Пишган мевалардан эса анжир, майиз, чучукмия илдизи яхшидир. Ўпканинг қувватини саклаш учун ровоч, жигар учун сачратки уруғи [яхши].

Юрак учун ишлатиладиган хушбўй дорилар эса юқорида, юрак ва мия учун ишлатиладиган дорилар зикрида келтирилди. У дориларнинг каттиқларини майдалаб, талқон қилинади ва девпечакдан бошқа барчасини сувга бир кеча ивитиб қўйилади ва эртаси куни уларнинг устига яна уч ратл

58a сув қўйилади // ҳамда бир ратл қолгунча қайнатилади, сўнг қайноқлигича сузилади. Девпечакни қўл билан майдалаб, қайноқ сувга солиб, бир кеча қўйилади. Кейин матодан сузилиб, юқоридаги дорилар билан аралаштириб, тиндирилади. Тиник қисмини ажратиб олиб, бир қисмига хиёршанбар баргидан бир *уқия* солинади ва уни тиндириб, сузиб олинади. Қолган қисмига уч *уқия ширхушт*<sup>6</sup> ва янтоқшакарларни тикан ва тупроқларидан тозалаб, аралаштирилади. Иссиқ кунда эрта тонгда ёки кун ботганда, совук пайтда эса сурги учун яхши ва қулай вақтида ичилади. Агар кўнгил айниши бўлса, беҳи ва олмани сўриш ёки уларни хидлаш босади. Шунингдек, гул суви ёки қуёшда қуритилган лойга шимдирилган сиркани хидлаш ёхуд тархун ва ялпизни чайнаш ҳам [фойда қилади]. Яна улар икковини билакка ҳам боғланади. Буларнинг барчаси жонни тинчлантиради, табиий руҳни қувватлантиради ва уни жамлайди ҳамда унинг юқорига кўтарилишига йўл қўймайди. Шунингдек, қайнатмалардан кейин беҳини чайнаш ва унинг сувини

сўриб ичиш ҳам яхши, агар унинг [қайнатманинг] таъсири секин бўлса. Шунингдек, ҳаблардан кейин [агар уларнинг эригандан сўнг тушиши секинлашса] меъданинг оғзини мустаҳкамлаш учун ҳамда [дорининг] меъда куйи қисмига тушишига қадар оғзини сиқиш учун [ҳам фойдали].

Иссиқ сувни қайнатма дориларнинг устидан хўплаб ичиш уларнинг қувватларини ювиш сабабли кесади. Ҳабларда эса аксинча. Чунки сув у ҳабларга ёрдам беради ва то таъсир қилгунларига қадар улар билан бирга бўлади. Булар содда қайнатмалар деб аталади. Агар кимдир уларни кучайтиришни

586 // ва ғализ савдони суришни хоҳласа, ичаётган вақтда уларга куйидагиларни қўшади: бир дирҳам эланган, лекин кукун қилинмаган ғорикун, бир ярим донақ *нефт тузи*, учдан бир дирҳам турбит, бир донақ сақамуниё, бир донақ мастаки. Яхшиси уни бирор бир қайнатма дорининг бир қисми билан қориб, кейин қолган қисмида эритилади. Мазкур қўшимчани ҳаб шаклида, қайнатмани ичишдан икки ёки уч соат олдин ичилади. Агар савдо сафронинг куйишидан туғилган бўлса, мазкур қайнатмага сарик ҳалила, сано, шохтара ва эрманлардан қўшилади. Агар [савдо] балғамнинг куйишидан туғилган бўлса, уларга турбит, балила, омила, сардоруж, занжабил ва иёраждан қўшилади. Шунингдек, агар иллат иккита хилтдан ёки ундан кўпроқ хилтларнинг аралашмасидан пайдо бўлган бўлса, қайнатма шуларга мувофиқ ҳолда таркиб қилинади. Агар [дард қақирувчи] бирор аъзонинг ўзида мустаҳкам жойлашиб олган бўлса, қайнатма бутун танага фойдали дорилардан кейин ўша аъзо учун фойдали [дори] қўшилади. Масалан, агар [дори] бўғин касалликлари учун бўлса, унга савринжон, бузайдон, мохизаҳралардан қўшилади, унинг иловасига эса Абу жаҳл тарвузи эти ва ҳабб ун-нил қўшилади. Шунингдек, агар кўкракни ҳам тозаламоқчи бўлинса сунбулсоч, гулхайри уруғи ва илдизи, ҳиссоп, жилон жийда, сабистон олхўриси, чучукмия илдизи, майизлардан қўшилади ҳамда унинг таркибидан

59a ҳалилаларни чиқариб, уларнинг ўрнига бинафшадан қўшилади. // Агар [дори] иситмалар учун тайёрланадиган бўлса, унда ҳам ҳалилаларни олиб ташланади, чунки улар кўкракни қаттиқлаштиради ва ични суриб бўлгандан сўнг *мажорийларда*\*

куруклик пайдо қилади, бу эса уларнинг торайиши ва тиқилмалар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Иситмаларни даволашдаги тадбирларнинг боши хилтларнинг чиришига сабаб бўлувчи тиқилмаларни очишдир. Иситмаларда кўпинча ични юмшатувчи нарсалар билан сурги қилинади. Масалан, бинафша, мевалардан эса олхўри тамрхиндий, ўрик, жийда, сабистон ва майиз билан. Тиқилмаларни очувчи дорилардан эса сачратқи илдизи ва уруги, ровоч, ғофит, зарпечак кабилар олинади. Шунингдек, агар мияни тозалаш керак бўлса, мазкур дориларни гул шароби билан ичилади ва унинг иловасига иёраждан қўлланилади. Агар меъда учун бўлса, эрман яхшидир, қора талок учун эса ковул илдизи, жигар учун эса итузум барги ёки шу каби дорилар тўғри келади. Ичаклар учун, яъни уларни гижжалардан, шиллик ва шишасимон рутубатлардан тозалаш учун ёки тери учун (уни қўтирдан тозалаш учун), ёхуд буйрак ва ковуқ учун – улардаги кум ва тошларни чиқариш учун ўша аъзоларнинг ҳар бирига хос бўлган дорилар олинади. Эҳтиёжга қараб бириси кўпроқ, бошқиси камроқ миқдорда қўшилади.

*Нуқъот* (дамлама) дориларга келсак, улар содда қайнатмалардан латифроқдир. // Уларнинг содда қайнатмаларга 596 нисбати содда қайнатмаларнинг сардоруж билан қувватлантирилган қайнатма дориларга нисбати кабидир. Чунки қайнатиш ва пишириш дорилар қувватини чиқариб, уларнинг баъзи қисмларини сув билан аралаштиради ва ундаги латиф бўлган нарсаларни эритади, айниқса, агар дориларнинг мизожлари заиф ва юмшоқ бўлса, хусусан, қуввати девпечак ва бошқа шунга ўхшаш ўтларники каби.

Агар моддаларнинг қисмларидаги латифлик ва таркибдаги юмшоқлик шундай даражага етсаки, улардаги қувват эритмага ўтса (масалан, сачратқи ва бошқа содда дорилардаги каби), кейин каттик иситиш ва узоқ қайнатиш унинг (қайнатманинг) қувватини оширади. Дамлама дорилар қайнатилган дорилардан енгилроқ ва [совуқроқдир]<sup>9</sup>, чунки улар қайнатмалар сингари оловнинг иссиқлигини олмайди. Шунинг учун улар иситмалар ва иссиқ мизож учун мувофиқ келадилар ҳамда ёқимсиз таъм ва ҳидли дориларни хуш кўрмайдиган одамларга яхшидир. Иситмаларда [бериладиган] дамламалардан кўпинча ични юмшатиши, ҳароратни тушириши ва иситмадан бошқа ҳолларда эса моддаларни аста-

секин суриб чиқариши кутилади. Иситмаларда қўлланадиган дамламалар ичида мева дамламалари ҳам бўлиб,  
*60a* уларга гул сувида ивитилган сабистон, тамрҳиндий, олхўри, ўрик // хиёршанбар, жийда кабилар киради. Яна уларнинг аччик семиз анор суви билан тенг миқдордаги ширхишт, янтоқшакар, шакар, гул шароби ёки бинафша шаробининг ширин-нордон аралашмасидаги [ивитмасини тайёрлаш мумкин] ва бу дори дамламаларнинг латифроғи ва яхшироғи бўлади. Шунингдек, яна хиёршанбарнинг сиқиб олинган сачратки сувида ивитилган барглари, итузум барглари суви ҳамда арпабодён суви жигар касалликларида [берилади]. Яна шохтара, зарпечак, кўйпечак ва сачраткиларнинг сувларини қўтир ва кичималарда, шунингдек, ҳароратли моддаларда берилади. Уларнинг қувватини ошириш учун эса устига сақамунӣ, бинафша ва сарик ҳалилалардан қўшилади.

Дорилардан тайёрланадиган дамламаларга келсак, улар ва кайнатмаларнинг таркиби баробардир. У дориларни оғзи қаттиқ ёпиладиган шиша идишга солиб, уларнинг устидан икки ёки уч бармоқ баландлигида кўмадиган миқдорда сув қўйилади ва кун давомида куёшга қўйилади. Тунда эса лойга ёки юнгга ўраб, сакланади. Уч кундан кейин ичишга тайёр бўлади, шунда сувларини қўл билан сиқиб олиб, латтадан сузилади ва [эҳтиёжга қараб] кучайтирилади ёки йўқ. Алойни дамламада ивителиди.

*60b* Дамламаларни меъда ва мияни тозалашда ишлатиш мумкин. // Кўп беморлар учун алой дамламасини ичиш касалликнинг ўзидан кўра оғирроқ. Агар уни ичишга зарурат туғилса, ундан ҳаб тайёрлаб, ҳар бир ҳабга қиёмдан қобик кийдириш керак. Шунингдек, [алойни] дамлашдан олдин бир соат ивителиб қўйиш керак.

Яна майдаланган турбитни ҳам ивитиш мумкин. Унинг қуввати сувга ўтиши учун бир кунга офтобга қўйилади. Шунда унинг ичида эриган барча нарсалар [турбитнинг] сути, елими ва баъзи кичик қисмлари билан аралашади. Сўнг бу суюқлик офтобга қўйиб қуюлтирилади. Натижада у латиф ва енгил дорига айланиб, хавфлиликдан йироқ бўлади. Худди шу каби уни (дамламани) сарик ҳалила билан ҳам тайёрласа бўлади.

## БЕШИНЧИ БОБ. ҲУҚНАЛАР, ШИЁФЛАР ВА ФАРОЗИЖЛАР<sup>1</sup>

Ични сурувчи ҳуқналарнинг таркибларига келсак, улар қайнатмаларнинг таркибларига яқиндир, чунки улар ҳам ични сурувчи ва латифлаштирувчи дорилардан тайёрланади. Уларнинг таркибига қайнатмаларда бўлгани каби сардоруж қўшилади. Лекин сурги дориларнинг ҳуқналар таркибига кирмайдиганлари ҳам бор, алой ва ҳалилалар шулар жумласидандир. Баъзи ҳуқна дорилари латифлаштирувчи ва сирғалтирувчи қайнатмаларнинг таркибига қўшилмайди, улар енгил юмшатувчи бўлиб, иситмаларда, ичаклардаги шишларда ва ахлат қуруқлигида ишлатилади. Уларни юмшатиш ва майинлик билан сурувчи нарсалардан ҳам олиш мумкин.

*б1а* // Улар бинафша, тугмачагул, нилуфар, темиртикан, зиғир уруғи, гулхайри, арпа, кепак, жийда, сабистон, лавлаги, сачратқи барги, чучукмия илдизи, майиз ва шу кабилардир. Шунингдек, яна ҳўл-совуқ мизожли ёғлар билан ҳам ҳуқна қилинади. Буларга бинафша ёғи, нилуфар ёғи, бодом ёғи, *бухтаж*<sup>2</sup>, янтоқшакар, хиёршанбар ва шакар қўшилади. Иссиқдан<sup>3</sup> бўлган қуланжда карам, кашқарбеда, мойчечак ва бурақ қўшилади. Совуқдан бўлган қуланжда ва совуқдан бўлган бошка касалликларда суюлтириб эритиш билан ични сурадиган ва кучли бўшаштирувчи нарсалардан ишлатилади. Улар луфо, газাগўт, бўймодарон, ялпиз, турбит, Абу жаҳл тарвузи, бистпоя, кашқарбеда, анжир ва унинг барги, майиз, каклигўт, темиртикан, наша уруғи, исирик, арпабодён уруғи, петрушка, зира, рум арпабодёни, тоғ райҳони, майдаланган канакунжут ва шу кабилардир. Шунингдек, яна иссиқ мизожли ёғлардан ҳам ҳуқналар тайёрланади, улар: зайтун ёғи, ясмин ёғи, шаббўй, аччек бодом, зиғир уруғи ёғи, асал суви, қанд ва *муррий*<sup>4</sup> кабилардир. Уларга яна турбит, Абу жаҳл тарвузи эти, хинд тузи, говшир, *сақбинаж*<sup>5</sup> (эрон қавраги), муқл, қаврақ елими, қундуз кири қўшиб, эҳтиёж бўлганда, касалликнинг енгиллиги ва оғирлигига қараб истеъмол қилинади. [Бунда] уларни таркиб қилиш қонунлари ва улар орасидаги нисбатларга риоя қилинади.

Агар [дори] сурункали бўгин касалликлари учун бўлса, латифлаштирувчи дорилардан назлаўти, занжабил, тоғжамбил, дафна меваси,

616 канавча // арча бужури, ковул илдизи кабилардан кўшилади. Бўгин касалликларида махсус ишлатилувчи сурги дориларга савринжон, бузайдон, мохизаҳралар киреди. Агар савдони ҳам суриш керак бўлса, уларга яна девлечак ҳам кўшилади. Агар гижжаларни [тушириш] учун ҳукна қилинмоқчи бўлинса, уларга махсус дорилардан кўшилади. Булар Абу жаҳл тарвузи эти, турбит, хинд тузи, сода, шафтоли барги суви, тут илдизи суви, анор пўстлоғи, китрон, зайтун ёғидир.

Бачадоннинг совуқлиги ва каттиқлигида эса, ҳушбўй дорилардан ушна, тоғжанбил, сунбулларни латифлаштириш ва юмшатиш учун кўшилади. Ёғлардан ёнғоқ ёғи, сақич дарахти меваси ёғи, канакунжут ёғи, зайтун, аччиқ бодом, наргис, сариёғ ишлатилади. Буларни стиракс ва муқл билан бирга бошида ва охирида ҳукна қилинади. Шунингдек, яна мазкур ёғларни иссиқ мизожли дамламалар билан буйрак ва қовуқ совуқлигида ва улардаги каттиқ шишларда ҳукна қилинади. Елдан пайдо бўлган қуланжда эса, елларни тарқатувчи ёғлар билан ҳукна қилинади ва уларга газাগўт ёғи, ясмин, наргис, гулсафсар, кундуз қири аралаштирилади. Ичаклар мизожининг бузилишида ва совуқдан заифлашишида гул ёғи ва бобуна ёғидан ўн дирҳамдан йигирма дирҳамгача олиб, уларнинг ҳар бирини ичакларни қувватлантириш учун эса иккисини ҳукна қилинади. Лавлагининг суви ва муррий билан эса чиқиндиларни чиқариш учун ҳукна қилинади. Шунингдек, тузланган балиқнинг сувидан ҳам ҳукна қилинади.

62a // Яна намақобнинг ўзи билан ҳам ҳукна қилса бўлади. Ҳукна қилишни инсонлар денгиз [бўйида яшовчи] тумшуғи қайрилган, кўп таом еювчи қушдан ўрганганлар. У қуш қорни тўйиб кетган вақтида денгиз суви билан ўзининг орқасига қийшиқ тумшуғи билан қорнидаги нарсалардан фориғ бўлгучича ҳукна қилади.

Ҳукна қилинадиган асбобнинг тузилишига келсак, найнинг узунлиги бир қаричдан узунроқ бўлиши, эни эса жимжилоқ қалинлигида бўлиши керак. Ички тарафи иккига бўлинади: кичик ва катта, уларнинг ўлчамлари нисбати учдан бир ва учдан икки қисм бўлади. Кичик най елларни чиқариш учун, каттаси эса суюқ ҳукна қўйиш учундир. Кичиги катта қисмнинг охиригача бормайди, балки озгина ундан калтароқ бўлади, чунки жилд (суюқлик тўлатилган ҳажм) билан кичик най тешиги бир-бирига тегмаслиги керак, аммо иккинчи томондан иккови биргаликда охиригача (яъни

тана ичига) боради: кичик кисмда, найнинг оғзига яқин жойда яна бир тешик бўлиб, ундан ҳаво най ичига кира олади. Тешик иккита бўлиши мумкин, улардан бири ёпилиб қолса, бошқаси унинг ўрнига ўтади. Агар катта найда шундай тешик бўлса, ҳукна жараёни учун ундан ҳам яхшироқ ва хавфсизроқ бўлади. Зеро, бунда ҳукна дориси асбоб ичида тўхтаб қолмаслигидан ҳамда бирор сабабга кўра тешик ёпилиб қолиб, чиқиш мумкин бўлмаслигидан ёхуд ичакларда бирор нарса қолиб кетишидан сақланиш мумкин. Ҳукнанинг миқдори бир ярим ратлдан учдан икки ратлгача бўлади.

626 // [Ҳукна] илиқроқ ва [қўл куймас даражада] иссиқ қилиб тайёрланади. Қоринга юборилаётган суюқлик тўғри йўналишда бориши керак. Қоринга ётганда оғриётган тарафга [ётиш] керак. Буйракни озиклантириш ва оздириш учун ёғлардан ва ёпишқоқ шўрвадан ҳукна қилинади. Ўша шўрвада бугдой, арпа, кўйнинг болдири, хўроз мояги ва нўхатни - жинсий қувват дориларини пишириш мумкин. Уларга яна иссиқ ёғлардан ҳам қўшилади ва жинсий қувватнинг совуқдан заифлашишида улар билан ҳукна қилинади. Яна ҳукналар ични қотирувчи уруғлар қайнатмаларидан ҳам тайёрланади, улар тариқ, гуруч, майдаланган ясиқ, майдаланган ва қовурилган арпа [бўлиб], улар билан баъзи ични боғловчи дорилар ҳам қайнатилади, масалан, *баллут*<sup>6</sup> ва анор гули. [Қайнатмадан] қирқ дирҳамгача олиб, сиркада қайнатилган ва гул ёғига аралаштирилган тухумнинг сариғи билан қуюлтирилади ва тозалаш учун уч дирҳамдан олинган елим, майдаланган крахмал, арман лойи, араб акацияси елими, кўрғошин упасини юборгандан сўнг, ҳукна қилинади. Агар ярадан қон кетса, тухум сариғини гул ёғида қуригунича қовурилади ва унга қуригунича дорилардан қахрабо, куйдирилган маржон, папирус қоғози кули, кундур талқони, бақам дарахти елимидан қўшилади. Агар оғриқ кучли бўлса, унга озгина афюн ва заъфарондан<sup>7</sup> қўшиш мумкин. //

63a *Юмшоқ ҳукна*: бирга ўралган<sup>8</sup> бинафша ва кепак, тозаланган ёки ўралган оқ гулхайри, нилуфардан бир ҳовучдан, бугдой бўтқасидан бир ҳовуч, лавлаги барги ва қўйпечакдан бир боғдан, сабистон [олхўрисидан] йигирма дона, Баст<sup>9</sup> анжиридан беш дона, жийдадан ўн дона олиб, бир ратл сувда учдан бири қолгунича қайнатилади ва сузиб, испағул шираси, сирка, қизил шакар ва муррийларнинг ҳар биридан бир уқиядан қўшиб, ҳукна қилинади.

Иссик [мизожли] хукна учун луфодан уч дирхам, сариқ йўнгичка ва майдаланган маҳсар меваси, зиғир уруғидан бир ҳовуч, қашқарбеда, мойчечакдан бир укия, укроп, газагўт, карам барги, лавлаги барги, тоғ ялпизидан бир ҳовучдан, майдаланган бистпоядан<sup>10</sup> ярим укия, зира, арпабодён уруғидан бир ҳовучдан, анжирдан ўн дона олиб, буларнинг барчасини беш ратл сувда икки ратл қолғунича қайнатилади, сўнг сузилиб, учдан икки ратлини кучайтириш учун қуйидаги дорилар билан қўшиб, хукна қилинади, [улар]: Абу жаҳл тарвузи эти, антокий елими, ҳинд тузи - буларнинг ҳар биридан бир ярим донақдан, бурак ва оқ турбитдан бир дирхамдан, каллаканд, ясмин ёғи, мурр - буларнинг ҳар биридан бир укиядан қўшилади.

Қоринни юмшатишда, қуланжда, ичакларни тозалашда истеъмол қилинадиган шиёфларга келсак, уларнинг юмшоқлик ва қаттиқликдаги ҳолати ҳукналарники кабидир. Уларнинг сурғи ҳукналарига нисбати эса сурғи ҳабларининг иччи юмшатувчи қайнатмаларга нисбати кабидир. Уларнинг (шиёфларнинг) тўғри ичакка кириши учун узунлиги бир бармоқ ўлчамида ёки ундан узунроқ бўлади. Агар қуланжни даволамоқчи бўлинса, худди шулар қулун ичаккача юборилади. Агар қуймуч оғриғи ва сон

636 оғриқларини даволамоқчи бўлсанг, // оғриётган аъзога таъсири узоқроқ бўлиши учун *фурзажа*<sup>11</sup> қўйилади. Иситмаларда ишлатиладиган юмшатувчилар юмшоқроқ, совуқроқ ва оддий *риҳбин*<sup>12</sup> каби бўлади. У чиритилган сут зардоби ва қизил шакардан тайёрланган *нотиф*<sup>13</sup> дан иборат. Агар унинг устига майдаланган туздан бир оз сепилса, у қуюлади, сўнгра “сичқон ахлати” нотиф билан аралаштирилади, кейин бу дориларга ҳам майдаланган бурак қўшилиб, кучайтирилади. Сўнгра уларга яна гулхайри ва бинафшалардан майдалаб, солинади. Бу [дорини] ахлат қотишида буюрилади. Яхши шиёфлар қорда кучли музлатилган ёғ асосида тайёрланади. Шиёфларнинг энг кучлиси бинафша шиёфидир. [Таркиби]: бинафша, қизил шакар, рихбин, буларнинг ҳар биридан беш дирхамдан, сақамуниё, турбит ва бурақлардан уч дирхамдан олинади. Кейинги учта дори таъсирда аввалги учтасига нисбатан кучли бўлиб, уларнинг миқдорларини камайтирилганда бошқалариники оширилади. Уларга яна ҳинд тузидан икки дирхам қўшилади. Туз миқдорининг камайтирилиши икки сабаб билан боғлиқ: уларнинг кучли қувватга эгаллиги ҳамда мураккаб дори таркибида уларнинг таъсирига эга ва фойдада уларга ўхшаш

дориларнинг борлиги. Агар дориларнинг тўртталови ҳам кучли бўлса, [микдори] камайтиради. Улар кучли сургига нисбатан камроқ олинади. Шакар ва рихбин эритилади ҳамда  
64a дорилар // устига сепилиб, шиёфлар тайёрланади.

Ўткир дорилар совуқдан бўлган қуланжда, орқани киздиришда ва балғамни ўз еридан суриб чиқаришда ишлатилади. Сурги дориларининг кучлиси ва тез таъсир қилувчиси совундир, айниқса, Раққа [совун], агар ундан шиёф тайёрланса ва ишлатилса. Ёки [совун] қанд ва асал билан олов устида аралаштирилиб, унинг устига майдаланган туз, бурак, турбит, занжабил, Абу жаҳл тарвузи эти, сақамуниё ва бошқа шу каби сурги дорилардан қўшилади.

Елларни ҳайдовчи дориларга келсак, улар седана, зира, қундуз кири ва шу кабилар ёхуд буларнинг иссиқ мизожли елимлар билан коришмасидир. Улар (елимлар) говшир, сакбинаж, ушшак, муқл кабилар бўлиб, хожатга қараб ва таркиб қилиш қонунларига мувофиқ нисбатда қўшилади.

*Қуланжни даволовчи кучли шиёф [таркиби]:* совун, говшир, муқл, ушшак, ҳинд тузи, Абу жаҳл тарвузи эти, бурак, сақамуниё хабб ун-нил. Буларнинг барчаси фойдада ва қувватда бир бирларига баробар бўлганликлари учун улардан тенг миқдорда олинади. Елимларни газাগўт сувида эритилади ва қолган дориларни майдалаб, элаб, уларни [елимлар] билан аралаштириб, шиёф қилинади. Майдаланган канакунжут уруғи ва каллақанддан ҳам қўшиш мумкин. Қувватини ошириш ва ўткирлаштириш учун каллақанд билан сигир ўти аралаштирилади. Яна сон оғриғини даволашда уларга моҳизахра, турбит, анзирагўштхўр, занжабил, *артанисо*<sup>14</sup>, оқ қаррак ва савринжонлардан қўшилади.

64b // Қундуз кири ва афюндан [тайёрланган шиёфни] қуланж оғриғини босиш учун ишлатилади.

Шунингдек, яна иссиқ шиёфлар буйрақларни киздириш учун ҳам берилади. Уни хурмо, каллақанд, иссиқ мизожли мева эти ва киздирувчи уруғлардан тайёрланади. Ични қотирувчи шамчалар меъдани ва орқа тешиқни мустаҳкам қилиш ҳамда тўғри ичакда ахлатни тутиб туриш учун ҳам ишлатилади. [Таркиби]: дуб ёнғоғи, анор гули, ақоқиё, юлғун бужури, *дзарра*<sup>15</sup>, гуруч, елим. Ичак шилиниши ва дизентерияда кўрғошин упаси, араб елими, бақам елими, заъфарон, кундур елими, мурр, ликий ширасидан [тайёрланади]. Агар оғрик кучли бўлса, уларга афюн қўшиш

мумкин. Уларни ишлатишда, хусусан, қувват заифлашган вақтда эҳтиёт бўлиш керак. [Фақат] оғриқ кучайгандагина ҳожат талаб қилган миқдорда ёки ундан камроқ истеъмол қилиш керак, ундан ташқари ҳолатларда эса мумкин эмасдир. Уни аъзо ичига шундай жойлаштириш керакки, тананинг юқорисидаги аъзоларга таъсир қилмаслиги керак, лекин шу билан бирга оғриқни тезда тинчлантирсин. Бу эса сезгиларнинг пасайиши ва беморнинг уйқуга чўмишига олиб келади. Бу ҳолат руҳнинг исталмаган ҳолда озод бўлиши билан кечади. [Шу боис], уни ишлатишнинг энг яхши йўли [шамчани] ипга боғлаб, оғриқ камайиши билан тортиб олишдир.

*Фарозижларга* келсак, улар сийдик ҳайдаш, ҳайз қонини юргизиш ва

65a бавосир касалликларида ишлатилади. Ҳайз қонини юргизувчи ва // томирларни кенгайтириб, очувчи дориларга артанисо, оқ харбақ, тоғ ялпизи, фарфиюн, эрон қавраги кабилар қиради. Улардан тенг миқдорда олиб, бир-бири билан аралаштирилади. Чунки улар таъсир қилишда, қувватда ва талаб қилинган манфаатда тенгдирлар. Кўзланган мақсад ҳосил бўлиши учун уларни пиёз суви билан қорилади ва шиёф ясаиб, кўтарилади. Қон кетишини тўхтатиб, юқорида зикр қилинган томирларни беркитувчи дориларга келсак, улар сурма, мози, укроп, ақоқиё, тинкор, бурак, кундур елими, анор гули кабилардир. Бу дорилар ҳам таъсирда бир-бирига яқин бўлганликлари учун уларнинг вазнлари тенг миқдорда олинади. Мизожининг иссиқлиги учун фақат кундурдан камроқ олинади. Буларнинг барчасини араб елими билан аралаштириб, четан уруғи катталигида кичик-кичик шиёфлар ясалади. Шунингдек, фироziжлардан аввал ҳомиладорликка ёрдам берувчи дориларни ишлатиш мумкин. Уларга хушбўй дорилар, елимлар ва бошқа шу каби моддалар қиради. Яна шиёфлар қорин оғриғида ҳам ишлатилади. Уларни Абу жаҳл тарвузи эти, қанбил<sup>16</sup>, ҳабб ун-нил, дармана, эрман, ўрикнинг аччиқ данаги, шафтоли баргининг сувига солинган алой билан кўшиб, тайёрланади.

## ОЛТИНЧИ БОБ ҚУСТИРУВЧИ ДОРИЛАР

Қустирувчи дорилар бир неча турда бўлади. Бир тури сафрони қустиради, яна бир тури балгамни қустиради, яна бир тури савдони қустиради. Сафрони қустирувчи дориларга келсак, улар озуқалардан

656 бўладилар: арпа, эти яхши пишган бодринг // билан тарвуз, сармак<sup>1</sup>, исмалоқ, гулхайри, олабута, лавлаги барги, латиф гиёҳлар қайнатмаси, товуқ ва қўзичоқ оёқлари қайнатмаси, янги балиқ, *дуҳн ал-ҳилл*<sup>2</sup> ва янтоқшакар қўшилган шўрва шулар жумласидандир. Дориларга эса, булар қизил лавлаги, қайнатилган арпа суви, тарвузнинг кесилган ва майдаланган пўстлоғи ва илдизи, яна шунингдек, қуритилган тарвуз эти, арпа уни, бўзаси, рум исмалоғи уруғи ҳамда тарвуз уруғлари қиради.

Балгамни қустирувчи дориларга келсак, озуқалардан уларга *кишклар*<sup>3</sup>, хусусан, бугдой ва укропдан [тайёрланган] кишк, шолғом, сабзи, турп қайнатмалари, қайнатилган шамбала, маҳсар ёғи, *тариҳ* балиғи, муррий каби *кавомих*<sup>4</sup>, нордон ковул тузламаси, хардал ёғи, зайтуни ёғи ва асал қиради.

Дориларга эса, асал ва денгиз пиёзидан тайёрланган, турп ва укроп сувлари қўшилган сиканжубин, [бурак, маҳсар ва турп уруғлари]<sup>5</sup>, ҳинд тузи, горчица, оқ харбак қуввати қиради. Сўнгисини [олиш учун] уни турп ичига солиб, бир кеча қолдирилади, кейин ажратиб, турп суви ишлатилади.

Савдони қустирувчи воситаларга озуқалардан *исфидбожлар*<sup>6</sup> ва *зирбожлар*<sup>7</sup> ҳамда барча майдаланган ва майин таомлар мансуб. Дорилар эса асалли сиканжубин, асал суви, ковул сиркаси, ширин шароб, канкар елими,

66а нефть тузи, сарик турбит ва // буракдир. Буларнинг жинсидан бўлган ҳар бир нарса юқоридаги хилтларнинг бири чегарасидан ўтганда ва тозалашга ҳожат тушганда истеъмол қилинади. Агар хилтлар таркибланган бўлса, ўша жинсдаги [воситалар] ҳам таркиб қилинади. Аввал озуқалар берилади, сўнгра дорилар буюрилади. Уларни эса ҳожатга қараб таркиб қилинади ва озуқалардан сўнг берилади. Агар хилтлар меъда бўйлаб ёйилган бўлса ёки ҳаддан зиёд ғализ ёки ёпишқоқ бўлса, озуқалардан аввал дорилар берилади, қустирувчи кучли дориларга харбак, етмак, *Яман*

*риқоъси*<sup>8</sup>, кустирувчи ёнгок киради. Буларнинг истеъмоли бизнинг замонимизда тарк қилинган. Кимки уларни истеъмол қилишни хоҳласа, аввало танани ва хилтларни, кўкрак ва ичакларни ҳўллаш билан тайёрлаш керак. Буни эса юмшоқ шўрвалар ва ширин ёғлар билан шундай қилинадики, дориларнинг ҳаракати чўзилиб, хилтларни латифлаштириб, тез чиқиб кетишини осонлаштиради. Бу дориларни ҳожатга қараб, қусишга ўрганган ва табиати шуни кўтарадиган кишилар истеъмол қилади. Бу амал учун энг яхши вақт ёз фаслидир.

*Балғамни кустирувчи дори:* укропдан бир дирҳам, канкар елимидан ҳудди шунча, сарик турбитдан ярим дирҳам. *Бошқа хили:* ҳинд тузидан бир

666 дирҳам, // турп уруғидан икки дирҳам олинади.

*Сафрони кустирувчи дори:* арпа сувидан бир ратл, рум исмалоғи сувидан икки уқия, тарвуз илдизининг суви ва бодринг илдизи сувидан бир уқиядан, хамиртуруш тузидан бир дирҳамдан олиб, сиканжубин ва бухтаж ёғи билан ичилади.

*Бошқа хили:* Канкар елимидан бир дирҳам, янтоқшакардан уч дирҳам олиб, аралаштириб, ҳаб қилинади.

*Савдонни кустирувчи дори:* ҳинд тузи, сарик турбит ва бурақлардан бир дирҳамдан, таратизакдан ярим дирҳам олинади.

## ЕТТИНЧИ БОБ ЯЛНАДИГАН ДОРИЛАР

Яланадиган дориларга келасак, улар ҳўл нарсалардан бўлиб, ёпишқоқлиги юпқа пастила кабидир. Уни қошиқ билан оғизга солинади ва ундан эриганини оз-оздан, томоқдан ўтиш муддатини чўзиб, ютилади. [Кейин] ўпкага шимилади. Бу эса ҳўлликни латиф ҳолда оқизиб, чиқаради, хусусан, ётганда ва ухлаганда. Бу дорини ўпка ва кўкракни юмшатиш ҳамда улардаги рутубатларни пишириш ва йўқотиш учун, шунингдек, овоз чиқариш ҳамда нафас олиш аъзоларидаги дағалликларни кетказишда ишлатилади. Булардан ташқари, [дориларнинг] яна совуқ мизожлилари ҳам бўлиб, [улар] курук йўталдаги дағалликни кетказиш ҳамда заиф назлаларни кучайтириш учун ишлатилади. Бунда [дорилар] улар (наزلалар) билан аралашиб, нормал ҳолга келтиради. Таъсирига келсак, совуқ мизожли шилликсимон [моддалар] фойдалидир.

Совуқ шилликлар ва ёғсимон нарсаларга зигир уруғи, беҳи уруғи, гулхайри уруғи, бинафша ва семиз ўт уруғлари, хиёрайн, сутчўп, кўкнор, ёввойи гулхайри уруғлари, ковок уруғи, бодом, пўсти тозаланган кунжут ва уларнинг ёғлари, жийда, сабистон, крахмал, араб елими, катиरो елими, чучукмия шираси, хиёршанбар

67a меваси, янтоқшакар ва шу кабилар киради. // Улардан яна иссиқ мизожлилари ҳам бўлиб, рутубатларни етилтириш, латифлаштириш, уларни парчалаш ва суриб чиқариш учун ҳиссоп, гулсафсар, санавбар уруғи, аччиқ бодом, бурчоқ, сумбулсоч, каклигўт, мурч, узунмурч, чучукмия илдизи, заъфарон, зигир уруғи, сариқ йўнғичка, чигит, денгиз пиёзи, хурмо, анжир, майиз, асал, каллақанд ва шу кабилар ишлатилади. Улардан ҳожатга қараб таркиб қилинади, айниқса, йўтал турларига ва мизожларга қаралади. Яланадиган дорилар шу йўсинда тайёрланади. Уларни таркиб қилиш усул ва қоидалари Ўзгармайди, қачонки содда дорилар хатарни якка ҳолда дафъ эта олмаса.

*Совуқ мизожли яланадиган дори:* курук йўтал, иситма, кўкрак қафаси билан ўпкада аччиқ ва ўткир моддалар йиғилишида ишлатилади. [Таркиби]: ширин бодом мағзидан ўн дирҳам, хиёрайн уруғи, таррак, ковок, семизўт ва сутчўпларнинг ҳар биридан беш дирҳамдан, араб елими, катиро елими ва крахмалларнинг ҳар биридан тўрт дирҳамдан, кўкнор уруғидан уч дирҳам олиб, уларни майдалаб, хинд тарвузи сувида эритилган ва тиндирилган эллик дирҳам таранжубин билан аралаштирилади. Кейин йигирма дирҳам ширин бодом ёғидан қўшилади, кўкнорни эса назлани парчалашга кучли эҳтиёж тушгандагина кўпайтириш мумкин. Ичиш миқдори беш дирҳамдан бир исторгача.

*Тозаловчи яланадиган дори:* санавбар уруғидан қирк дирҳам, тозаланган аччиқ бодом мағзидан қирк беш дирҳам, чучукмиядан йигирма беш дирҳам [олиб], керак миқдордаги асал билан қорилади.

*Балғамни етилтирувчи дори:* ўн дирҳамдан зигир уруғи, бурчоқ ва тозаланган бодом мағзи, санавбар уруғидан беш дирҳам, майдалаб талқон қилинган чучукмия илдизидан етти дирҳам, араб елими ва катиролардан уч дирҳамдан олинади, буларни ҳожатга қараб манна ёки каллақанд билан аралаштириб, яланадиган дори [тайёрланади].

676 // Етилтирилган яланадиган дорилардан мақсад шуки, уларнинг [таркибларидаги] аччиқ бодом ширини билан алмаштирилади ва икки ратл асал, манна, шакар ҳамда майдаланган чучукмия қиёми билан қорилади. Санавбардан озроқ қўшилади, кейин улар араб елими ва катиरो билан аралаштирилади; шу билан тозаловчи яланадиган дорилардан фарк қилади. Бу мисолни бошқа таркиблар учун ҳам эътиборга олиш керак. Яна шуни билиш лозимки, йўтал касалликларида ғализ моддаларни кўкракдан чиқариб ташлаш фақат латифлаштирувчи ва тозаловчи воситалар билан бўлмай, балки йўтални босувчи ёпишқоқ ва юмшатовчи дорилар ҳам қўшилади. Нафас йўли ҳам бундан юмшайди ва ўтказиш хусусияти яхшиланади. [Дори] тайёрланаётганида аҳамиятли битта қисми бошқаларидан [таъсирда] шундай устун бўладикки, агар хилт кўпайса, аммо йўтал айтарли зўр бўлмаса, беморга кучли тозаловчи [қустирувчи] дори берилади. У асал ва асалдан тайёрланган сиканжубин билан аралаштирилган гулсафсар илдизи ва ғорикун бўлиши мумкин. Бирок, йўтал қаттиқ ва давомли бўлиб, хилт (балғам) эса кўп бўлмай, жуда айниган бўлмаса, оз миқдорда зиғир уруғи, *йўнгичқа*, чучукмия шираси, анжир “сути”, олхўри елими ва катиро билан қўшилган узум шинниси ва шу каби тозаловчи воситалар тутган ёпишқоқ дори берилади. Агар [юкоридаги] икки ҳолат бирдек [мавжуд] бўлса, у ҳолда [хар бир ҳолат] дориси ҳам тенг олинади.

### САККИЗИНЧИ БОБ ҚУРС (КУЛЧА) ДОРИЛАР

Кулча дорилар ҳам турли мақсадлар учун таркиб қилинадиган мураккаб дорилардан бўлиб, улар маъжунлар каби узоқ муддат сақланишга мўлжалланмаган, худди мураккаб элаки дорилар каби [тайёрланган] захоти

*68а* истеъмол қилинади. // Улар қувватларининг тезда йўқолиши ва таъсир кучларининг ичига қирувчи ҳаво кайфиятидан бузилиши сабабли у [дори]ларни келажак учун сақлаб бўлмайди.

Кулча дориларнинг совуқ [мизожли]лари ҳам бўлиб; уларни мизожнинг иссиқлигида ва қаттиқ иситмаларда тайёрланади. Бунинг учун семизўт, сутчўп, хиёрайн, қизил гул, нилуфар, бинафша, зирк, сандал, табошир, кофур ва шу кабилар ишлатилади.

Дориларнинг яна иссиқ [мизожли]лари ҳам бўлиб, ичаклардаги тикилмаларда, уларнинг қаттиқлашуви [яъни шишлар]да таркиб қилинади. [Бунинг учун] анисун, арпабодиён, мастаки, сунбул, қорачайир, ғофит, эрман, зарпечак, ровоч илдизи, лакк ва шу қабилар олинади. Кулча дорилардан яна иссиқ ва совуқ дорилардан [тайёрланганлари ҳам] бўлиб, уларни мураккаб иситмаларда истеъмол қилинади. Улардан яна қонни қамовчи, ични боғловчи ва қуруқ яраларни битирувчилари ҳам бордир. Биз кулча дориларнинг ҳар хил турдаги нусхаларидан мисол тариқасида келтирамыз.

Кофур кулчаси – иссиқдан бўлган иситмалар ва ҳароратли *хафақонда*<sup>1</sup> ишлатилади. Табошир, қизил гул, оқ сандал, хиёрайн уруғи, сачратқи, сутчўп, семизўт ва седаналардан тенг олиб аралашманинг бир мисқолига аралаштирилади ва майдалаб ярим тассуждан бир тассужгача кофур қўшилади ва бир *шаъирдан*<sup>2</sup> ярим *қийротгача*<sup>3</sup>, ҳожатга қараб олинган олманинг суви билан [аралашма] қорилиб, юпка кулчалар ясалади ва сояда қуритилади. [Бунда] моғорлашдан сақлаш керак. Ичиш миқдори бир мисқол. Қизил гул, сандал, табоширларни юқоридаги беш хил уруғлар билан баробар миқдорда олинишининг сабабига келсак, у икки турдаги дорининг ҳар бирини

686 кўпайтириш керак, чунки улардан бири фойдани кўпайтиради. // иккинчиси уларнинг қувватини камайтиради. Шу боис, уларнинг вазлари тенглаштирилади. Кофурдан эса, қувватининг кўплиги учун жуда ҳам кам солинади ва унга яна марварид ҳам қўшиб, кулчалар унинг номи билан аталади.

Жигар мизожининг совуқлашишида ва ундаги тикилмаларда ровоч илдизи кулчалари берилади. [Таркиби]: сунбул, мастаки, ғофит шираси, эрман, арпабодиён уруғи, анисунларнинг ҳар биридан икки дирҳамдан, ровоч илдизидан эса ўн дирҳам олиб, бир мисқол [ваззли] кулчалар қилинади ва бир донадан ичилади. Жигар кулчасидаги ровоч илдизи миқдори меъда кулчасидаги гул миқдори қабидир, чунки аввалгиси жигарга, кейингиси меъдани [даволашга] ихтисослашган. Худди талок касаллиги учун бериладиган панжангушт кулчасидаги панжангушт қаби. Уни эътиборга олиб, [таркиб ва тартибига] амал қилиш керак.

*Панжангушт кулчаси*: иситма билан кечадиган қораталоқ касали учун яхшидир. Панжангушт уруғидан ўн дирҳам, юлғун

бужуридан худди шунча, сачратки уруғи, семизўтларнинг ҳар биридан беш дирҳамдан олиб, уч дирҳам вазнли кулчалар ясалади.

*Уд кулча дориси:* совуқдан бўлган қусиш ва ич кетишда берилади. [Таркиби]: кундурдан уч дирҳам, гулдан олти дирҳам, уд, қалампирмунчок, сукк, сунбул, ейиладиган лой, табоширлардан бир дирҳамдан, қабобадан икки дирҳам олиб, бир мисколлик кулчалар ясалади. Юқоридаги касалликнинг иссиқликдан содир бўлганида бериладиган кулча: қизил гул ва табоширдан бир дирҳамдан, татимдан уч дирҳам, тайёрланган зирадан бир дирҳам, сиркада ивителиб, ковурилган кашничдан икки дирҳам, писта пўстлогидан ярим дирҳам, мастакидан уч дирҳам, анор уруғи шаробидан икки дирҳам олиб, ҳаммасидан тўртта кулча дори ясалади.

*Қизил гул кулчаси* меъдани кучайтириш учун буюрилади. [Таркиби]:

69а қизил гулдан ўн дирҳам, чучукмия қиёmidан // икки дирҳам, сунбул *ат- тибдан*<sup>4</sup> бир дирҳам, мастакидан худди шунча олинади.

*Бошқа хили* - балғамдан бўлган иситмалар учун. Сачратқи уруғи, қизил гул ва говзабондан уч [?]<sup>5</sup>, гофитдан бир мискол олиб, чучукмия қиёми билан қорилиб, кулчалар қилинади. Унга яна зарпечак, хиёрайн, анисун, эрман, арпабодиён уруғлари, чучукмия илдизи ва шу қабилардан ҳам қўшилади. Кимки мана шу нусхалар орасидаги [микдорий] ихтилофни ва Қарободинларда кўплигини сезган бўлса, уларнинг орасидаги фарқни кўради. Агар у [дориларнинг] барчасини маълум бир касаллик учун ишлатмоқчи бўлинса, билгилки, у дорилар орасидаги фарқлар касалликнинг ҳолатидаги фарқлар сабаблидир. Касаллик тез кечувчи, суст, ўткир ва сурункали бўлиши ва [шунга қараб] дорилар таркибидаги иссиқ ва совуқ, ғализ ва латиф ташкил қилувчиларнинг микдори ҳар хил, яна улар содда ёки мураккаб, оз ёки кўп бўлиши мумкин. Шунингдек, беморнинг аҳволидаги ихтилофлар, яъни қувват ва заифликдаги, касаллик даврларидаги [бошланиши, пасайиши ва охиридаги] ҳолати, беморлик вақтида содир бўлиши мумкин бўлган тасодифлар ҳам ҳисобга олинади.

Қадимгилар касаллик белгиларининг кўриниши ёки уларнинг йўқлигига қараб беморга ҳар хил мураккаб дориларни ҳар замонда, ҳар куни ва ҳар соатда тайёрлаб беришга мажбур бўлганлар. Бундан беморнинг руҳий ҳолати тинчланган. [Табиб] дори

таркибига бирор нарсани лозим топса, қўшган ёки камайтирган. У ўзи истаганича, хоҳлаганини усул ва қонунларга амал қилган ҳолда таркиб қилган.

696 // Қизил гул қулча дориси жуда яхши дорилардан бўлиб, айниқса меъда касалликлари, хусусан, сурункали ва мураккаб иситмадан [кейин беморнинг] заифлашишида фойдали, зеро, бунда меъда заифлашиб кетган бўлади. У дори эса меъдани жуда кучли қувватлантириб, унинг ҳолатини ислоҳ қилади.

Иситмаларда меъдани қувватлантиришга зарур бўлган гулнинг меъдага ўша ҳолатда кучли мувофиқ келиши, иситмасиз ҳолатларда унга ҳалиланинг тўғри келиши кабир, агар ҳалила ачитқи бўлса. Улар атрифулларнинг асосидир, шу каби қизил гул ҳам қизил гул қулчаларининг асоси бўлиб, улардаги гул миқдори кўпайтирилиб, ичиш миқдорида бир дирхамга етказилади. Қизил гулга энг аввал қўшиб, аралаштириладиган нарсалардан бири - яримдан тўртдан бир нисбатгача миқдорда чучукмия илдизи ва сумбулдир. Ундан сўнг эса дори нусхалари иситма турига қараб фаркланади. Баъзида унга сийдик ҳайдовчи совук мизожли дорилардан, баъзида эса иссиқ мизожли дорилардан ҳожатга қараб қўшилади.

Ични боғловчи қулчаларга келсак, улар сафрони тутиб турувчи ёки балғам сурилишига тўсқинлик қилувчи дорилардан ясалади. Улар озиқлантириш аъзоларининг бўшашганида фойдали ва қонни тўхтатади. Шунингдек, ёпишқоқ яралар ва жароҳатларни тузатади.

Сафроли ич суришини ислоҳ қилувчи дориларга келсак, улар совуқ мизожли ични боғловчи ва ғализ моддаларни суюлтирувчи нарсалардан сандал,

70а // кофур, қуритилган кашнич, кўкнор, сутчўп уруғи, табошир, мингдевона уруғи, қизил гул, ҳисрим<sup>6</sup>, татим<sup>7</sup>, ёввойи шовул уруғи, анор гули, зирк, семизўт уруғи ва шу қабилар.

Балғамли ич суришини ислоҳ қилувчи [қулчаларга] келсак, уларга барча буриштирувчи, иссиқ мизожли, кучли қуритувчи дорилар [қиради]: кундур, сиркада тайёрланган жувона, тўпалоқ ва ровоч ҳамда жамики иссиқ мизожли зираворлар; уларга кучли боғловчи дорилардан: анор гули, дуб ёнғоғи, ақоқиё, қазмозак<sup>8</sup>, тайёрланган темир чирки, жингак, мирта уруғи, майиз уруғи аралаштирилади. Иссиқ мизожли, окизувчи дориларга жувона, зира

ва анисун киради. Булар [кулчаларга] рутубатларни сийдик йўлларига ҳайдаш учун [айникса, уларда тикилмалар бўлса], кўшилади.

Қон кетишини ислоҳ қиладиган нарсаларга келсак, булар: қаҳрабо, маржон, *шодана*<sup>9</sup>, садаф, туянинг куйдирилган шохлари, ақокиё, араб акацияси, *таросис*<sup>10</sup>, араб елими, табошир, арман лойи, лой, анор гули, мингдевона уруғи, лакк, катиरो ва жамики совуқ мизожли боғловчи ва тозаловчи нарсалардир. Шилинган ерларга келсак, тозаловчи дориларнинг барчаси ишлатилади, улар: араб елими, крахмал, лой ва жамики елимловчи уруғлардир, агар улар ёпишқоқлик ҳолигача қовурилган бўлса. Ички яраларнинг ислоҳи учун тозаловчи [воситалар] тузатувчи дорилар билан аралаштириб, ишлатилади. Масалан, кундур, бақам дарахти елими ва шу кабилар.

*Табошир кулчаси* – сафрони иситма билан келганида суриш учун ишлатилади. [Таркиби]: кизил гул ва табоширдан ўн дирҳамдан, кўзиқулок,

706 тозаланган татим, сўмизўт уруғидан беш дирҳамдан, // анор гулидан икки дирҳам, араб елимидан бир ярим дирҳам олиб, икки дирҳам [ваззлиқ] кулчалар ясалади.

*Қаҳрабо кулчаси* – қон кетишида ишлатилади. [Таркиби]: кизил гул, елим ва қаҳраболардан уч дирҳамдан, крахмал, арман лойи, маржон, табошир, чучукмия қиёми ва анор гулидан икки дирҳамдан, араб акацияси елимидан бир ярим дирҳамдан олиб, мирта қиёми билан қориб, кулчалар ясалади ва бир мисколдан ичилади.

*Маржон кулчаси* – қон қусишда ишлатилади. [Таркиби]: араб елими, арман лойидан беш дирҳамдан, маржон, қаҳрабо, шоданалардан бир ярим дирҳам, чучукмия қиёми, крахмал ва бақам дарахти елимидан икки дирҳамдан, мингдевона уруғи ва долчиндан бир дирҳамдан олиб, уч дирҳам [ваззлиқ] кулчалар ясалади. Агар дорининг [таъсир] йўлини узайтириш керак бўлса, унга мингдевона уруғи ва долчин кўшилади. Улардан бири қон туфлашда бўладиган йўтални босиш учун керак бўладиган қувватни дорига беради, иккинчиси эса унинг шимилишини узайтиради.

*Пақ-пақ кулчаси* – буйрак ва қовуқ яраларида фойда қилади: уларни юмшатади, ёпиштиради ва кучли оғриқларни қолдиради ҳамда сийиш пайтидаги ачишишни босади. [Таркиби]: бодринг

уруғи, пақ-пақ доналари, ширин бодом пўсти, чучукмия киёми, крахмал, катиरो, арман лойи, араб елими, бакам дарахти елими, кундур елими – буларнинг ҳар биридан ўн дирҳамдан, петрушка уруғидан икки дирҳам, афюндан бир дирҳам. Буларнинг барчасини аралаштириб, уч дирҳам вазли кулчалар ясалади ва бинафша шароби билан ичилади. Бу нусхада петрушка уруғи ва афюнлар маржон кулчасидаги долчин ва мингдевона уруғлари кабидир ва худди ўшалар каби таъсир килиши учундир.

71a // *Шилинчиларда бериладиган кулча*: қизил гул ва ковурилган шовул уруғидан уч дирҳам, ковурилган [араб] елими, крахмал ва катирулардан бир ярим дирҳамдан олиб, зигир уруғининг шираси билан икки мисқолдан кулча қилиб, беҳи киёми билан<sup>11</sup> [аралаштириб], ичилади.

### ТЎҲҚИЗИНЧИ БОБ ТАЛҚОН ДОРИЛАР ВА ҚАМОЙИҲЛАР<sup>1</sup>

Талқон дориларга келсак, улар таркибига кирувчи содда дориларнинг қувватига қараб эмас, балки вазнига мувофиқ ҳолда таркиб қилинган. [Ташкил этувчилардан] баъзиларининг бошқаларига таъсири натижасида бошқа мизожли дори ҳосил бўлади, шу боис, уларни [тайёрланган] заҳоти, тез истеъмол қилинади. Уларнинг тез бузилишининг сабаби юмшоқлиги ва бўшлигидандир. Талқон қилиб ишлатиладиган дориларнинг кўпчилиги курук ва буриштирувчи дорилардан бўлиб, уларни меъда ва ичакларни рутубатлардан тозалаш учун қап отилади. Ич қотиши ва сийдик тутилишида ҳам фойда қилади. Булардан бошқалари турли дори шакллари ёки кукун дори (*қамҳа*) сифатида ишлатилиши мумкин.

Аммо ични боғловчи, меъда ва ичакларни қуритувчи талқон дорилар ични боғловчи кулчалар кабидир, яъни улар кулча қилиб эмас, талқон шаклида ишлатилган, дейиш мумкин. Буриштирувчи талқонларга келсак, уларга арпа, буғдой, гуруч талқони, кунор дарахтининг меваси, дўлана, жийда, жингак, беҳи, олма, татим, зирк, мирта уруғи, шом жингаги, кўкнор пўстлоғи, анор, нок, дуб ёнғоғи, майиз, семизўт уруғи, араб елими, хурмо ва шакарқамиш кўшилади. Буларнинг ҳаммаси ок ундан тайёрланган нон

716 талқони билан аралаштирилади // ва майдаланган новвот билан чучитилади. Меъданинг рутубатли ҳолати, бузилиши ва ундан пайдо бўлувчи ич кетишда кукун ҳолича ейилади.

*Лой талқони* – [ичакларда] сафровий қолдиқлардан пайдо бўлган шилинишларда фойда қилади. [Таркиби]: испағул уруғидан йигирма дирҳам, баргизуб, семизўт ва райҳон уруғларининг ҳар биридан ўн дирҳамдан, араб елими ва арман лойидан ўттиз дирҳамдан. Уруғлар қовурилади, лой майдаланади, араб елимини эса қайнаб, тошиб кетмаслиги учун қовурилаётган вақтда аралаштирилмайди. Уруғларни лой ва араб елими билан ёпишиши учун хўлланади [Семизўт уруғи кукун қилинади, лекин райҳон ва баргизуб уруғлари майдаланмайди, чунки уларнинг ёпишқоқлиги етарли ва майдаланганда йўқолади. Испағул уруғи майдаланганда бузилмайди]<sup>2</sup>. Буларнинг барчаси аралаштирилиб, уч дирҳамдан эрталаб ва кечқурун истеъмол қилинади. Уни беҳининг суви ёки киёми билан ичилади.

*Мақлиёсо талқони*<sup>1</sup>. Ичак шилиниши, иситма ва ичак оғриқларида [фойдали]: испағул уруғи, канавча уруғи, оқ кўкнор уруғи, шовул уруғи, семизўт уруғи, мирта дончалари, араб елими ва арман лойидан баробар миқдорда олиб, шовул уруғидан бошқа барча уруғлар қовурилади. Чунки шовул уруғи шиллиқли уруғлардан эмас. Уни шираси ёпишқоқ ҳолга келгунча қовурилади, лекин ундаги хўллик қуриб қолмаслиги керак. Испағулдан ташқари бошқа дорилар майдаланади, чунки [испағул] ҳоринда оғриқ пайдо қилиши мумкин. Шунингдек, канавча уруғи ҳам майдаланмайди, чунки ундан қутилган мақсад маълум. Ғализ шиллиқлар [қуригач], кукун дори қилиниб, агар беморда йўтал бўлса, беҳи мураббоси ёки мирта мураббоси билан берилади.

*Уруғлардан тайёрланадиган талқон дори* – сийдикнинг ачиштириб келишида [берилади]. Пўсти ажратилган тарвуз уруғидан ўттиз дирҳам, пўсти ажратилган бодринг уруғи, ковоқ уруғи, семизўт ва кўкнор уруғларининг

72a ҳар биридан ўн дирҳамдан, крахмал, // катиरो, чучукмия киёмининг ҳар биридан уч дирҳамдан, мингдевона уруғидан икки дирҳам, ҳаммасининг вазнича шакар. Буларнинг барчаси кукун қилиниб, эрталаб ва кечқурун уч дирҳамдан бинафша шароби ёки гулоб билан истеъмол қилинади.

*Қовуқни мустақкамловчи талқон дори.* Бу дори сийдикни тутолмасликда [қаттиқ ташналик бўлмаганда] фойда қилади. Дуб ёнғоғидан эллик дирхам, кундурдан ўттиз дирхам, қуритилган кашнич, арман лойи ва араб елимининг ҳар биридан ўн дирхамдан олиб, уларни уч дирхамдан эрталаб ва кечқурун ичилади. Худди шу касаллик учун бошқа хили: зира, кундур, мирта доначалари ва дуб ёнғоғидан бир хил вазнда олиб, уч дирхамдан ичилади.

*Савринжон талқони:* савринжондан бир дирхам, бинафшадан икки дирхам, бузидон, моҳизаҳра антокийнинг ҳар биридан бир ярим донақдан, анисундан бир донақ, қизил гулдан бир донақ олиб, буларга ҳаммасининг оғирлигига икки баробар миқдорда шакар қўшилади [ва Аллоҳ таолонинг изни билан ичилади]<sup>4</sup>.

## ЎНИНЧИ БОБ

### БОҒЛАМАЛАР, СУРТМАЛАР ВА КОМПРЕССЛАР

Боғламаларга келсак, улар мураккаб дорилардан бўлиб, асоси маъжунларники кабидир. Улар ташқи аъзоларга қўйилади ва уларга қаттиқ қилиб боғланади. Суртмалар эса тузилиши жиҳатидан боғламаларга нисбатан майинроқ бўлиб, улар аъзоларга суртилганда, сингиб, уларнинг сатҳига ёйиладилар. Уларни [аъзога] ёпиштириш ёки боғлаш шарт эмас. Суртма дорилар хусусиятларига кўра латифроқ, тез сингувчан ва ёйилувчандир. Боғламалар эса ғализроқ бўлиб, аъзо устида узоқроқ туради, иссиқликни ҳам узоқроқ ушлайди. Шунинг учун ҳам уларни эритиш ва етилтириш учун ишлатилади.

Компрессларга келсак, улар ҳўл ёки қуруқ бўлиб, ҳўллари иссиқ сув билан тўлдирилган қовуқ ёки иссиқ сув шимдирилган мато шаклида бўлади. Улар аъзо устига қиздириш ва ҳўллаш учун қўйилади. Юқоридаги сувларга эритувчи ва бўшаштирувчи дорилардан қўшиб, қайнатиш мумкин. Булар: тугмачагул, қашқарбеда, бобуна, бинафша, самсақ ва шу кабилар. Шунингдек, яна мазкур дориларнинг ёлғиз ўзини қайнатиб ҳам компресс қилиш мумкин.

726 Қуруқ компресслар қиздирилган туз, // кум, тарик, кул, кепак ва шу каби нарсалар бўлиб, аъзоларни қиздириш ва қуритиш учун қўйилади. Мана шу хилдаги компрессларнинг барчаси оғриқларни қолдириш учун ишлатилади. Қуруқ компресслар яна

елдан бўлган оғриқларда ва совук моддаларда фойдали. Хўл компресслар эса санчиқли кучли оғриқлар ва иссиқ моддалар учун яхшидир. Шунингдек, улар тери тешиқларини очади, оғриқ бераётган хилтни таркатади ва моддаларнинг ўткирлашувини босади; аъзоларни юмшатади ҳамда уларни моддаларнинг тарқалишига ва юқорига чиқмаслигига мослайди. Шу тарзда [аъзолар] шикастланишдан сакланади.

[Хўл компресслар] иссиқ ва хушбўй дорилардан долчин, ёввойи нордин, ушна, қалампирмунчок, хитой долчини, кичик қоқила, заъфарон ва шу кабилардан тайёрланади. Куруқ компресслар тайёрлаш учун [дорилар] майдаланади, қиздириб, ип матодан тикилган халтага солиб, аъзоларга қўйилади. Бу дори кўпинча бачадон ва меъдани даволашда, ич дам бўлиши, совук мизожнинг бузилишида ишлатилади.

Боғлама ва суртмаларга келсак, улар барча турдаги дорилардан тайёрланиб, ташқи ва ички касалликларнинг ҳаммаси ёки қарийб барчасида ишлатилади. Смолалар ва ёғли аралашмалар бундан мустасно. Улар яраларда ишлатилади ва малҳамлар деб аталади.

Иссиқдан бўлган шишларда қўлланадиган суртмаларга келсак, улар: [ок ва кизил] сандаллар, *фуфал*<sup>1</sup>, *момисо*<sup>2</sup>, кизил гул, сирка билан аралаштирилган

73а кофур, кизил гул суви, кашнич суви, сутчўплардир. // Агар жигар учун ишлатиш керак бўлса, итузум, сачратки ва беҳининг сувлари олинади, агар талок учун бўлса, сирка, юлгун бужури, қурбақаўт ишлатилади, агар кўкрак учун бўлса, бинафша, гулхайри, арпа уни ва баъзи юмшоқ боғловчи нарсалар олинади. Агар қовуқ учун бўлса, смола ва ёғли аралашма ишлатилади. Асаб аъзолари совутилмайди ва улар учун тайёрланган суртмалардан юмшатувчи моддалар чиқарилмайди. Шариф аъзоларнинг суртмалари боғловчи ва хушбўй дориларсиз бўлмайди. Шунингдек, яна ҳар бир аъзо учун ўзига хос бўлган суртма тайёрланади. Масалан, савринжон бўғин суртмаларига, унлар ва кашнич – юмшоқ шишлар, ликий шираси кўз оғриқлари суртмасига, ақоқиё, ясиқ ва кашничлар эса қондан бўлган шишлар ва қўтирнинг, баргизуб эса сафродан бўлган шишларнинг суртмаларига солинади.

Совуқдан бўлган шишларда қўлланадиган суртмаларга келсак, улар: кашқарбеда, бобуна, тоғ райҳони, бўйимодарон, гулхайри,

укроплардир. Агар у [шишлар] жигарда бўлса, уларга сунбул, равоч илдизи, заъфарон, мурр ва шу кабилар қўшилади. Агар [шиш] талокда бўлса, уларга газাগўт, бурак, каврак елими, ялпиз, ковул илдизларидан қўшилади<sup>3</sup>. Меъда учун эса уларга мастаки, цейлон долчини, эрман, қора чайирлардан қўшилади. Мояк ва аёллар кўкраги учун юкоридаги дориларга зира, эзилган майиз, сарик 736 йўнғичка // ва зиғир уруғларидан қўшилади.

Орка тешикдаги [шишларда] суртмаларга мукл, туя ўркачи, иликлар, хайвон ва ўсимлик ёғларидан қўшилади.

Асаб аъзоларидаги шишлар ёки бўйинда бўладиган ханозир<sup>4</sup> каби шишларда ишлатиладиган суртмалар учун юкорида айтилган дориларга гулсафсар илдизи ва смола қўшилади. Яна шишларнинг барча турлари учун суртиладиган умумий дорилар ҳам бўлиб, улардан туз, кул, бурак, сирка ва тўпалок кабилар, бўш шишлар учун; арча бужури ва сарв эса еллик шишлар учун; қалай ва қўрғошин упаси, ювилган тўтиё, совуқ мизожли кўкатлар суви ва ширалари саратон шишларида ишлатилади. Аммо яраларни пишириш учун эса елимловчи, мулойим нарсалардан ишлатилади. Улар зиғир уруғи, сарик йўнғичка, анжир, хамиртуруш ва шу кабилардир. Ични боғловчи суртмалар ич кетишида ишлатилади. Улар: мирта барги, анор пўстлоғи, анор гули, араб акациясининг елими, мурр, ромик<sup>5</sup>, кундур елими, тўпалок, беҳининг суви билан аралаштирилган қотган нон, мози, ток баргининг суви кабилардир. Мазкур боғламани иситма кўтарилган вақтда ишлатиб бўлмайди, чунки у тери тешикларини беркитиб қўяди ва ҳарорат ушланиб, иситмани янада кўтариб юборади.

Қоринни бўшатувчи ва қуртларни ўлдирувчиларга келсак, улар нил ўсимлигининг уруғи, ҳаб ул-мулук<sup>6</sup>, бурак, седана, турбит, миср боқиласи, Абу жаҳл тарвузининг эти, мозариюн, дармана, сақамуниё ва алой каби

74a дорилардир. Агар боғламани шафтоли баргининг суви, эрман исирик, // сигирнинг ўти каби дорилар билан тайёрланса, бу дори ёш болаларга яхшироқ таъсир қилади, уларнинг териларини юшматади ва дориларнинг қуввати уларнинг ичакларига сингийди. Уларнинг терилари куймаслиги ва яра бўлмаслиги учун дорини қоғозга юпка қилиб суртиб, қоринга қўйилади.

Истиско ва фил касаллигида ишлатиладиган қуритувчи боғламаларга келсак, улар: қўй тезағи, мол тезағи, тўпалок, бурак, арпа уни, юлгун кули ва сирка билан аралаштирилган садаф кулидир.

Синган, чиққан ёки эт урилган жойларга қўйиладиган боғламалар *мугос*<sup>7</sup>, сарв, мирта, майдаланган мош ва ясмик, арман лойи, араб акациясининг шираси, икки хил (оқ ва кизил) сандал, фуфал, момисо, *буш*<sup>8</sup> ва гулхайрилардан тайёрланади. Булар иссиқ ва совукдан бўлган бош оғриғида ишлатиладиган суртмалар ҳамда иссиқ ва совукдан бўлган шишларда ишлатилувчи дорилар билан суртилади. Иссиқдан бўлган [касалликларда] эса, уларга яна ухлатувчи дорилардан кўкнорнинг барги, сутчўп, мингдевона, афюн кабилар қўшилади. Агар оғриқ жуда кучли бўлса ёки совукдан пайдо бўлган бўлса, ҳожатга қараб уларга қундуз кири, мушк, алой ва фарфиюнлардан қўшилади.

Тери касалликлари ва зийнатга тегишли суртмаларга келсак, уларга тозаловчи дорилардан бурак, кичи, етмак, фарфиюн, “денгиз кўпиги”, анжир дарахтининг куйдирилган пўстлоғи, седана, *тафсие*<sup>9</sup>, бака жўхориси, сирка, зарних, нефть ва шу кабилардан қўшилади.

Қичима, кўтир ва бош яраларида ишлатиладиган суртмалар эса, 746 тозаловчи ва совук ҳамда буриштирувчи ва ҳўл дорилар, юмшоқ, // битирувчи тортувчи, оғриқни қолдирувчи, терини юмшатувчи ва хилтларни ҳўлловчи дорилардир. Шунинг учун бундай мураккаб дорилар кўп. Улар мақсадга қараб фарқланадилар, уларга бўлган ҳожатнинг фарқланиши уларнинг тури ва табиатига боғлиқ. Уларни яна тартиб бўйича ва сон жиҳатдан билиб бўлмайди. Ҳамма нарса бирор нарсага ўрнида ишлатилсагина тўғри келади.

*Қувват*<sup>10</sup> суртмаси: алой, мирра, ликий ширасидан бир дирҳамдан, заъфарондан икки донақ олинади.

*Бурун қонашида [ишлатиладиган] суртма*: пўсти ажратилган ясмик, гулхайри, сандал, момисо шийёфи, пишитилган лой, камфора. Буларни мирта суви билан пешонага суртма қилинади.

*Сакта (апоплексия) учун суртма*: хардал ва қундуз қирини майдалаб, сиркага аралаштириб, суртилади.

*[Бўйин учун суртма]*<sup>11</sup>: мастаки, кундур пўстлоғи, сарв ёнғоғи ва барги, мурр, арча бужури, анзирати гўштхўр елимидан баробар микдорда олинади, елимни сиркада эритилади ва юқоридагилар билан аралаштирилади.

*Уйқуни келтирувчи суртма*: сутчўп уруғи, мингдевона уруғи, афюн, меҳриғиё меваларидан олиб, қайнатилган кўкнор билан пешонага суртма қилинади. [Бу Аллоҳ таоло изни билан фойда қилади]<sup>12</sup>.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ ЁҒЛАР

Ёғлар ҳам бошқа таркиблар сингарни баъзи дориларни бошқаларига қўшиш билан ясалади. [Бундан мақсад эса] уларнинг қувват ва сифатларини ошириш ёки уларни қўшиб, керакли мизожни пайдо қилишдир. Ёғлар дориларнинг қувватлари билан сув ва олов воситасида бирикадилар. Дориларни сувга солиб, уларнинг қувватлари сувга ўтгунича қайнатилади. Сўнг ўша қайнатма билан аралаштирилади ва сув бутунлай буғланиб, унинг қуввати ёғга ўтгунича қайнатилади ёки агар дорилар янги ва майин бўлса, уларни ёғга солинади ва офтобга қўйилади. Бунда уларнинг таркибидаги

75a намлик қувватни ёғга ўтказувчи восита бўлиб, // буғланиб кетгунича [офтобда] ушланади. Ёғларни яна уларга дорилар қувватини ҳаво воситасида ўтказиш билан ҳам таркиб қилинади. Бунинг учун ҳўл, хушбўй дорилар ёғли мағизлар билан аралаштирилиб, теридан ясалган халтачаларга солинади. Халтачанинг оғзини боғлаб, [ичидаги] қуригунича қолдирилади, кейин бу тадбир дориларни янгилаб, қайтарилади ва дорининг қуввати ва хиди [ёғга] тўла ўтгунича такрорланади. Керак бўлганда мағизни сиқиб, ёғи ажратиб олинади. Бу усул аввал айтиб ўтилган икки усулга қиёсланганда, анча заифдир. Бундай услуб ҳўл ва совук<sup>1</sup> мизожли ёғларни олиш учун тўғри келади. Улар: тозаланган кунжутдан олинган ёғ, пўсти ажратилган ширин бодом мағизининг ёғи, тозаланган ковоқ уруғининг ёғи ва шу кабилардир.

Хўл совук бўлган хушбўй нарсаларга келсак, бинафша, нилуфар ва шу кабиларни олов ва қуёшнинг ҳароратидан ҳамда улардаги ҳўлликни чиқиб кетишидан сақлаш керак. Яна тезда ачиб, бузилишидан ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Мағизлар ҳам айнийди. Бироқ, бунинг учун ёғларнинг айнишига кетадиган вақтдан кўпроқ муддат керак, айниқса – ҳўл ёғларнинг.

Яна ёғлар дори жисмлари билан ҳам таркиб қилинади. Дориларни ёғлар билан таркиб қилишдан мақсад дориларнинг сифатларини сақлаб қолиш ва қувватларини латиф ташувчига (ёғларга) ўтказишдир. Улар (ёғлар) эса яхши эритувчи бўлиб, тери тешиқларига шимилиб, тери, асаб ва мия мизожига мосланадилар.

Бу жараён узок муддат давом этгани боис, аъзоларга ҳам узок вақт таъсир қилади, бу эса яхшидир.

Ёғларнинг қувватларини ошириш ва фойдаларини бирлаштириш учун мураккаб ёғлар аралаштирилади. Улар бир хил жинсли мураккаб ёғлар бўлиши керак, яъни таркиб қилинган бинафша, нилуфар, тол, пўсти ажратилган

75б ширин бодом ва кунжут, ок кўкнор, // семизўт уруғи, сутчўп уруғи, хиёрайн уруғлари, қовоқ уруғи ёғларини мизожни совутиш ва хўллаш учун ишлатилади. Наргис, гулсафсар, ясмин ёғлари, канавчанинг хушбўй хили, сариқ шаббўй, темиртикан, бальзам ёғлари, аччиқ бодом, канақунжут, махсар, хардал, наша уруғи, туршак ва сақич дарахтининг уруғи, ёнғок, дармана ёғи, эрман, дафна, газাগўт, бўйимодарон ва бобуналарни қиздириш, эритиш, латифлаштириш, қуритиш учун ишлатилади. Қизил гул ёғи, беҳи, хина<sup>2</sup>, миртадан [тайёрланган ёғни] эса қувватни ошириш учун ишлатилади. Шулардан таркиб қилинган [ёғлар] иссиқ ва совуқ ёғлардан ясалганларга ўхшаш ёки булар билан қувватни оширувчи дориларни қўшиб, таркиб қилинганлар кабидир.

Етти хил мағиздан тайёрланган ёғ бодом, писта, кунжут, санавбар, ёнғок, қовоқ уруғи, пўсти ажратилган фундук [ёғлари аралашмаси бўлиб,] савдодан бўлган бош ва қулоқ оғриқлари, мохов ва меланхолияларда ишлатилади. Дориларнинг қувватини қайнатиш орқали [ўтказиб], таркиб қилинадиган ёғларга келсак, бунда совуқдан бўлган касалликларда фойда қилувчи иссиқ мизожли дориларни қайнатилади. Уларга қуст, рум сумбули, малобатр, қора андиз, игир, қора чайир, арча бужури, ушна, цейлон долчини, туёқўт, занжабил, назлаўти, канавчанинг хушбўй хили, тўпалоқ, қалампирмунчок, мускат ёнғоғи, майъа елими, заъфарон ва шу кабилар қиради. Ёғларнинг қувватларини тадбирни тақрорлаган ҳолда ошириш мумкин.

Терлашнинг олдини олувчи буриштирувчи дорилар билан қайнатишга келсак, улар мирта, қизил гул, беҳи, анор гули ва шу кабилардир.

76а [Ёғлар билан қайнатиладиган,] // сочи мустаҳкамлайдиган иссиқ ва совуқ мизожли дориларга эса мирта барги, омила, лола, сунбулсоч, сунбул, тўпалоқ, лавлаги уруғи, мози, Кобул ҳалиласи, газাগўт барги ва шу кабилар қиради. Қуёшда қиздириш билан таркиб қилинадиган дориларга келсак, уларнинг совуқ

мизожлилари: бинафша ёғи, нилуфар, тол, кизил гул, мирта, меҳригиё меваси, совук мизожли кўкатлар ва хушбўй гиёҳлардир. Иссиқ мизожли дорилар эса наргис ёғи, гулсафсар, ясмин, райхон, тоғ райхони, тошчўп, сарик шаббўй, наъматак, бобуна, дармана ва заъфарондир. Қаттиқ дорилар билан таркиб қилинадиган ёғлар учун кундуз кири, фарфиюн, заъфарон, мурр, занжабил, назлаўти, узун мурч ишлатилади. Улар иссиқ мизожли ёғларга солиб кўйилади ва фалаж, [мушакларнинг] заифлашиши, кўз хиралашиши, совукдан бўлган касалликлар учун ишлатилади. Шунингдек, яна анбар, мушк, заъфарон, хинд уди, долчин, мастаки, қалампирмунчоқ, табиий хушбўй нарсалардан олиб, тоза ёгда эритилади ва асосий аъзолар – бачадон ва таносил аъзоларнинг совукдан бўлган касалликларида суртилади.

*Қуст ёғи* фалажга<sup>3</sup> фойда қилади. [Таркиби]: кустдан бир уқия, узун мурч, назлаўти, фарфиюннинг ҳар биридан учдан бир уқиядан, кундуз қиридан ярим уқия олиб, буларнинг ҳаммасини ярим ратл шаббўй ёки наргис ёғида ивитиб, заифлашган аъзога суртилади.

*Мажмуа* деб номланувчи ёғ жамики совукдан бўлган касалликларда ишлатилади ва мўътадиллик билан таъсир қилиб, аъзоларда қуруқлик пайдо

766 қилмайди. [Таркиби]: шаббўй ёғи, ясмин ёғи, // сақич дарахтининг ёғи, гулсафсар ёғи, канақунжут ёғи, ўрик [данаги] ёғи; дафна дарахтининг ёғи, буларнинг барчасидан баробар миқдорда олиб, уларнинг устига озгина кундуз қири ва бир оз мушклардан майдалаб солиб, биров қайнатиб, ишлатилади.

Хўл совук мизожли ёғ – иссиқдан бўлган бош оғриғи, *сарсом*<sup>4</sup> ва мизожнинг қуриб кетишида ишлатилади. [Таркиби]: қовок уруғи, сутчўп уруғи, бод ринг ва таррак уруғининг мағизи, ширин бодом мағизи, оқ кўкнор уруғи, пўсти ажратилган кунжут, буларнинг ҳар биридан тенг миқдорда олиб, ёғини чиқарилади ва бурунга томизиш ва суртиш учун ишлатилади. Унинг ярим дирҳамини бурунга томизиш жуда фойдалидир [яхши билгувчи Аллоҳ таоло изни билан]<sup>5</sup>.

## ЎН ИККИНЧИ БОБ КЎЗ ДОРИЛАРИ

Кўз дориларига келсак, улар кўзга қўйиладиган кукун суртмалар ва шиёфлардан иборат. Уларнинг ичида совутадиған, сепиладиган ҳамда томизиладиган дорилар, боғлама ва суртмалар ҳам бор. Улардан боғланадиган ва суртма қилинадиган дорилар кўз шиша бошлаганида ва унга ғализ моддалар қўйилганда ишлатилади. Булар сутчўп, ковок гули, кўкнор, бинафша, қизил гул ёки ликий шираси, сандал, араб елими, момисо, арака пальмаси данаги, арман лойи, афюн ва шу кабилар бўлиб, оғриқ кучайган вақтда ишлатилади. У ерни тозалаб, моддани [кўздан] узоқлаштириш ва оғриқни камайтириш учун ўша дорининг таркибига заъфарон ва алойдан ҳам қўшилади. Шунингдек, моддаларни енгил ҳайдаш учун қуритилган кашнич, кашқарбеда, зиғир уруғи, қотган нонлардан қўшилади. Ғализ моддаларни

77а кучли тарқатиш зарур бўлганда қайтарувчи дорилар оғриқни босмайди, // бу ҳолда дориларни шароб билан қўшиб, буг устидан қўйилади. Буг эса қайнатилган тоғ райҳони, қора анжир кабиларники бўлиб, айниқса, ҳаво совуқлашган ва инсон териси зичлашган вақтда ишлатилади. Шунингдек, булут, иссиқ сув, тухумнинг оқи, қизил гул суви кабилар билан касаллик бошланган вақтда компресс қилинади. Зарба тегишида эса тухум сариги, кашнич суви, қизил гул ёғи кабилар боғланади.

Кўздаги томирларнинг шишида ва бақакўзликда хандон писта пўсти, анор эти, ясмиқ, ликий шираси ва сачратқи [ишлатилади].

Томизиладиган дориларга келсак, улар кўз дорилари ичида энг мулојимларидан бўлиб, уларни кўз шишлари энди бошланган вақтда ва кўз яллиғланишида ишлатиш мақсадга мувофиқдир. [Уларни ишлатиш] оғир мил асбобларини ишлатишга ўхшамайди. Томчиларнинг енгиллиги туфайли улар кўз касалликларининг бошланишида қўлланади. Кўз яллиғланишининг бошланишида ишлатилувчи энг мулојим ва фойдали томизилувчи дори юмшок тухумнинг оқи бўлиб, у кўз мизожини мўътадиллаштириш, кўзни ювиш ва ундаги оғриқларни қолдириш учун ишлатилади. Ундан кейин зиғир уруғининг шираси, аёл сути билан аралаштирилган беҳи уруғининг шираси, сўнг тарқатишда улардан ҳам кучлироқ бўлган нарса – пўстидан тозаланган арпа ва пўсти артилмаган

ширин беҳи, майдаланган *жашиமிழаж*<sup>1</sup> ва озгина анзарут солиб қайнатилган сувдир. Ундан кейин таркибида мулойим кўз дорилари эритилган томчи дорилар туради.

Кўздаги тошмаларни етилтиришда ишлатилувчи томизиладиган дориларга келсак, улар: канавча уруғининг шираси, зигир уруғи ва сутда ивитилган сариқ йўнғичқадир. Булар ишлатилиши энгил бўлган бошқа томизиладиган дорилардан кейин туради ва кўзда оғриқ бўлмаганда ишлатилади.

776 Сепиладиган дориларга келсак, улар // қуритувчи бўлгани учун бурчакларининг яллиғланишида ишлатилади. Оқ анзиратгўштхўрни аёл сути билан сояда аралаштириб, ундан озгина олинадиди ва озгина крахмал, анзиратгўштхўр, “денгиз кўпиги” ва шакар қўшилади ёки анзиратгўштхўр, момисо шиёфи, ликий шираси, заъфарон, алой, мурр, “денгиз кўпиги” аралаштирилиб, тозалашга эҳтиёж бўлса, озми-кўпми иситилади. Лекин [дори] қандай тайёрланмасин, унинг асоси анзиратгўштхўр бўлади. У қўшиладиган дориларнинг ҳар бирининг нисбати уларнинг қуввати ва фойдасига қараб, ўндан бир ёки бешдан бир, ёки учдан бир миқдорда қўшилади. Яна унинг таркибига ҳарорат кучайган вақтида афюн ва кофурдан қўшиш мумкин. Мурр, алой ва заъфаронларнинг эса миқдори камайтиради.

Кўз кичимаси, ковоқларнинг оғирлашиши ва қалинлашишида эса сўнги дориларни кучайтиради. Кўзни тозалаш учун эшак сути билан мураббо қилинган анзиратгўштхўрдан олинадиди. Кончўпни эса кўзни тозалаш билан бирга, ундаги қичималарни йўқотувчи махсус дорилардан бўлганлиги учун қўшилади, муррни эса тозаловчи қувватининг кўпиги учун ва ғализ хилтларни тарқатиш мақсадида қўшилади, у ўзидаги бириктириш ва ёпиштириш хусусияти туфайли кўз яра ва жароҳатларида ҳам фойдали. Заъфарондан эса юмшоқлиги ва эритиш хусусияти борлиги учун қўшилади, момисо шиёфи эса кўзни қувватлантириш ва сақлаш (қайтариш) хусусияти учун ишлатилади. Қуёшда қуритилган тухумнинг саригидан эса латиflik билан эритиш ва бириктириш хусусиятига эга бўлгани учун, кўз кичимасида суртма қилинадиди. Унинг таъсири *қуруттийнинг* таъсири кабудир. Шунингдек, [кўз] қичималарида ишлатиладиган суртмаларни табиати ва таъсири ўзаро зид бўлган дорилардан ҳам [даволаш мақсадида келиб чиқиб] таркиб қилинадиди, худди кўз

қичимасидаги каби. Фойдаси кўп ва кучли тозаловчи бўлгани учун анзиратгўштхўрдан кўпроқ қўшилади. Бу дорининг таъсирини кучайтириш учун мурр ва момиронларнинг ҳар биридан [анзиратгўштхўр вазнининг] саккиздан бирича қўшилади, чунки уларнинг таъсири

78a анзиратгўштхўрниқидан // кучли бўлгани ва уларнинг мураккаб дори таркибида мавжудлиги боис. Яна кончўп ва заъфаронлардан анзиратгўштхўрнинг ўндан бирича<sup>3</sup> олинади. Чунки заъфароннинг фойдаси кам, кончўпдан эса умумий мақсад йўқ. Улар аъзоларни ислоҳ қилувчига ўхшайди, холос. Тухум саригининг мўътадил миқдорда олинishi эса ундаги фойданинг камлиги ва қувватининг заифлиги сабаблидир. Шу боис ундан анзиратгўштхўр вазнининг ярмича олинади.

Ўткир талқон дориларни кўздаги окликни кетказиш ва уни равшанлаштириш учун ишлатилади. Улар: сузмор тезаги, бурақ, “денгиз кўпиғи”, садаф кули, марварид, дармана, олтин ва кумуш тўполлари, шодана, бургут қанотининг кули. Буларнинг барчасини игир суви, кончўп, қушларнинг қуритилган ўтқоплари билан аралаштирилади. Сўнг қуритиб, кукун қилинади. Кўз дориларининг барчаси кучлилиги ва заррачаларининг майдалиги билан хосдир. Бунга эса уларни чанг каби майдалаш билан эришилади. Бу эса кўзнинг ўта сезувчанлиги сабабли қилинади. Кукуннинг майинлиги сурманикига яқин бўлади. Яна уни шиёфлар каби қаттиқлиги учун иккинчи маротаба майдаланмайди.

Кўзга қўйиладиган марҳамларга келсак, улар сурмалар каби ишлатилади, фақат анор марҳами бундан мустасно. У томчи дори шаклида, асосан, кўздаги оғриқни босиш учун ишлатилади. Шунингдек, яна ўткир дорилардан қайтариш учун ҳам ишлатилади. Улар, масалан, бинафша гули, қуйдирилган кашнич, крахмал, араб ва катиरो елимлари бўлиб, барчасини сирка билан қориб, яна олтин тўполи, анзиратгўштхўрнинг қуюлтирилган шираси, қуйдирилган қалай, “денгиз кўпиғи” ва афюн қўшилади. У анор марҳами, заъфарон марҳами каби [таъсир қилади]. Агар қовокларнинг яллиғланиши, катаракта ва шу каби касалликларда ишлатиладиган кўзни соғайтирувчи, уни равшанлаштирувчи ўткир дорилар бўлса,  
78 б // уларга кофур билан афюн қўшилмайди, чунки улар иссиқ мизожли сурмалардан фарқли, совуқ мизожли дорилардир.

*Сурмалар.* Уларнинг кўпчилиги кўзни қувватлантириш, равшанлаштириш ва жилолантириш учун ишлатилади. Кўзнинг ўзи аслида ҳўл мизожли аъзолардан бўлиб, унинг заифлашиши кўпчинча ўша ҳўликдан келиб чиқади. Шунинг учун кўзни равшанлаштирувчи ва сиххатини сақловчи дорилар курук мизожли сурмалар бўлиши керак.

*Шиефларга* келсак, улар кўз касалликларида кўзни равшанлаштириш ва уни қувватлантириш учун ишлатилади. Улар турлича таркиб қилиниб, ҳар хил мақсадлар учун ишлатилади. Уларни суртмалар ва боғламалар каби ишлатилади. Гарчи кўз ўта сезувчан аъзо бўлиб, ўткир дориларни кўтара олмаса-да, лекин асабдан бўлган шабкўрликда, гализ моддаларни латифлаштириш, хусусан, мустаҳкам ўрнашиб олган чиқиндиларни бўшатишда кучсиз дорилар таъсир қилмайди. Дориларни кўзга бошқа аъзоларга қўйгандек ишлатиб бўлмайди. Боғлама ва суртмалар нисбатан мувофиқ келгани учун қўлланилади. Шунингдек, уларнинг таъсири давомли бўлгани ҳам рол ўйнайди. Сурмалар ва шиефларни кучли қилиб тайёрлаш ва узок вақт ишлатиш мумкин. Шунда икки мақсадга эришилади, яъни кўз пардаси қаттиқлашувига ва кўзнинг маъданий дориларга сезувчанлигига. [Кўзга] ишлатилувчи дориларнинг кўпчилигини шулардан тайёрлаш керак, чунки [бу дориларни] сақлаш масаласи бор. Сурмалар ичида кўзни

79 а равшанлаштирувчи кучли дориларга тўтиё ва ёмғир суви билан ювилган // ва арпабодийён сувида ивитилган *исмид*<sup>4</sup>, самсақ суви, олтин тўполи, марказит, марварид, маржон, шодана, *русухтаж*<sup>5</sup>, ювиб ивитилган денгиз қискичбақаси, ҳинд малобатри, заъфарон, занжабил, мурч, узун мурч, кончўп, оқ мурч, “днгиз кўпиги”, ликий шираси, момисо, кофур, сарик ҳалила, темиртикан, андароний тузи, сунбул, ушна, алой ва унинг илдизи ҳамда шу кабилардир. Киприklarнинг ўсишига фойда қилувчи дориларга келсак, улар куйдирилган хурмо данаги, кундур тутуни, ҳинд сунбули, бальзам дарахтининг уруғи, ложувард тоши, куйдирилган дармана, куйдирилган кончўп, ақоқийё, қуритилган сиёҳ, пиёзнинг сиқиб олинган суви ва гандано кабилардир.

Кўздан ёш оқишини тўхтатувчи дорилар: тўтиё, сарик ҳалила қириндиси, алой, мурч, узун мурч, занжабил, ҳинд тузи, “денгиз кўпиги” кончўп, заъфарон, сурма, марказит, назлаўти, куйдирилган садаф, нушодир ва узум ғўрасининг суви кабилардир.

Юмшоқ шиёфлар кўрғошин упаси, араб елими, катиरो елими, олтин тўполи, анзиратгўштхўр қиёми, крахмал, “денгиз кўпиги”, сузмор тезаги, момисо, заъфарон, қизил гул, кофур ва афюндан тайёрланади. Кучли шиёфлар эса зок, мурч, зангор, *дахнаж*<sup>6</sup>, шодана, *зарних*, нушодир, “денгиз кўпиги”, бурак, қаврак елими, *шанжарф*<sup>6</sup>, эрон қавраги, фарфиюн, Абу жаҳл

79 б тарвузининг эти, узун мурч, // занжабил, малобатр, [олтин] тўполи, ҳинд тузи, куйдирилган дармана, сузмор тезаги, қалдирғоч тезаги, олдиндан тайёрланган тухум пўчоғи ва аччиқ нарсалардир. Ўткир дорилардан юмшоқ [таъсирли] дориларни ажратиш керак эмас. Масалан, крахмал, қатиरो елими, араб елими, куйдирилган кўрғошин каби дорилар ўткирлигини камайтирадиган, иссиқлиги ва зараридан кўзни сақловчи миқдорда олинади. Уларнинг таъсирини сусайтириш, кечиктириш, истеъмол вақтини узайтириш эса кўзга қуйилувчи моддалар туфайли пайдо бўладиган кучли оғриқларда фойда беради.

Кўздаги яралар учун ишлатиладиган шиёфларга келсак, улар кўзни тозаловчи ва куйдирмасдан қуриувчи дорилардан тайёрланади. Чунки кўзлар жуда сезувчан бўлади. Яралар эса шиш ва кучли оғриққа сабаб бўлади. Шунинг учун тинчлантирувчи ва бириктирувчи дорилардан ишлатишга эҳтиёж туғилади. Уларга, яъни тозаловчи ва куйдирмай қуриувчи дориларга тўтиё, куйдирилган қалай, куйдирилган кўрғошин, олтин тўполи, дармана, шодана, ювилган марварид, сурма, сўндирилган ва сўндирилмаган кундур елими, анзиратгўштхўр қиёми ва бақам дарахти елими кабилар киради. Бошқа, яъни тинчлантирувчи ва елимловчи дориларга келсак, улар момисо, крахмал, катиро елими, араб елими, қизил гул уруғи, заъфарон, афюн, мингдевона ва меҳригиё кабилардир. Табиблар [дори] таркиб қилишда яранинг ҳолати ва [чикқан] вақтини ҳисобга олишлари ва аста-секин, эҳтиёткорлик билан [иш тутишлари] керак. Энг яхшиси, мулойим

80 а шиёф билан ўткир шиёфларни // тенг миқдорда аралаштириш ёки ўткир дорилардан кўпроқ қўшиш керак. Шунингдек, яна шиёфларни кўз яллиғланиши ва қичималарининг бошланишида уларни тинчлантириш учун сут билан суюлтириб, ишлатилади. Уларнинг таркибини мўътадиллаштириш учун афюн ва кофурдан қўшилади. [Амал] охирида дори сувда эритилади. Бу эса унинг

зарарини кетказади, кучини кесиб, кўз яллиғланишининг колдиқларини кетказиш учун латифлаштиради.

*Кўз [қўтири] учун боғлама:* тозаланган сачратқи уругидан иккита жойга боғланадиган дори тайёрлаб, уни гул ёғи билан бирга боғламага суртиб, қўйилади.

*Бошқаси:* пўсти ажратилган ясмик, татим, қизил гул, анор эти. Уларни аралаштириб, боғланади.

*Қовоқларнинг яллиғланиши ва шишига қарши суртма:* қизил гул, момисо шиёфи, ликий шираси, заъфарон ва алой илдизини тухум оқи билан аралаштириб, қўйилади.

*Кўздаги яллиғланишларнинг барча турларида ишлатилувчи фойдали томизма:* анзиратгўштхўрнинг оқидан икки дирҳам, ширин беҳининг уругидан йигирма ҳабба<sup>9</sup>, заъфарондан ярим донақ, кончўпдан икки донақ, бугдой кишкидан йигирма ҳаба, сариқ йўнғичқадан беш ҳаба, кашничдан йигирма ҳаба, шакардан ярим дирҳам, катиродан бир донақ олиб, [буларни] тоза сув билан шиша идишда қайнатилади ва тиндириб, ишлатилади.

*Кўзнинг қизиллигига фойда қилувчи, унинг ҳароратини сўндирувчи дори:* куйдирилган қалай (қўрғошин) дан беш дирҳам, марказит, араб елими, шодана ва марвариддан уч дирҳамдан, куйдирилган мисдан тўрт дирҳам, мушк ва кофурдан ярим донақдан олиб, кукун қилиб ишлатилади.

*Кўзга оқ тушиганида ишлатилувчи кукун дори:* қисқичбақа қобиғи, олтин тўполи, “денгиз кўпиғи”, сусмор тезагининг ҳар биридан бир дирҳамдан олиб, ишлатилади.

*Кофурдан тайёрланадиган оқ шиёф:* куйдирилган қўрғошиндан уч дирҳам, катиरो ва араб елимларидан етти дирҳамдан, кумуш тўполидан беш дирҳам, анзиратгўштхўрдан худди шунча, крахмалдан етти дирҳам, сусмор тезагидан бир дирҳам, “денгиз кўпиғи”дан уч дирҳам<sup>10</sup>, кофурдан ярим дирҳамдан олинади.

*Кўз ёшланишига қарши сурма:* хинд тўтиёси ва тозаланган сариқ ҳалилани хом узум сувида майдаланади.

*Бошқа хили:* тўтиёдан ўн дирҳам, маржон, сариқ ҳалила ва алойнинг ҳар биридан икки дирҳамдан, мурч ва узун мурчлардан эса бир дирҳамдан олинади.

## ЎН УЧИНЧИ БОБ МАРҲАМЛАР ВА КУКУН ДОРИЛАР<sup>1</sup>

806 // Марҳамлар этларни ундирувчи, жароҳат, яралар ва чипқонларни битирувчи ва [ортиқча] этларни еювчи хусусиятларга эга. Эт ундирувчи дориларга келсак, улар яраларни қуритишдаги даражаларнинг барчасида куйдирмай, қуритади, тана ва аъзоларнинг ҳожатларига ва ўша ердаги яраларнинг ҳолатларига қараб қуритади. Улар яна [яраларни] тозаловчи ҳам бўлиб, бундайларга аристолохия, гулсафсар, кундур елими, алой, кумуш тўполи, тўтиё, бурчоқ, анзиратгўштхўр, қуритилган зифт, зарчава, куйдирилган кўрғошин ва қалай упаси кабилар киради.

Богловчи ва бириктирувчи дориларда яна оқиб турган қонни тўхтатиш хусусияти ҳам бор. *Бириктирувчи [дорилар]*: санавбар елими<sup>2</sup>, гальбан елими муқл, мастаки, каврак елими, сақич дарахтининг елими, говшир, алой<sup>3</sup>, кундур елими ва мурр.

[Яраларни] битирувчи дориларга келсак, улар яралик этни қотиради ва мўътадиллик билан қуритади. Ярани битиришда шу даражада қуритадики, яранинг усти терининг сатҳи билан бир хил бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам уни “битирувчи” деб аталади. Мана шу икки иш (қуритиш ва битириш)ни бажарувчи дорилар энгил ёки кучли буриштирувчи дорилардир. Улар: анор гули, қизил гул ва унинг уруги, анор пўстлоғи, чучукмия барги, мози, аччиқ тош, куйдирилган сариқ зок, сурма, *зунжуфр*<sup>4</sup>, куйдирилган ва ювилган мис, алой, куйдирилган мис кабилардир.

Ортиқча этларни еювчи, эски яраларни қуритувчи дориларга зангор, нушодир, зарних, сўндирилмаган оҳақ кабилар киради.

Агар марҳам сифатида буриштирмасдан қуритувчи дорилар, [масалан],

81a // куйдирилган кўрғошин ва куйдирилган садафлар олинса, улар сепиб ишлатилади. Этларни еювчи ва эритувчи дорилар битирувчи дориларга айланиши мумкин. Агар уларни оз миқдордаги мум ва ёғ билан аралаштириб, марҳам қилинса, яраларни мўътадиллик билан қуритади. Мана шу дорилардан ҳар хил мақсадларда ишлатилувчи марҳамлар ҳам тайёрланади. Уларни тайёрлаш усули яранинг турига боғлиқдир. Аксарият ҳолларда яраларга барча хусусиятларга эга бўлган дорилар, яъни эт ундирувчи, бириктирувчи, битирувчи, тозаловчи, эритувчи

[дорилар] зарур бўлади. Марҳамларни маълум турдаги касалликларда уларнинг даражасига мувофиқ ҳолда, ҳожатга қараб ишлатилади. Шунингдек, яна мазкур дориларнинг таркибидаги битта содда дорининг ўзи иккита мақсадга тўғри келиши мумкин. Кўпчилик марҳамларнинг фойдаси ана шу сабабдандир. Агар қуруқ дорилар на кукун ҳолида ва на сепиладиган дори ҳолида яраларнинг устига ёпишмаса, уларнинг қуввати тери тешиклари ва ундан чуқурга ўтмаслиги мумкин. Бундай дорилар, хусусан, маъданий дорилар ёғлар билан марҳам қилиниб узоқроқ туриши учун боғламалар шаклида ишлатилади. Ёғлар [дори] кучи билан бирикиб, оғрикни камайтиради ва кучини кесади. Улар (боғламалар) қуритиб юбормайди ва каттиқлик билан зарар қилмайди, худди уларни мушаклар, асаблар ва териларга мувофиқ келиб, ёпишиши ва майинлашиши учун сув билан аралаштириб ишлатилгани каби.

Марҳамларга ишлатиладиган ёғларга келсак, улар: зайтун ёғи, кунжут ёғи, мум, қизил гул, мирта, бинафша, нилуфар, шаббўй ёғлари, товуқ ва ўрдак чарвилари, мол болдир суяги илиги, туя ўрқачи ёғи, сариеғ

816 кабилардир. Буларнинг барчаси // совутиш, хўллаш, буриштириш, иситиш учун ҳамда қаттиқликларни юмшатиш учун ишлатилади. Масалан, етилтирувчи дориларга сариқ йўнғичка, зигир уруғи, гулхайри, испағул ва мурр киради. Шунингдек, баъзи елимлар фақат яраларни қуритиш исталгандагина эритиб, ишлатилади. Ҳароратни сўндириш учун уларни сиркада эритилади. Яна уларнинг баъзисини яраларни қиздириш, эритиш, ювиш ва тозалаш учун шароб билан ишлатилади.

Куйдирилган кўрғошин иссиқлик ва совуқликни мўътадиллаштиради ҳамда бироз буриштириш ва қуритиш билан яраларни битиришда мувофиқ келгани учун кўпчилик битирувчи марҳамлар таркибига киради. Унинг фойдаси кўплиги ва қувватининг заифлиги учун кўп миқдорда қўшилади.

*Ажойиб таъсирли марҳам.* Бу марҳам эт ундириш ва енгил ҳолдаги яраларни тузатиш учун ишлатилади. Сурма каби майдаланган куйдирилган кўрғошиндан бир уқия олиб, унинг устига уч уқия зайтун мойидан қуйилади ва яхшилаб аралашгунича пиширилади. Сўнг унинг устига майдаланган кундур,

анзиратгўштхўр, бақам елими, каллақанд, қуритилган зифтлардан икки дирҳамдан қўшилади ва қуюлгунича қайнатилади.

*Этларни ўстирувчи марҳам.* Ёз фаслида ва ҳаво иссиқлигида ишлатилади. [Тайёрлаш]: куйдирилган кўрғошиндан беш дирҳам олиб, сурма каби майдаланади, сўнгра уни эригунича ва юмшагунича сирка билан эзилади. Кейин унинг устига гул ёғидан қуюлгунича қўшилади. Сўнг шишгунича ва марҳамга айлангунича яна сирка ва ёғдан солинади. Кейин унга ўн беш дирҳам кўрғошин упасидан ва озгина кофур қўшилади.

*Йирингли яраларни битирувчи, зарарли нарсалардан тозаловчи ва ўлик этларни еювчи марҳам:* бир уқия зангор, анзиратгўштхўр ва ушшоқларнинг хар биридан ярим уқиядан олиб, барчасини сиркада майдалаб, асал билан

82a қориб, // истеъмол қилинади. *Бошқа хили:* тозаланган анзиратгўштхўрни майдалаб, худди шунча асал билан қорилади.

Сепиладиган дориларга келсак, улар етилган ва юмшоқ яраларни битиришда марҳамларга нисбатан уч ҳисса кўпроқ таъсирга эгадирлар. Бундай яраларда бошқа беркитувчи ва ёпиштирувчи воситаларга эҳтиёж сезилмайди. [Бу дорилар]: алой, бақам елими, ақоқиё, кундур пўстлоғи, сандарак елими, қаҳрабо, *хоразм тоши*<sup>5</sup>, анзиратгўштхўр, мурр, *жародат ал – одам*<sup>6</sup>, санавбар дарахтининг қуритилган пўстлоғи, дуб ёнғоғининг елими ва шу кабилардан тайёрланади. Аммо йиринглаган, оғриғи кучли хўл яраларни қуритишда кундур талқони, куйдирилган кўрғошин, анор гули, куйдирилган папирус, ҳина, қуритилган кашнич, кунор дарахтининг пўстлоғи, қуритилган ва куйдирилган қовоқ пўстлоғи, дуб ёнғоғининг пўстлоғи, чучукмия барги, гулсафсар илдизи, аристолохия, “денгиз кўпиги”, анор пўстлоғи, укроп, мози, арпа уни ва бўтқаси, лолақизғалдоқ ва шу кабилар ишлатилади.

Чириган, ўлик этларни куйдириб ва доғлаб, кетказувчи дорилар ўткир доғловчи воситалар бўлиб, улар зок, зангор, нушодир, зарних, оҳак, ишкор, ушнон, ўлдирилган ва қурук ҳайдалган симоб, аччиқтош ҳамда кучли қуритувчи ва буриштирувчи дорилардан темир тўполи, куйдирилган мис ва мис кукуни, мози, жилвиртош, куйдирилган ақоқиё ва шу кабилардир. Уларни ишлатганда соғлом этнинг устига тушиб қолишидан эҳтиёт бўлиш керак. Шунингдек, яна уларнинг зарари, ачиштириши ва

оғриқларини камайтириш учун улардан кейин ёғ суртиш керак. Булар икки нарсага, яъни

826 ёмон этнинг ейилишига ва соғлом гўштнинг унишига олиб // келади.

*Сепилдиган дори:* кундур елими, анзиратгўштхўр, мурри маккий, бақам дарахти елимидан тенг миқдорда олиб, тайёрланади. Бу таркиб “тўрт дори” номи билан машхурдир.

*Сепилдиган қуритувчи дори:* куйдирилган кўрғошин, чучукмия барги, ҳалила пўстлоғи ва мозидан бир қисмдан, анор пўстлоғи ва зарчавадан ярим қисмдан олинади.

*Этларни еювчи сепилдиган дори:* куйдирилган сарик зок, мози, зангор, анзиратгўштхўрлардан бир хил вазнда олинади. [Аллоҳ азза ва жалланинг изни билан шифо бўлади]<sup>7</sup>.

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ ТИШ ДОРИЛАРИ

Модомики тишлар кучли даражадаги қурук мизожли аъзолардан экан, уларнинг соғломлиги ҳам мизожнинг қуруқлиги билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам улар оғиз бўшлиғида таом ва ичимликларнинг ҳўллиги ичида туради. Улар ёқимсиз ҳидларни ташқаридан нафас орқали киришига ҳамда меъдадан оғизга хилтларнинг ёқимсиз ҳидларини ва овқатларнинг кўтарилишига тўсқинлик қилади. Уларнинг саломатлигини эса тиш [дорилари] ёрдамида сақланади. Улар қурук дорилар бўлиб, уларни майдалаб, тишларнинг устига ҳўлликлардан тозалаш учун сепилади. У дорилар тишларга ёпишиб, маҳкамланадилар. Кейин эса уларни (тишларни) иссиқлик сабабли қуритадилар.

Тишларни тозалайдиган дорилар билан ишқаланса, улар йиригдан ва чирклардан тозаланади. Бундай дорилар марварид, маржон, шом шишаси, “денгиз кўпиги”, *масҳақуние*<sup>1</sup>, асал билан куйдирилган туз, тозаловчи яшил лой, *финак*<sup>2</sup>, ишқор, аристолохия, садаф кули, куйдирилган бурак, куйдирилган уд ва шу кабилардан тайёрланади.

Қуритувчи ва буриштирувчи дорилар тишларга ва уларнинг илдизларига сепилганда, тишларнинг милкларга яқин жойини ўраб

турган нарсаларни ҳаракатлантиради ва бўшаштиради ҳамда [тишларни] химоя қилади.

Совуқда милкларда қизиллик ва ҳарорат бўлмаганда кийикнинг

83 а куйдирилган шохи, тўпалоқ, юлғун бужури, хинд малобатри<sup>3</sup>, // дуб ёнғоғи пўчоғи, арча бужури. анор гули, сунбул, аччиқтош, қорачайир, мози, цейлон долчини, қизил гул, уд, ақоқиё, гулсафсар, назла ўти, мушк, мастаки ва қалампирмунчоқдан олинади. Милкларнинг иссиқлик сабабидан заифлашишида, қизиллиги ва шишларида ҳамда қонашида табошир, қизил гул уруғи, татим, “ер олати”, араб акацияси, сандал, ток гули, арёка ёнғоғи, камфора, қуритилган кашнич, тозаланган ясмиқ, нордон анор пўсти, юлғун бужури, ҳалила, балила, омила, ақоқиё, анор гули, муҳр лойи, ёввойи ясмиқ талқони ва шу кабилар ишлатилади. Буларнинг ҳар биридан эҳтиёжга кўра, ана ўша мақсадларнинг барчасини қувват ва таъсирда бирлаштирган мураккаб дорилар ясалади.

*Тишларни тозаловчи ва ундаги касалликларни кетказувчи дори:* шом шишаси ва жилвиртошдан тенг миқдорда олиб, юмшоқ кукун ҳолига келгунича майдаланади; шу [дори] билан тиш ва милкларни ишқаланади.

*Бошқа хили:* “денгиз кўпиги”, куйдирилган туз<sup>4</sup>, сопол, садаф кули, куйдирилган арпа, қамиш илдизининг кули, юмалоқ аристолохиялардан баробар миқдорда олинади.

*Милк ва тишларни мустаҳкам қилувчи дори:* кийикнинг куйдирилган шохи, куйдирилган андароний тузи, сариқ ҳалила ва қизил гуллардан бир қисмдан, анор гулидан ярим қисм олинади.

## **ЎН БЕШИНЧИ БОБ ТОМОҚ ЧАЙИЛАДИГАН ДОРИЛАР**

Томоқ чайиладиган дорилар бошдаги ғализ хилтларни латифлаштиради ва уларнинг оғиз орқали ўтишини секинлаштиради. Шунингдек, оқиб ўтиш йўлларида моддаларнинг ғализлашиб, уларнинг торайтиришига тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, томоқдаги шишларни қайтариш учун ҳам ишлатилади.

Ғализ хилтларни латифлаштириб, уларни миядан туширувчи дорилар иссиқ ва ўткир дорилар бўлиб,

836 // уларни назла ўти, занжабил, каклигўт, тоғ майизи, игир, ҳардал, ялпиз, ковул илдизининг пўстлоғи, гулсафсар, бурак мурчлар, самсақ, тошчўп, асал сувига аралаштирилган иёраж ёки муррий, ёки шакар, асал, ёхуд денгиз пиёзи (шуларнинг бири)дан тайёрланган сиканжубиндан ясалади. Назлаларнинг оқишига қарши ишлатиладиган дориларга келсак, улар сувда қайнатилган барча буриштирувчи совуқ мизожли дорилар бўлиб, улар билан томоқ чайилади. Булар: қизил гул, анор гули, шом жингаги, ясмик, мирта уруғи, кўкнор ва шу кабилардир.

Томоқдаги шишларни қайтарувчи ва иссиқдан бўлган шишларнинг бошланишида ишлатилувчи дориларга шамоллашни қайтарувчи ҳўл совуқ мизожли ўтларнинг суви киради. Улар итузум, сутчўп, кашнич, сачратқи ва шу кабилардир. Шунингдек, совуқ мизожли мевалардан шом тути, нордон анор, татим ва шу кабиларнинг суви ишлатилади. Совуқ мизожли *луоблардан*<sup>1</sup>, зиғир уруғи, баргизуб, райҳон, беҳи уруғи ва шу кабиларнинг луоблари олинади. Буриштирувчи совуқ мизожли дори қайнатмалари эса анор гули, қизил гул, ақоқиё, юлғун бужури, қуритилган кашнич ва шу кабилардан тайёрланади.

Аммо касаллик бошлангандан кейин уни тарқатишга эҳтиёж тушганда, иссиқ мизожли доривор ўтлар қайнатмалари ишлатилади. Улар: петрушка, карам, арпабодиён, зарпечак ва шу кабилардир. Иссиқ мизожли мева қайнатмаларидан эса анжир, майиз, хиёршанбар, жилон жийда ва шу кабилардан фойдаланилади.

Иссиқ мизожли дори қайнатмаларига келсак, улар: чучукмия илдизи, гулсафсар, гулхайри, арпабодиён ва қуст илдизлари қайнатмаларидир.

Томоқдаги шишларни етиштирувчи дориларга сутда ивитилган хамиртуруш, кунжут ёғидаги анжир ёки карам сувидаги *майбухтаж*<sup>2</sup> арпа суви қўшилган ва қўшилмаган хиёршанбар пўсти киради.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ МУРАББОЛАР

84a // Мураббо деган сўзнинг маъноси бу ерда баъзи меваларни сақлаш демакдир. Масалан, ҳалила, омила, лимон, олма, беҳи ва шу кабиларни, яна баъзи гулларни ҳам, масалан, қизил гул, бинафша, нилуфар, яна гуллари кўп бўлган дарахтлардан беҳи дарахтининг гули ва шу кабиларни. Баъзи ўсимликларнинг илдизларидан, масалан, занжабил, [игир]<sup>1</sup>, шақоқул<sup>2</sup>, сабзи, шолғом ва шу кабилардан ҳам юмшоклиги ва ҳўллиги сақланган ҳолатда мурабболар тайёрланади. Уларни асалга солиб тайёрлаш керак, чунки уларнинг таркибларидаги ҳўл моддалар ўзгаришсиз ва бузилишсиз сақланади. Шу билан бирга, у (асал) латифлик ва сингувчанлик бериб, [мураббони] бемор табиатига мувофиқлаштиради. Мева [мурабболарини] эса улардаги аччиқлик<sup>3</sup> ва кучли унсурларни ивитиш ва қайнатиш орқали чиқариб ташлаб тайёрланади, сўнгра уларни кўймайдиган миқдорда асал солинади ва идишнинг оғзини ёпиб, қуёшга қўйилади.

Дарахт гуллари ва оддий гулларга келсак, уларнинг барчаси гуллаб, гул косачалари бутунлай очилгандан кейин териб олинади ва уларнинг ҳар бир ратлига тўрт ратлдан асал солиб, худди аввалги ҳолдагидек қуёшга қўйилади. Асал ўрнига шакарқамиш сувини ёки янтоқшакар қиёми, ёки майдаланган каллақандни қўшиб, қуёшга қўйилади, иссиқ мизожли беморлар истеъмол қила оладиган ҳолатда, ҳожатга қараб олинади.

Ўсимликларнинг илдизлари ҳам дарахт гуллари каби қайнатилиб, қайтадан ювилади, бўлакчаларга кесиб, мевалар ҳолатидаги миқдорда асал билан аралаштирилади. Шунингдек, [мурабболарни] зираворлардан: заъфарон, қалампирмунчоқ, долчин, кардамон ва шу кабилардан ҳам уларни майдалаб, тайёрлаш мумкин.

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ БУРУНГА ЮБОРИЛАДИГАН, [АКСИРТИРАДИГАН]<sup>1</sup>, ТУТАТИЛАДИГАН ВА ҲИДЛАНАДИГАН ДОРИЛАР

84б // Булар шундай дориларки, уларни бурун йўллари орқали истеъмол қилинади. Бурунга юбориладиган дорилар томизиладиган иссиқ ва қуруқ дорилар бўлиб, мияда қолиб кетган балғамли чиқиндиларни чиқариб ташлаш, бошдаги тикилмаларни очиш,

совуқ мизожли касалликлардан: тутқаноқ, фалаж, юз фалажи, совуқдан бўлган бош оғриғи ва шу кабиларда бош мизожини иситиш учун бурунга юборилади. У дорилар: кундуз қири, нушодир, турбит, седана, исирик, алой, мурр, говшир, бурак, каклигўт, мурч турлари, ангуза, каврак елими, фарфиюн, мушк, назлаўти, ҳинд тузи, ясмиқ, чўл газагўтининг елими, қушлар ва бошқаларнинг ўти, туя сийдиги, пиёз суви, тоғ райҳони, газагўт, лавлаги, сирка, аччиқ бодом ёғи, нарғис, гулсафсар ва шу кабилардир.

Хўл совуқ мизожли бурун дорилари миянинг мизожини совутади ва хўллайди шу билан бирга қуруқ иссиқдан бўлган касалликларни даволайди. Бу касалликларга иссиқдан бўлган бош оғриғи, сарсом ва шу кабилар киради. Дорилардан сутчўп, сачратқи, итузум сувлари, бодринг ва қовоқ суви, бинафша ва нилуфар ёғлари, қовоқ уруғининг ёғи, қизил гул ёғи, афюн, кофур, табошир ва шу кабилар [ишлатилади].

Аксиртирадиган дориларга келсак, улар бурун катаklarига пуфлаш орқали юборилади. Бунда тикилмаларни очиб, у ердан совуқдан бўлган чиқиндиларни чиқариб ташлайди. Бу дорилар ўткир бўлиб, улар етмак,

85 а *артанисо*<sup>2</sup>, седана, бурак, кундуз қири, // фарфиюн, аристолохия, бальзам дарахти уруғи, назлаўти, мушк, туянинг қуритилган сийдиги, мурчлар, газагўти, каклигўт, тоғ майизи, харбак, хардал, алой<sup>3</sup>, самсак, нушодир, занжабил ва ўтлар (сафро).

Тутатиладиган дориларга келсак, улар хўл ёки қуруқ мизожли бўлишлари мумкин. Хўл иссиқ тутатиладиган дорилар бурун катаklarини очиш ва ундаги моддаларни латифлаштириш учун ишлатилади. Улар: тоғ райҳони, тошчўл, дармана, бўйимодарон, қашқарбеда, бобуна, эрман, арпабодиён, тоғ ялпизи, зуфо, укроп, газагўт, каклигўт, карам ва шу кабилардир. Мазкур дорилар яна эшитиш йўлларидаги тикилмаларни очиб, қулоқ чирklarини тозалашда ва буруннинг ҳидга сезувчанлигини созлашда ҳам ишлатилади. Уларни идишга солиб қайнатилади ва идиш оғзини бурун ва қулоққа тўғриланади ёки дори тўғридан-тўғри қуйилиши ҳам мумкин. Дорининг таркибига ҳожатга қараб туз ёки сирка қўшса ҳам бўлади. Тутатиладиган дорини шароб ва мураббо билан аралаштириб, қиздирилган тегирмон тошининг устига сепиб ишлатиш ҳам мумкин.

Хўл совуқ мизожли дорилар уйқусизликда, уни қизиб кетиш ва қуриб қолишдан мизожини совутиш ва хўллаш билан ҳимоя қилади. У дорилар бинафша, нилуфар, хўл кашнич, сутчўп, ёввойи гулхайри, семизўт, тол барги, бодринг<sup>4</sup>, ковоқ барги ва пўстлоғи, кўкнор ва унинг пўстлоғи, қизил гул, райҳон меваси, гулҳамишабахор, баргизуб, гулхайри, майдаланган арпа ва шу кабилар бўлиб, уларни пишириб, устига сут, бинафша ёғи ва шу каби ёғлардан қўйилади ва [шу аралашма ичига] қиздирилган тошлардан солинади ва бош қизиб кетмайдиган узокликдаги масофадан унинг тутуни ҳидланади. Лекин тутатқилар илик ҳолатда бўлиши керак. Қиздирилган тошлар яхши туташу учун ўша тутатқиларга сирка қўйилади ва устига энгашилади.

Ҳидланадиган қуруқ мизожли дориларга келсак, улар тутатиладиган

856 воситалар бўлиб, бош ва мияни қувватлантирадилар. // Булар: мушк, кофур, уд, сандал, куст, анбар ва сукк кабилардир.

Аммо иссиқдан бўлган тумов ва назлани тўхтатишда сиркада ивитиб, сўнг қуритилган тоза кепак, арпа ва бокила<sup>5</sup> талқони, оқ сандал, қизил гул, бинафша, юлғун меваси, кофур, каллақанд кабилардан ишлатилади.

Совуқдан бўлган тумов ва назлани тўхтатишда эса кундур, қуритилган майға елими, куст, тўпалоқ, уд, сандарак елими, қоғоз, анбар ва шу кабилар ишлатилади.

Хўллиги кўп бўлган йўталда эса олтингугурт, куст, гальбан елими, мурр, цейлон долчини, заъфарон, *кабоба*<sup>6</sup>, аристолохия, кундур ва қизил зарнихларни най орқали оғизга юборилади.

Бола туғилиши қийинлашганида ва йўлдошни туширишда ишлатиладиган тутатқи дориларга келсак, улар говшир, олтингугурт, мурр, гальбан елими, буканинг ўти бўлиб, бачадонга най орқали юборилади.

Ҳидланадиган дориларга келсак, уларнинг иссиқ мизожлилари миянинг совуқ мизожини мўътадиллаштириш учун ишлатилади. Уларга хушбўй нарсалардан ясмин, нарғис, наъматак ва шу кабилар киради. Латиф ҳидли дорилардан мушк, анбар, заъфарон ва шу кабилар, ўтлардан дармана, бўйимодарон, тошчўп, каклигўт ва шу кабилар, мевалардан эса лимон ва *норанж*<sup>7</sup>, тарвуз, ўт бўлмаган дорилардан эса кундуз кири, майға елими, майдалаб, сирка билан ковурилган седана ва шу кабилардир.

Яна улардан совуқ мизожлилари ҳам бўлиб, мия ҳароратини босиш учун ишлатилади. Уларга хушбўй гиёҳлардан мирта, бинафша, нилуфар ва шу кабилар киради. Ўткир ҳидлилардан сандал, кофур, қизил гул ва шу

86a кабилар, // ўтлар ва дорилардан кашнич, мингдевона, афюн, меҳригиё, кофур ва шу кабилар, мевалардан эса беҳи, олма ва шу кабилардир. Булар эҳтиёжга қараб, алоҳида-алоҳида ёки ўз синфлари ва жинсларига мувофиқ таркиб қилиб, ишлатилади.

*Иссиқдан бўлган бош оғригида бурунга тортиладиган дори:* бинафша ёғи, нилуфар, қовоқ уруғи, тол барги, аёл сути, сутчўп шираси ва сачратқидан тенг миқдорда олинади.

*Фалаж, инсулт, юз фалажидида ишлатилувчи аксиртирадиган дори:* етмак, седана, фарфиюн, мурч, кундуз қири, аристолохия, бальзам дарахти меваси, мушк, назлаўти, бурак. Булардан баробар вазнда олиб, майдалаб, бурунга пуркалади.

*Совуқдан бўлган бош оғригида буғланадиган дори:* тоғ райҳони, ялпиз, бобуна, қашқарбеда, бўйимодарон, укроп, дармана, тошчўп, тарвуз. Буларнинг устига эгилиб, буғи хидланади.

*Иссиқдан бўлган бош оғригида буғланадиган дори:* бинафша, нилуфар, гулхайри пояси, пўстидан тозаланиб, майдаланган арпа ва қовоқ пўстлоқларини пишириб, тоғорага солинади ва унинг устига бинафша ёғидан қўшиб, устига энгашиб, хидланади.

*Совуқдан бўлган тумов учун тутатқи:* у буруннинг кўп оқишини тўхтатади. [Таркиби]: қуст, кундур, сандарак елими, алой, канд, седана, зира, каклигўт, буларнинг ҳар биридан ярим дирҳамдан олиб, майдалаб, нўхат катталигида юмалоқлаб, тутатилади.

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ ҚУЙИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Қуйиладиган дорилар иссиқ ёки совуқ мизожли ҳидли дориларни сувда қайнатиб ва тиндириб, тайёрланади ва бошнинг устидан қуйилади. Улар маълум бир касалликларда ишлатилади. Уларнинг буғи ва таркибида эриган

86b дорилар миянинг // қуввати ва фаоллигини сақлаш учун буриштирувчи ва хушбўй дорилардан бўлмаслиги керак. Уларнинг таркибидаги тери тешиқларига тезда сингиб кетадиган латиф [яъни

учувчи] моддалар сақланиб қолиши учун у дорилар огзи мустаҳкам беркитилган шиша идишда пиширилади. [Сингиш] жиҳатидан қуйиладиган дорилар бошқаларидан афзалроқдир. У дориларнинг таркибига иссиқлик ва қуруқлик кўпайиб кетганида тинчлантирувчи дорилардан: кўкнор барги пўсти, меҳриғиё, сутчўп ва унинг уруғи, кашнич, итузум меваси, мингдевона кабилардан қўшиш мумкин. Агар оғриқ жуда кучли бўлса, уларга иссиқ мизожли тинчлантирувчи дорилардан шеролчин, укроп, заъфарон, майға елими ва шу кабилар қўшилади. Агар кучли оғриқ совуқлик билан бўлса, уларнинг таркибига шиллиғи кўп бўлган ўсимликлардан гулхайри, кунжут барги, ёввойи гулхайри, семизўт кабилардан қўшилади. Уруғлардан эса испағул, канавча, баргизуб уруғлари иссиқлик кўпайиб кетганида ишлатилади. Оғриқларни тинчлантириш учун яна ёғлардан ва сутлардан ҳам қуйилади. Лекин шу дорилардан кейин бошни яхшилаб ювиб, терини тозалаш керак. Бошни тозалайдиган нарсалар эса лавлаги суви, кепак суви, гулхайри ва шу кабилардир. Улар ҳароратнинг мияга зарар етказиши, тешиқларини беркитишига тўсқинлик қилади ва иссиқлик билан бугларни ундан (миядан) қайтаради. Кейин эса хавф яна ортиб, аҳвол оғирлашиши мумкин. Фалокат яна қайталайди.

*Летаргия ва совуқдан бўлган бош оғриғида фойда қилувчи дори:* бобуна, укроп, тошчўп, ялпиз, тоғ райҳонидан олиб, қайнатиб, тиндириб, бошдан қуйилади.

*Мизожни ҳўллоғчи ва ухлатувчи дори:* бинафша, нилуфар, гулхайри илдизи, сутчўп барги, тол барги, қовоқ пўстлоғи - булардан бир ҳовучдан

87a олинади. Оқ кўкнор баргидан<sup>1</sup>, // гулхайри баргидан бир боғ, сабистон олхўрисидан бир ҳовуч, қизил гул ва итузум баргларида бир ҳовучдан олиб қайнатиб, тингандан сўнг ишлатилади.

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ СОЧ ДОРИЛАРИ

Соч дорилари орасида ўстирувчилари бўлиб, улар сочни ўсишига тўсқинлик қилувчи сабабларга мувофиқ ҳолда ҳар хил турларга бўлинадилар. Улардан тулки касаллиғида ишлатилувчи дорилар ҳамда тери тешиқларини очиб, ғализ хилтларни

латифлаштириб эритувчи, саримсоқ пиёз каби суртма дорилар билан бошни ишқаланади ва хардал, тоғ газাগўтининг елими, олтингугурт, фурбиюн, куйдирилган фундук, куйдирилган дармана, бурақ, газাগўт, харбак, зарних, сичқон тезаги, аристолохия, “денгиз кўлиги”, қамиш кули, куйдирилган аччиқ бодом, назлаути, бўйимодарон кули кабилардан мураккаб дори ясалади. Тулки касаллигини ҳисобга олиб, аввал зайтун ёғи ва шу кабилар, кейин сирка суртилади. Аста-секинлик билан заиф ҳолатдан кучли ҳолатга ўтилади.

Яна тўкилгандан қолган сочларни сақловчи ва соч илдизларига озука берувчи дорилар ҳам бўлиб, улар тутиб туриш, иситиш, юшатиш, ёғлаш ва ёпиштириш хусусиятларига эга. Булар: мирта, сарв ва унинг уруғи<sup>1</sup>, ладан, мурр, *озоддаракт*<sup>2</sup>, кунжут барги, ковок барги, Қобул ҳалиласи, сунбулсоч, зиғир пояси, наша ўсимлигининг барги, *ширамлаж*<sup>3</sup>, лола, сунбул, мастаки, лавлаги уруғи ва суви, акоқиё, мози, санавбар дарахти пўстлогининг кули, гулхайри уруғи ва илдизи, ширалар ва ёғлар. Бу дорилар миянинг иссиқ ёки совуқ мизожига мувофиқ ҳолда ва бош аъзоларининг ҳўллиги ёки қуруқлигига қараб, бошга суртилади ёки чапилади.

876 // У дориларни ишлатишда сочни ўстиришга тўсқинлик қиладиган нарсаларнинг мизожига тескари мизожли соч дориларидан кераклиларини танлаш ҳамда бош ва миянинг мизожини аниқлашга асосланилади. Агар у дорилар бош аъзоларининг мизожларига зид бўлса, уларни мўътадиллаштириш керак бўлади. Бунинг учун эса сочни ўстирувчи дорилардан бошқа дориларни ҳам ишлатиш мумкин. Яна мизожни мўътадиллаштириб, сочни ҳимоя қиладиган, илдизларини мустаҳкамлайдиган озиқлантирувчи дорилар ҳам бор.

Соч дориларидан яна сочни қорайтирадиган дорилар ҳам бўлиб, улар бошни шилмайди; сочларнинг томирларига борадиган озуқаларни саклайди. Бу [дорилар] қувватлантирувчи ва кучли буриштирувчи турдаги барча ёғлар бўлиб, уларга мирта ёғи, омила, гулсафсар, наргис, куст, рум сумбули, бон дарахтининг ёғи, лола, Абу жаҳл тарвузидан олинган ёғ, седана ва хардал кабиларнинг ёғлари қиради. Яна сочни дағаллаштирувчи ва қора рангни қабул қилишга тайёрловчи иссиқ дорилар ҳам бор. Улар: ладан, сунбул, қалампирмунчоқ, укроп ва унинг суви, ёнғоқ пўстлоғи, омила,

мирта, куйдирилган мис, темир чирки, лола, сариқ йўнғичка, мози, тўпалоқ, қуст, малобатр, заъфарон, лавлаги уруғи, сунбулсоч, петрушка уруғи, ақоқиё, санавбар дарахти пўстлогининг кули кабилардир.

Кучли қорайтирувчиларга келсак, улар ҳам бўййди, ҳам даволайди.

88а Буларга зок, мози, оҳак, куйдирилган қўрғошин, хина, ўсма киради. // Бундай дориларни таркиб қилиш ва бир-бирларига бўлган нисбатларини билишга келсак, улар соч ва жунларни бўййидиган дориларники кабидир. Аёлларга эса хина ва *хатрнинг*<sup>4</sup> ўзигина етади, уларни сочнинг ҳолатига қараб ишлатадилар. Баъзилар хинанинг ўзи билан кифояланадилар. Улардан яна ўсманинг ўзи билан бўййидиганлари ҳам бор. Айримлари эса уларнинг иккисини (хина ва ўсмани) аралаштириб, бирга ёки алоҳида, кетма-кетига ишлатадилар.

Сочни бўййидиган яхши дори билан китоб ўз ниҳоясига етади: мози, Кошғардан келтирилган қизил зок, бўлакланган нушодирларнинг ҳар бирдан бир истордан, омила пўстлоги ва мис тўполининг ҳар бирдан беш истордан, катиरो елиמידан ярим истор олинади. Мозини янги челаққа солиб, иссиқ кулнинг устига қўйилади, челақнинг усти [кигиз] билан ёпилади ва иссиқлик яхши ўтиб, [мози] қовурилиши учун ҳар соатда уларни силкитиб турилади. Сўнгра уни (мозини) кигизга солиб, ўралади ва у сўниши учун оёқ билан тепилиб, босилади. Кейин мозини чиқариб олиб, майдаланади. Буларнинг барчаси яхшилаб аралаштирилгач, заъфарон майдаланадиган тегирмонда майин қилиб майдаланади. Сўнг уларни иссиқ сувга солиб, совумасидан олдин тезлик билан бошга суртилади ва қуригунича кутилади. Агар зарур бўлса, [тадбир] яна такрорланади. Қачонки мози яхши қорайтирмаса, унинг ўрнига бузғундни<sup>5</sup> ишлатса ҳам бўлади, у *фустук*<sup>6</sup> дарахтининг мевасидир. Аллоҳ билгувчидир<sup>7</sup>. Аллоҳнинг ёрдами ва чиройли тавфиқи ила “Мураккаб дориларни тайёрлаш усуллари” номи билан шуҳрат қозонган китоб сешанба кунини аср вақтида, сафар ойининг иккинчи кунини ўз ниҳоясига етди. Аллоҳ таъолонинг заиф бандаси бўлмиш Фаррух Ширбод Шоҳ қўли билан ёзилди, у табиби фаранги бўлиб, раҳимдиллиларнинг раҳмлиги бўлган Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини икки дунёда ҳам кечирсин.

## ИЗОҲЛАР [Муқаддима]

1. Салом шаҳри – Бағдод.
2. Жолинус – Гален (129-200) – қадимги Рим табиби, мусулмон муаллифлари орасида жуда машҳур бўлган.
3. Ўрта асрларда кимё, тиб каби илмлар *санъат* деб юритилган.
4. Аник муддат, яъни ой ёки йиллиги ёзилмаган.
5. *Қарободин* – мураккаб дориларни тайёрлашга бағишланган асар – “Фармакопея”.
6. Бу ерда аъзонинг муҳимлиги назарда тутилган. Зеро, шарк табобатида аъзолар функциясига қараб бир неча турларга, шу жумладан *шарафли* аъзоларга ҳам бўлинган.
7. *Қирутий* – юнонча *кэротэнинг* арабийлаштирилган шакли; мум ва ёғдан тайёрланадиган суртмани англатган. Диоскорид, I: 19; Levey: 172.
8. 2275–нусхада йўқ.
9. 2275–нусхадан қўшилди (676–варак).
10. 7225–нусханинг 41а–варағи бўш қолдирилган.

### Биринчи боб

1. *Ғизолик* – озуқалик.
2. Бу ерда қўл ва оёқлар назарда тутилган.
3. *Сиканжубин*–бир ҳисса сирка ва икки ҳисса асалдан қайнатиб тайёрланадиган ичимлик.
4. Қизил шакар–тозаланмаган шакар; унинг ранги таркибидаги турли аралашмалар ҳисобидандир. Levey: 174.
5. *Хиёрайн*–“икки хил бодринг”. Бу бодринг билан қовун чатишмаси бўлиб, асосан, уруғи ишлатилган, ватани–Эрон. Levey: 173.
6. *Дирҳам* – оғирлик ўлчови–2,975 г. Ибн Сино, II: 770.
7. *Ғофит* – *Agrimonia Eupatoria L.* ёки *Eupatorium cannabinum L.* Ибн Сино, II: № 803.
8. *Ратл* ёки *ритл* – оғирлик ўлчови – 340 г. Ибн Сино, II: 770; ёки 449, 28 г. Баранов: 302.
9. *Фақд* –панжангушт, яъни *Vitex agnus castus L.* Беруний: № 181 (?).
10. *Лакк* – *Ficus* ўсимликларининг айрим турларидан баъзи ҳашаротларнинг таъсири натижасида чикадиган смола. Ибн Сино II, № 384.
11. *Мушкитаромашиъ*–кийигўт – *Origanum dictamnus L.* Ибн Сино, II: № 413.

12. *Ушна* – дуб, санавбар, ёнғоқ ва шу каби дарахтларнинг танасини қоплаб ўсадиган лишайниклар, хусусан, *Usnea articulata* Ach. Ибн Сино, II: №11.
13. Қуюлтирилган шира – бирор меванинг сиқиб олинган сувини ҳажмининг  $\frac{1}{4}$  қолғунича қайнатиб тайёрланган қиём. Ибн Сино, V: 106; 7225 – нусха ҳошияси (456–варақ).
14. *Ос уруғи* – мирта ўсимлиги, яъни *Myrtus communis* L. уруғи. Ибн Сино, II: №4.
15. *Табошир* – бамбук ўсимлигининг бўғин ораликларига кристалл ҳолида йиғиладиган модда. Ибн Сино, II: № 301.
16. *Махтум* лойи – муҳр лойи – *Terra sigillata*. Антик даврдан яхши маълум бўлган дори. Унинг совутувчи ва елимловчи хусусиятидан фойдаланишган. Ибн Сино, II: 311.
17. Ушбу матн 2275–нусхадан қўшилди (686–69а–варақлар).
18. *Уқия*–оғирлик ўлчови–29, 75 г. Ибн Сино, II: 770.
19. Петрушка, арпабодён, гулхайри ва ковул илдизлари. Levey: 67.
20. *Истор*–оғирлик ўлчови–17,0 г. Ибн Сино, II: 770.
21. *Жуланжубин* – форсча *жуланжубин* сўзининг арабчалаштирилган шакли бўлиб, луғавий маъноси –гул асал. Тайёрлаш усули: қизил атиргулнинг гулбарглари косачасидан ажратилиб, тоғорада қўл билан эзилади ва устига кўпиги олинган асалдан майин қилиб қориш мумкин бўлган миқдорда қўшилади. Шундан сўнг уни шиша ёки сопол идишга солиб, қирк кун офтобга қўйилади. Эрталаб ва кечкурун аралаштириб турилади, керак бўлса, яна асал қўшилади. Кейин олиб қўйиб, олти ойдан кейин истеъмол қилинади. Ибн Сино, V: 119, 256.
22. *Осмонжуний* гулсафсари – ҳаво ранг гулсафсар. *Iris florentina* L. Ибн Сино, II: №492.
23. *Сабистон*–олхўрининг бир тури – *Cordia туха* L. Беруний: №526.
24. 2275–нусха ва И: ўн истор.
25. *Тамр ҳиндий* –“ҳинд хурмоси”–тамаринд. *Tamarindus indica* L. мевасининг эти шу ном билан юритилади. Беруний: №633 (2); Ибн Сино, II: №721.
26. *Кофур* – камфара, *Cinnamomum camphora* Nees дарахтидан олинадиган кристалл ҳолидаги рангсиз ва ўзига хос ҳидга эга бўлган модда. Унинг номи санскрит тилидаги *каптура* сўзидан ясалган. Беруний: №871 (1).
27. 2275–нусхадан қўшилди (696–варақ).
28. 2275–нусхадан қўшилди (696–варақ).

### Иккинчи боб

1. *Жазмозаж* – юлгун, яъни *Tamarix gallica L.* бужури. Форс тилидаги *газмозажнинг* арабчалаштирилган шакли. Беруний: №273 (2).
2. 2275–нусаҳадан кўшилди (70а–варақ).
3. *Ширхишт* – форсча *шир-и хўшк* (қурук сут)дан ясалган. *Salix rosmarinifolia L.* толининг шираси. Беруний: №933 (18); Ибн Сино, II: №702.
4. Сано, қизил гул, ширхишт, тамрхиндий ва гул шароби.
5. *Маъжун ан-нажоҳ* – *нажоҳ* сўзининг луғавий маъноси муваффақият, ютук, омад бўлиб, бу ерда яхши ёрдам берувчи маъжун шундай сифатланган.
6. И.: “икки баробар миқдорда” Levey: 72.
7. *Маъжун ал-хубс* – “чирк маъжуни”.
8. *Фанжануш* форсча *панжанушнинг* арабийлаштирилган шакли; “беш ичимлик” маъносини беради.
9. *Муфарриҳот* –хурсанд килувчи, яъни юракка фойдали дорилар.
10. *Кайфият* – бу ерда дорининг хоссалари назарда тутилган.
11. *Жавҳар* – бу ерда ўзак модда назарда тутилган.
12. *Куланж* – колит, яъни йўғон ичакнинг яллиғланиши.
13. И. да “юз дирхам асал”– йўк. Levey: 74.
14. *Донақ* – оғирлик ўлчови – 0, 495 г. Ибн Сино, II: 770.
15. *Тассуж* – оғирлик бирлиги – 0, 18 г. Ибн Сино, II: 770.
16. *Бузайдон* – форсча *бузидон* – *Orchis morio L.* Бу ўсимликнинг, асосан, илдизи ишлатилган. Ибн Сино, II: №102.
17. *Моҳизаҳра* – “балик заҳари” – *Anamitra paniculata Colebr.* Ибн Сино, II: №436.
18. *Жулжулон* – кунжут – *Sesamum orientale L.* Беруний: №264.
19. Сурги, сийдикни ҳайдовчи ва оғриқни колдирувчи дорилар. 7225–нусаҳа хошиясида (51а–варақ).
20. *Рум жантиёнаси* – *Gentiana asclepeadea L.* Levey: 193 (156).
21. *Фор* – дафна, лавр дарахти – *Laurus nobisis L.* Ибн Сино, №179, 802; II Levey: 193 (157).
22. *Ҳил* – кичик қоқила – *Elettaria cardomomum White.* Ибн Сино, II: №610.
23. *Катта қоқила* – *Amomum meleguete Rosc.* Ибн Сино, II: №610.
24. *Хавлинжон* – *Alpinia galanga Willd.* илдизи. Ибн Сино, II: № 759.
25. *Басбоса* – мускат ёнғоғи пўсти. Ибн Сино, II: №121.
26. *Кабоба* – *Piper cubeba L.* Ибн Сино, II: № 345.
27. *Салиха* – Цейлон долчини. Ибн Сино, II: № 517.

28. *Созаж* – малобатр - *Cinnamomum citriodorum* Thwait. нинг барглари. Ибн Сино, II: № 479.
29. *Қирфа* –долчин турларидан бири. Levey: 194 (169); Ибн Сино, II: №612.
30. *Нормушк* –“мушк анори” –*Mesua ferrea* L. дарахти. Levey: 195 (170); Беруний: №1034.
31. *Фаланжамушк* – форсча *паланг-и мушк* – “коплон мушки”дан арабийлаштирилган; тукли райҳон – *Ocimum basilicum* L. ёки *Ocimum pilosum* W. ни англатади. Беруний: №792; Ибн Сино, II: №563.
32. *Сақамуниё* – *Convolvulus scammonia* L. ўсимлигининг шираси. Ибн Сино, II: № 497.
33. *Бурақ* ёки *баурақ* – карбонат ваёки борат тузларининг аралашмасидан иборат маъданий модда. Levey: 195 (175), Беруний: № 184.
34. Бу ерда калла қанддан тайёрланган киём бўлиши мумкин.
35. *Ҳузий ал-қабир*–мураккаб дори номи бўлиб, *ҳузий* сўзи остида ҳузистонлик табиблар назарда тутилган, яъни улар тайёрлаган катта дори.
36. *Ҳузий ал-сағир*–ҳузистонликларнинг кичик мураккаб дориси.
37. Ушбу парча 2275–нусхадан қўшилди (716–варақ).

### Учинчи боб

1. *Подзаҳр* – тарёк, антидот, яъни заҳарга қарши дори.
2. *Муқл* – дум дарахти, яъни *Palmae* оиласига мансуб *Nurphaene thebaica* Mart. нинг елими, унинг илмий номи *Commiphora Mukul* Engl. Ибн Сино, II: № 408.
3. *Катиरो* – *қасиро* шакли ҳам учрайди. Бу катод дарахти – *Astragalus tragacantha* L.нинг елими. Ибн Сино, II: № 348.
4. *Ғориқун*–“дарахт пўкағи” –*Polyporus officinalis* Fries. Ибн Сино, II: № 801.
5. *Антоқий*–сақамуниёнинг бир хили: Антиох сақамуниёси. Levey: 196 (194)
6. *Иёраж фикро*–алой асосида тайёрланган мураккаб таркибли сурғи. Асосан бош аъзолари ва мияни тозалаш учун ишлатилган. Қумрий: 137, 157 (6); Ибн Сино, V: 243.
7. 2275–нусхадан қўшилди (716–варақ).
8. *Ҳаббун-нит*–*Ipomoea ledearucea* Jacq. ўсимлиги уруғи. Ибн Сино, II: № 242.

9. *Сукк* – ромик номли мураккаб дори ва мушкдан тайёрланадиган хушбўй модда. *Ромик* таркиби: мози шираси, анор пўсти, хом хурмо, заъфарон ва б. Ибн Сино, II: № 483, 669.
10. *Удний* – алой. Levey: 197 (207).
11. Ҳермес *Hermes Trismegistus* – “уч қарра улуғ Ҳермес” – сирли илмларнинг, шу жумладан ал-кимё ва тибнинг афсонавий худоси. Илк марта унинг номи III асрга тегишли папирусларда зикр қилинади. Levey: 198 (212); Беруний: 107.
12. *Руфус* – Рим империясининг Галендан кейинги йирик табиби; Траян ҳукмронлиги даврида (83-117) Рим ва Мисрда яшаган. Беруний: 70.
13. *Шеър* таржимаси берилмади. И.да “Уларнинг асарлари кўрқоқлик туфайли муаллифларидан кейин қолди. Ҳалокат уларга етиши мумкин эди, лекин улар (асарлар)га ҳали ҳам амал қилинмоқда”. Бу парчанинг муаллифи сифатида араб шоири Абу-т-Тайиб Аҳмад ибн ал-Хусайн ал-Мутанаббий (915-965) кўрсатилган. Levey: 87, 198 (214), Беруний: 906.
14. *Луғозийё иёражи* – кўп таркибли иёраж бўлиб, унинг антик давр табиблари томонидан ихтиро қилинган бир неча турлари мавжуд. Ибн Сино, V: 67-68.
15. *Асорун* – ёввойи нордин ҳам дейилади – *Asarum europaeum* L. Ибн Сино, II: №8.

### Тўртинчи боб

1. *Шитараж* – бақа жўхориси, сассик тол – *Lepidium latifolium* L. Ибн Сино, II: № 691.
2. *Анисун* – Рум арпабодиёни – *Anisum vulgare* Gaertn. уруги. Ибн Сино, II: №2.
3. *Сардоруж* – форс тилидаги *сардорунинг* арабча шакли. Қурук кукун дори бўлиб, бош учун мўлжалланган дориларни пиширишда кўшилади. Деххудо, 1993, 8-жилд: 11977.
4. 2275 – нусхадан кўшилди (74а – варақ).
5. *Хайрбавво* – иккита ўсимлик: кичик қокила – *Atomium repens* Sonnerat ва катта қокила – *Atomium melegueta* Rose ни ифодалайди. Ибн Сино, II №782.
6. *Ширхушт* – форсча *шир-и хушк* – “қурук сут”нинг арабий шакли. *Salix rosmarinifolia* L. толининг маннаси (шираси). Беруний: №933 (18).
7. *Нефт тузи* – Ибн Сино “Тиб қонунлари”да уни қуйидагича таърифлайди: “Яна қора, нефтли туз ҳам бор. Унинг қоралиги ундаги нефтлилик сабабдир. Агар қора тузни нефть моддаси учиб

кетгунча тутатилса, у ок туз каби тоза бўлиб қолади”. Ибн Сино, II: № 440.

8. *Мажорийлар* – турли аъзоларга озик моддалар ва чиқиндилар оқиб борадиган йўллар. Қумрий: 131.
9. 2275–нусха ва И.дан қўшилди.

#### Бешинчи боб

1. *Фарозижлар* ҳошиядан қўшилди; 2275–нусхада йўқ; бирлиги *фарзижа* – *фаржга* кўтариладиган дори. Ибн Сино, V: 171, 266.
2. *Бухтаж* – кунжут ёғи деган тахмин бор. Levey: 204 (267).
3. И. да: совуқдан. Levey: 96.
4. *Муррий* – Халдея табиблари ясаган мураккаб дори. Унинг энг яхшиси ёзда арпа унидан, чўлялпиз, туз, укроп, петрушка уруғи, долчин ва мурч аралаштириб, 40 кун ачитиб, тайёрланади. Унинг балиқ ва гўштдан тайёрланадиган хиллари борлиги ҳам кайд этилган. Ибн Сино, II: № 445.
5. 2275–нусхада: *сиканжубин* (75а–варак).
6. *Баллут* – дуб ёнгоғи.
7. И. да: бинафша. Levey: 100.
8. Бу ерда дорининг матога ўраб, қайнатилгани назарда тутилган.
9. Баст – Ҳирот билан Сижистон орасидаги шаҳар. Levey: 213 (310).
10. И. да: майдаланган бинафша. Levey: 100.
11. *Фурзажга* – дори шимдирилган бир бўлак жун ёки латтани фаржга кўтариш. Ибн Сино, V: 221. 273.
12. *Рихбин* – зардобнинг бир тури. Levey: 212 (315).
13. *Нотиф* – ҳолванинг бир тури; шакар ёки асални сувда зритиб, паст оловда уриб пишириш билан тайёрланади. Ибн Сино, V: 201, 270; Levey: 213 (316).
14. *Артанисо* – *Suslameu eugoraеum* L. Ибн Сино, II: № 533.
15. *Дзарра* – донли ўсимлик – *Sorghum vulgare* Pers. Levey: 213 (323).
16. *Қанбил* – *Mallotus philippinensis* Muell меваси устида пайдо бўладиган қизил рангли кукун модда. Ибн Сино, II: № 624.

#### Олтинчи боб

1. *Сармақ* – “Рум исмалоғи” – *Atriplex hortensis* L. Ибн Сино, II: № 509.
2. *Духн ал-ҳилл* – кунжут ёғи.
3. *Кишк* – оқланган бугдой ёки арпа. Ибн Сино, V: 214, 272.
4. *Кавомих* – унинг бир неча тури бўлиб, асосини арпа унидан тайёрланган, ферментатив ишловдан ўтган кулчалар ташкил

килади. *Кавомих* тайёрлаш учун мазкур кулчалар устидан сут қуйиб, офтобга қўйилади. Жараён бир неча кун қайтарилгандан сўнг, тайёр бўлган массага ҳожатга қараб турли доривор ўсимликлардан қўшилади. Қумрий: 136.

5. 2275–нусхадан қўшилди (776–варақ).
6. *Исфидбож* - гўштдан, хусусан, эчки гўшtidан тайёрланадиган таом. Ибн Сино, V: 84, 85.
7. *Зирбож* –сирка ва қалампирмунчоқ қўшиб, гўштдан тайёрланадиган таом. Ибн Сино, V: 66, 242.
8. Рикоз қустирувчи ёнғоқ тури –*Trichilia emetica* Vahl., син. *Elkaia yemenensis* Forsk. Беруний: № 469.
9. И.: савдони. Levey: 109.

### Саккизинчи боб

1. *Хафақон* –юрак уриш ритмининг бузилиши. Қумрий: 125.
2. *Шаъир* –арпа дони –0,059 г. Ибн Сино, II: 771.
3. *Қийрот* –огирлик ўлчови – 0,236 г. Ибн Сино, II: 771.
4. *Сунбул ат-тибб* –нордин –*Nardostachus jatamansi* D.C. Ибн Сино, II: №451.
5. Вазн ўлчови кўрсатилмаган.
6. Хисрим – узум гўраси; 2275 – нусхада унинг ўрнига зирк берилган (796 варақ).
7. 2275–нусхада: “семизўт уруги ва шу кабилар” (796–варақ).
8. *Казмозак* - ар. *казмозаж* – юлғун бужури, яъни *Tamarix articulata* Vahl., син. *T.gallica* L.нинг меваси. Беруний: №899; Ибн Сино: №148.
9. *Шодана* – ар. *шозанаж* , син. *хажар ад-дам* - қон тоши, яъни табобатда қонни тўхтатувчи восита сифатида фойдаланилган. Асосий темир рудаларидан бири – гематит минералидир ( $Fe_2O_3$ ). Розий: 207, 215 (30).
10. *Таросис* - «ер олати» - *Synopogon soccineum* L. Ибн Сино, II: №305.
11. И. ва 2275–нусхада: мирта қиёми (80а–варақ); Levey: 121.

### Тўккизинчи боб

1. *Қамойиҳ* –бирлиги *қамҳа* –кап отиладиган майда, курук дориларни англатади. Levey: 221 (386).
2. И. дан қўшилди. Levey: 123.
3. *Мақлиёсо талқони* –Таркибига қовурилган индов уруги (мақлиёсо) қўшилган талқон дори шундай аталган. Ибн Сино, V: 98, 246 (4).
4. 2275–нусхадан қўшилди (80б–варақ).

### Ўнинчи боб

1. *Фуфал* – арека пальмаси – *Areca catechu* L.нинг данаги. Ибн Сино, II: № 566.
2. *Момисо* – *Glaucium corniculatum* Curt. Ибн Сино, II: № 425.
3. 2275–нусхада бу таркиб жигар шиши учун ёзилган (81а–варақ).
4. *Ханозир* – ширинча; ёнгоқ катталигида бўлиб, кўпинча бўйин, кўлтиқ ва бут орасида чиқади. Қумрий: 128.
5. *Рамик* – *оромангиз*, *ором дору* ҳам дейилади; Учинчи бобнинг 9-изоҳига қаранг.
6. *Ҳабб ул-мулук* – *моҳудона* – *Euphorbia lathyris* L. Ибн Сино, II: № 429.
7. *Мугос* – *Glossostemon Bruguieri* Desf. ўсимлигининг илдизи. Ибн Сино, II: № 411.
8. *Буш* – *буш дарбандий* ҳам дейилади. Бу Арманистондан келтирилладиган шиёф дори, яъни момисо ширасининг куйкасидан тайёрланадиган шамча дори. Ибн Сино, II: № 135.
9. *Тафсиё* – *тофсиё*, *софсиё*, *янтун* шакллари ҳам учрайди. Бу тоғ загаўти, яъни *Thapsia garganica* L. нинг елиמידир, Ибн Сино, II: №№ 334, 733, 746.
10. И.да: темиратки суртмаси. Матн мазмунига кўра, шундай берилиши тўғри бўлса керак.
11. 2275–нусхадан қўшилди (81б–варақ).
12. 2275–нусхадан қўшилди (81б–варақ).

### Ўн биринчи боб

1. 2275–нусхада: иссиқ (82а–варақ).
2. 2275 – нусхада: бодринг (82а–варақ).
3. И.: тутқаноқда. Levey: 135.
4. *Сарсом* – менингит. Қумрий: 122.
5. 2275–нусхадан қўшилди (82б–варақ).

### Ўн иккинчи боб

1. *Жашмизаж* – форс тилидаги *чашмизак*дан арабийлаштирилган; *Cassia absus* L.нинг уруғлари. Беруний: № 255 (10).
2. *Қурутий* – елим билан ёғ аралашмаси. Levey: 231 (450).
3. И.да микдор кўрсатилмаган.
4. *Исмид* – сурма метали – *Stibium* (S b) Ибн Сино, II: № 18.
5. *Русхтаж* – форс тилидаги *руй* (мис) ва *сухта* (куйган) сўзларидан ясалган бўлиб, мис оксиди –  $\text{CuO}$  ни англатади. Каримов – Розий: 132 (75).

6. *Даҳнаж* – малахит минерали –  $\text{CuCO}_3 \cdot \text{Cu}(\text{OH})_2$  Каримов – Розий: 143 (216).
7. *Зарних* –реальгар –  $\text{As}_2\text{S}_2$  ва аурипигмент -  $\text{As}_2\text{S}_3$  аралашмаси. Купинча уларнинг ҳар бирини алоҳида, рангини кўрсатиб, зикр қилинади, яъни қизил *зарних* – аурипигмент ва сариқ *зарних* – реальгар. Каримов – Розий: 119 (29).
8. *Шанжарф* - форсча *шангарф* – киноварь, яъни симоб сульфиди ( $\text{HgS}$ ). Беруний: №506 (1).
9. *Ҳабба* – оғирлик ўлчови – 0,059 г. Ибн Сино, II: 771.
10. *И.*: 7 дирҳам. Levey : 144.

#### Ўн учинчи боб

1. 2275–нусхада “кукун дорилар” йўк (856–варақ).
2. 7225–нусхада *ротинаж* (санавбар елими) *розиёнаж* (арпабодиён) шаклида берилган (806–варақ).
3. *И.да* алой йўк. Levey: 145.
4. *Зунжуфр* - киноварь. Ўн иккинчи бобнинг 8–изоҳига қаранг.
5. *Хоразм тоши* -аниқланмади.
6. *Жародат ал-одам* - аниқланмади. *И.да* “чўчка териси” деб берилган Levey: 148.
7. 2275–нусхадан қўшилди (856–варақ).

#### Ўн тўртинчи боб

1. *Масҳақуниё* - шишасозликдаги чиқинди маҳсулот – кальций силикати ( $\text{CaSiO}_3$ ). Розий: 215 (32).
2. *Финак* –жилвиртош. Беруний: № 806.
3. 7225–нусхада: ҳинд шоданажи. Бу қўчирувчининг хатоси бўлса керак (826–варақ).
4. 2275–нусхада йўк (86а–варақ).

#### Ўн бешинчи боб

1. *Луоб* - ўсимликнинг шилликсимон шираси. Баранов: 722.
2. *Майбухтаж* форсча *май-и нухтанинг* арабчалаштирилган шакли; “пиширилган шароб”, яъни *мусаллас* –ҳажмининг тўртдан бири қолгунича қайнатилган узум суви. Беруний: № 266 (4).

#### Ўн олтинчи боб

1. 2275–нусхадан қўшилди (866–варақ).
2. *Шақоқул* – ёввойи сабзи – *Malabaila sekakul* Russ. Ибн Сино, II: № 697.
3. 7225–нусхада: иссиқлик (84а–варақ).

### Ўн еттинчи боб

1. 2275–нусха (87а–варақ) ва И.дан қўшилди. Levey: 157.
2. *Артанисо* – *Suslameu eugoraеum* L. ўсимлиги. Ибн Сино, II: № 533.
3. 7225–нусхада яна каклигўт (*саътар*) қайтарилган (85а–варақ)
4. 7225–нусхада: хина (85а–варақ).
5. 2275–нусха (87б–варақ) ва И.дан қўшилди. Levey: 159.
6. *Кабоба* – *Piper cubeba* L. Ибн Сино, II: № 345.
7. *Норанж* – ачиқ апельсин – *Citrus aurantium var. Amara* L. дарахти меваси. Беруний: № 1040.

### Ўн саккизинчи боб

1. 2275–нусхада: ок кўкнор баргидан, арпа бўтқасидан бир ховуч... (88 а – варақ).

### Ўн тўққизинчи боб

1. 2275-нусхада йўқ.
2. *Озоддарахт* – *Melia azedarach* L. дарахти. Ибн Сино, II, № 33.
3. *Ширамлаж* – сутда ивитилган омила, яъни *Phyllanthus emblica* L. меваси. Беруний: № 91.
4. *Хатр* – индиго ўсимлиги – *Indigofera tinctoria* L. ёки *Isatis tinctoria* L.нинг барглари. Levey: 243 (544).
5. *Бузғунд* – бузғунча – писта дарахтининг пуч меваси. Беруний: № 175 (4).
6. *Фустуқ* – писта дарахти – *Pistacia vera* L. Ибн Сино, II: №589.
7. 2275–нусхада: Унинг (тибнинг) ҳақиқий сирларига Аллоҳ ўзи бошловчидир. Табибларнинг шайхи Нажибуддин Самарқандий қаламига мансуб “Мураккаб дориларни тайёрлаш усуллари” китоби тамомига етди (89а–варақ).

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>Нажибуддин ас-Самарқандий ва унинг “Усул ат-тарокиб” асари</b>	
<i>1 Шарқ доришунослик китоблари: содда доридан мураккабгача.....</i>	3
<i>2 Муаллиф ҳақида.....</i>	8
<i>3 “Усул ат-тарокиб ал-адавийа” ва унинг қўлёзмалари.....</i>	9
<i>4 “Усул ат-тарокиб ал-адавийа” даги доришунослик масалалари....</i>	10
Библиографик қисқартмалар рўйхати.....	14
<b>Мураккаб дориларни тайерлаш усуллари.....</b>	<b>16</b>
[Муқаддима].....	16
БИРИНЧИ БОБ. Шарбатлар ва қуюлтирилган ширалар.....	22
ИККИНЧИ БОБ. Жуворишн ва маъжунлар.....	28
УЧИНЧИ БОБ. Сурги хаблари ва иёражлар.....	36
ТЎРТИНЧИ БОБ. Қайнатма ва дамламалар.....	41
БЕШИНЧИ БОБ. Ҳукналар, шиёфлар ва фарозижлар.....	47
ОЛТИНЧИ БОБ. Қустирувчи дорилар.....	53
ЕТТИНЧИ БОБ. Яланадиган дорилар.....	54
САККИЗИНЧИ БОБ. Қурс (қулча) дорилар.....	56
ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. Талқон дорилар ва қамойиҳлар.....	61
ЎНИНЧИ БОБ. Боғламалар, суртмалар ва компресслар.....	63
ЎН БИРИНЧИ БОБ. Ёғлар.....	67
ЎН ИККИНЧИ БОБ. Кўз дорилари.....	70
ЎН УЧИНЧИ БОБ. Мархамлар ва қуқун дорилар.....	76
ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ. Тиш дорилари.....	79
ЎН БЕШИНЧИ БОБ. Томоқ чайиладиган дорилар.....	80
ЎН ОЛТИНЧИ БОБ. Мурабболар.....	82
ЎН ЕТТИНЧИ БОБ. Бурунга юбориладиган, аксиртирадиган, тутатиладиган ва ҳидланадиган дорилар.....	82
ЎН САККИЗИНЧИ БОБ. Қуйиладиган дорилар.....	85
ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. Соч дорилари.....	86
<b>ИЗОҲЛАР.....</b>	<b>89</b>

6000 с.д.и.

**Нажибурдин ас-Самарқандий**

# **Усул ат-тарокиб ал-адавия**

*(Мураккаб дориларни тайёрлаш усуллари)*

*Муҳаррир:*  
**Акрам ДЕҲҚОН**

*Техник муҳаррир:*  
**Файзулло АЗИЗОВ**

*Дизайнер:*  
**Асқар ЁҚУБЖОНОВ**

«Муҳаррир» нашриёти  
Лицензия: А1 № 230. 2012 йил 16 ноябрь

Теришга 2013 йил 02 октябрда берилди.  
Босишга 2013 йил 22 январда рухсат этилди.  
Бичими: 60x84<sup>1</sup> /16 «Virtec Times» гарнитурасида  
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.  
6.5 шарт. б.т. 5.2 ҳисоб нашр. таб.  
Адади 1000 нусха. 08-сон буюртма.

«Muharrir nashriyoti» матбаа бўлимида чоп этилди.  
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй  
E-mail: Muharrir@list.ru